

ИСОҚЖОН НИШОНОВ

10

The background of the cover is a detailed illustration in a dark, reddish-brown color palette. It depicts a large, weathered man with a beard and a turban, looking intensely at the viewer. In the foreground, two smaller figures, also in traditional attire, are shown. One is on the left, looking towards the center, and the other is on the right, holding a small object to his face. Between them sits a small, ornate metal box filled with glowing gold coins. The overall style is reminiscent of a woodcut or a detailed pencil drawing.

# АФҒОН ШАМОЛИ

ТҮҒОН



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

# АФҒОН ШАМОЛИ

**Тўфон**

Ўнинчи китоб

*Тўлдирилган қайта нашири*

  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2016

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)7**

**Н – 69**

**Нишонов, Исоқжон**

Афғон шамоли: роман. Тўфон. Ўнинчи китоб. Исоқжон Нишонов. Тўлдирилган қайта нашри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 192 б.

ISBN 978-9943-27-828-8

Эзгулик ёвузлик устидан доим тантана қилади. Шу кунгача жангарилар сафида юриб Ўзбекистонда ўз ҳокимиятини ўрнатиш мақсадида бўлган разил кимсаларнинг топшириқларини итоаткорлик билан бажараётган Фафурнинг юрагида бирдан ёруғлик пайдо бўлди. Бегуноҳ одамларнинг дарё бўлиб оқаётган қони унинг кўзини очди. Нега одамлар бир-бири билан уришяпти, ёш демай, қари демай олдидан чиққанни ўлдирияпти, деган саволларга жавобан ўз ҳаёти мазмунини ўзгартирди. Киндик қони тўкилган ватани, кўз қорачигидек ардоқлаб ўстирган халқи тинчини сақлаб қолиш мақсадида Фафур энди ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига ёрдам бера бошлайди. Ёвуз ниятли кишиларнинг режалари ҳақида маълумотлар тўплаш учун бошидан кўп қийинчиликларни ўтказади.

Ўқувчи романни ўқиш давомида қаҳрамоннинг руҳий ҳолатларини, кечинмаларини ўзидан ўтказади ва жиддий мулоҳазалар қила бошлайди.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-27-828-8

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Ўнинчи китоб. «Наманган», 2013 йил.

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Ўнинчи китоб. «Янги аср авлоди», 2016 йил.

## ДОШИ

Саид Ҳалил билан Аюбхон нима қилишни билмай турган жойларида қотиб қолишди. Қочишнинг, қаршилик кўрсатишнинг иложи йўқ. Биргина ножўя ҳаракат қилишса, қаршиларида турган нотаниш одамлар қўлидаги қурол учидан чўғдек учиб чиқадиган қўрғошин парчаси иккисининг кўкрагига қадалиб, ер тишлатиши мумкин. Аюбхон ниқобли бу кимсаларни бўй-бастларидан, чакнаб турган кўзларидан таниди: «Кашмирийнинг соқчилари!» Боягина кетишган эди-ку. «Қаердан пайдо бўлиб қолишди? Шерикларимдан бирортаси ўзига келган бўлса, уларга хабар етказдимикин? Буларнинг чангалига тушган тирик жон омон қолмайди. Итдай қийнаб, азоблаб ўлдиришади».

Бундай совуқ фикрлар Шевчукнинг (энди биз уларни ўз номи билан атаймиз) ҳам хаёлидан кечди. Ҳали ҳамон Сашага ишонмаётганди. «Мени тутиб бериш учун атайин шундай хийла ўйлаб топишган». Шевчук фақат қочишни ўйларди. Тирик ҳолда ўзини уларнинг қўлига топширишни истамасди.

– Чиқинглар! – буюрди соқчилардан бири хандак ичидаги қочоқларга.

Шевчук чуқурдан Сашанинг чиқишини кутди. Юқорига кўтарилаётганда қўлини чимчилаб қўйди.

У бунн тушундимн, йўқмн, билмадн. Ортндан у ҳам тепага кўтарилдн. Шевчукнинг таваккал қилишдан бошқа чорасн йўқ эдн: қадднн ростлаш баҳонасн рўпарасндагн соқчнннг юзнга тепдн. Соқчн иккн қадм нарига борнб тушдн. Ннма бўлганннн англаб улгурмаган соқчнларннг яна бнрн қорннга урилган муштдан қорнннн чангаллаганча ўтнрнб қолдн. Шунда Саша шернгнннг мақсадннн тушуннб қолдн. Рўпараснда қашқнрдек турган соқчнга ташландн. Иккнсн олншнб кетдн. Тўртннчн соқчн нарнроқда турардн. Автоматнннг тепкнсннн боснб юбордн. Ўқлар Шевчукнннг ённдан ўтнб кетдн. У энгашнб узун оёқларн билан соқчнннг кўкрагнга зарба бердн. Кучлн оғрнқдан соқчн ўкнрнб, хушндан кетганча ерга йнқнлдн.

Саша ҳамон соқчн билан олншнб ётардн. Шевчук қорнннн чангаллаб ётган соқчнннг автоматннн олнб, қўндоғн билан шернгнннг устнга мнннб олган жангарннннг энсаснга солдн. Унннг бошн ёрнлдн, сўнг типнрчнлаб жнм қолдн.

Саша ўрнндан турдн. Иккнсн соқчнларнн қуролснзлантнрдн.

– Тезроқ қочншнмнз керак! – дедн Саша, – ортнмдан юр!

Улар ўзларннн қоронғн кўчага урншдн. Зум ўтмай ортларндан автоматдан уларнн ўққа тутншдн. Қочоқлар бомба тушнб вайрон бўлган бнннлар оралаб борншардн. Олднндан бу ерларнн яхшн билган Саша йўл бошлардн. Ўқ овозн эндн узоқдан эшнтнла бошладн. Афтндан уларнннг нзнга тушганлар адашнб, бошқа томонга ўтнб кетншдн. Қочоқлар катта йўлга чнқншдн. Қаршн томондан чнроғннн ёқнб келаетган юк машннасн кўрнндн. Ўтказнб юборншдн уни, кейнн йўлнн кеснб ўтншдн. Нарнроқда Кобул дарёсн пишқнрнб, шовуллаб оқардн.

– Дарёдан сузиб ўтиш керак! – Шевчук шеригига маслаҳат оҳангида юзланди.

– Сув совуқ, бунинг устига оқим кучли, иккимизни оқизиб кетиши мумкин. Қолаверса, қўйнимда хужжат бор.

– Унда нима қиламиз, чорасини топ!

– Ярим чақиримча нарида кўприк бўларди...

Улар кўприк томон югуриб кетишди. Ўқ овози ҳам тинди. Осма кўприк кўринди. Бироқ уни кўприк дейиш қийин. Тахталари йўқ, темир бўлаклари симга осилиб қолган.

– Энди нима қиламиз? – жаҳл билан қўл силтади Саша.

– Троссга осилиб ўтамиз! – эътирозга ўрин қолдирмай жавоб қайтарди Шевчук.

У троссдан маҳкам ушлади. Оёғини пастдаги иккинчи сим устига қўйди. Кейин олдинга қараб ҳаракатланди. Саша бир оз саросимага тушди. Кейин таваккал қилди. Сувнинг шовқини кучли эди. Тўсиқларга, тошларга урилиб тепага сапчиётган томчилар қочоқларнинг юзига уриларди. Тросс устидаги одамларни улоқтириб ташлайдигандек чайқаларди. Сашанинг оёғи симдан тойиб кетиб, устки троссга осилиб қолди.

– Ёрдам бер! – Саша жон ҳолатда Шевчукни чақирди. У дарёнинг ярмига етиб қолганди. Ортига қаради. Оёқлари сувга тегиб, чайқалиб турган Сашани кўриб тўхтади. Орқага қайтмаса, унинг қўллари толиқиб, сувга тушиб кетиши, ёнидаги хужжат оқиб кетиши мумкин.

– Ҳозир етиб бораман! Чидаб тур!

Шевчук ортга қайтди. Сашанинг мушаклари зўриқиб, бармоқлари троссдан аста чиқиб борарди. Ҳатто бир қўлини қўйиб юборди. «Энди барчаси тамом, куним битди», деб ўйлади. «Оқим сув мени

окизиб кетади, бошим тошларга урилади, жасадимни дарё ютиб юборади».

Кўз ўнгига келган даҳшатли ўлим Сашанинг толикқан бармоқларига бир зумгина куч ато этди. Айнан шу лаҳзада Шевчук етиб келди ва пастдаги тросни кўтарди.

– Оёғингни қўй, – деди у қичқириб.

Сувнинг шовқинида бу нажот жумласи Сашанинг қулоғига йироқлардан келгандек эшитилди. У оёғини симга қўйганда енгил нафас олди. Ажал уни ўзининг тўфонли уммонига тортмаганидан хурсанд бўлди...

Кийимлари жикқа хўл бўлган йигитлар бир амаллаб нариги қирғоққа ўтиб олишди. Бу томонда дашти биёбонлар ястаниб ётади. Тошлоқ ва тақир эди ер. Адоғида қорайган тоғлар кўзга ташланади. Тун чекиниб, тонг ёришиб келмоқда. Тезроқ бу ердан кетиш керак.

– Қани, йўлга тушдик! – хаёлига келган фикрни тилига олди Шевчук.

– Ҳолим қолмади, бир оз дам олайлик, – таклиф қилди Саша.

– Тонг ёришмоқда. Яланғоч дала-дашт ичида бизни кўрган одамлар шубҳаланади. Бунинг устига йўлдан машиналар тинимсиз ўтиб турибди. Изимизга тушган одамлар келиб қолиши ҳам мумкин.

Саша ноилож ўрнидан қўзғалди. Улар тоғлар томон юриб кетишди. Тиконгул, янтоқ шохлари қамчидек оёқларини саваларди...

## ҚУНДУЗ

Хонобод ва Боғлон орқали икки кунлик йўл азобидан хориган Шевчук билан Саша деярли муаммосиз Қундузга етиб келишганига ўзлари ҳам ишонги-

лари келмади. Очлик уларни каттиқ холдан тойдирди. Юришга ҳам мадорлари қолмади. Лекин уларни хали бундан-да азобли, машаққатли йўл кутарди. Қаршиларида ястаниб ётган тоғлардан ошиб ўтишга куч тўплаш мақсадида тўхташди. Майда тошлар устида ярим соатдан мўлроқ ётишди.

– Тоғларнинг орти Афғонистон ҳудудига қарайдими? – сўради Шевчук.

– Йўқ, Тожикистон!

– Аниқми?

– Бу йўллардан кўп қатнаганман. Бироқ биз Салангдан ўтолмаймиз. Довонни Кашмирийнинг одамлари қўриқлайди.

– Бошқа йўлни билмайсанми?

– Биламан, бир сўқмоқ бор. Бунинг учун қаршимиздаги тоғдан ошиб ўтишимиз керак. Кўриб турибсан, тоғлар баланд, тирмашиб чиқишга ҳолимиз етмайди.

– Ҳечқиси йўқ, тоққа тирмашиб чиқамиз. Қани, йўл бошла!

– Йўлга чиқишдан аввал қоринни тўйдиришимиз зарур!

– Бу ерлардан овқат топиш азоб.

– Қушлар сероб, отамиз.

– Ўқ овози чиқса, бизни тутиб қамашади! Атрофда жангарилар тайёрлайдиган лагерлар бўлиши мумкин. Қолаверса, бу жойларда толибонларга қарши курашаётган кучларнинг аскарларига рўпара келиш эҳтимоли ҳам бор.

Шевчук ўрнидан турди. Наридан бориб пастдек буталарнинг остини оёқлари билан титди. Ўнтача қуш тухумини топиб келди. Иккиси бўлиб ейишди.

– Хужжат ёнингдами? – сўради Шевчук бир оздан кейин.

Саша қўйнига қўл солди.



– Хайрият, ёнимда экан...

– Ол-чи, кўрайлик, ҳақиқатан ҳам биз излаган ҳужжатмикин?

Саша нам тепчиб қолган жилдни қўйнидан олиб шеригига узатди. Шевчук уни варақлади. Йўк, адашмаган экан.

– Қорнинг тўйган бўлса, йўлга тушдик, – деди у ҳужжатни қўйнига соларкан.

Улар сўқмоқдан тепалик сари тирмашиб чиқишди. Олдинда қор босган тоғ тизмалари бир-бирига мингашиб кетган, ичкарилаб борган сари тоғлар ҳам юксакроқ, қори қалинлашиб боради. Бироқ юриш – азоб. Тоғларни қалин қор босган. Оппоқ қор кўз-ни қамаштиради. Баҳор ва кузда ёмғир ёғмагани учун қорлар эримаган. Ҳали қиш келмасдан куз ўрталаридаёқ икки марта қор ташлади. Икковлон ўра-жарларга шўнғиб кетмаслик мақсадида автоматнинг тасмаси билан бир-бирларининг белларидан боғлаб олишди. Олдинда тиззадан баланд қорни кечиб Саша боради. Тоғларда юриб ўрганиб қолган. Тепаликка кўтарилишган сайин ҳаво етишмай, оғизлари билан нафас олишади. Совуқ забтига олди. Юзларини чимчилаб изғирин эсди. Қор учқунлади. Иккиси ҳам ўй-хаёллар уммонига фарқ бўлганди. Шевчук топширикни бажарганидан бахтиёр. Қўйнидаги ҳужжатни тезроқ раҳбариятнинг қўлига топширишга ошиқади. Иш жараёнида кўплаб топширикларни қойилмақом қилиб уддалаган. Унвони муддатидан аввалроқ оширилди. Лекин ҳозиргиси бошқача. «Муҳим топширик билан четга юбориш бу раҳбарларнинг менга бўлган ишончини билдиради» деган ишонч бор унда. Кобулга қийинчиликсиз етиб келди. Бахтига Саша билан танишиб қолди. Унинг ёрдамида мақсадига эришди. Ҳужжатга Кашмирий яқин орада назар ташламаган бўлса керак, ва-

рақларнинг кўпдан буён очилмагани тахламлардан билиниб турибди. Бу ҳужжат ҳудудда тинчлик ўрнатишда асқотиши турган гап.

Шевчук ширин орзулар оғушида борар экан, юртига тезроқ қайтишга ошиқди. У она тупроғини соғинди. Шу боис совуқни ҳам, очликни ҳам писанд қилмасдан илгарилаб борарди. Қувонч-у шодлик томирида совиб бораётган қонни кўпиртириб, вужудини киздирарди.

Айни пайтда Сашани ҳам ширин хаёллар ўзгирдоби-га фарқ айлаган. Армияга чақиришганда ўн саккиз ёшда эди. Уч ойлик тайёргарликдан сўнг у хизмат қилаётган қисм аскарларини Афғонистонга ташлашди. Саша урушни тасаввурига сиғдиролмасди. Фақат кинолардагина кўрган. Ўзга юртга келган қуниёқ уруш дахшатини ўз кўзи билан кўриб кўрқиб кетди. Аэропортдан аскарларни юклаб бораётган машиналарни тоғ тизмаларида жангарилар ўққа тутишди. Машиналардан бирини портлатиб юборишди. Йигитларнинг бир қисми шу ерда нобуд бўлди. Аскарлар шу ернинг ўзидаёқ жангга киришишди. Отишмалар эрталабгача давом этди. Осмонда вертолётлар пайдо бўлгандагина душманлар қочишди. Саша хизмат давомида жангариларга кўп дуч келди. Дастлабки тўқнашувдаёқ у юрак олдириб қўйди. Жанг пайтида ўзини ҳимоя қилишни кўпроқ ўйлайдиган бўлди. Одамга (гарчи уни душман деб атасаларда) қарата ўқ отишни мутлақо истамади. Буни қотиллик, кечириб бўлмайдиган жиноят деб қабул қилди. Мана шу олижаноблиги уни осонгина душман қўлига тутиб берди.

Ўша қуни Саша сув олгани тоғ оралиғидаги булоққа тушди. Сув ёқасида ўтириб қишлоғини, отонасини эслади. Юрагини соғинчнинг шафқатсиз тирноқлари тимдалади. Юзини аччиқ кўз ёш ювиб тушди. Орқага қайтаётганда каттагина харсанг ор-

тидан бошига қора салла ўраган, жундан тўқилган камзул кийган, юзини соқол босган афғон чиқиб келди. У ҳам қуролланган эди. Бироқ автоматни елкасига илиб олганди. Олишга қўрқди. Сашанинг қўлида автомат турарди. «Отиб қўяди» деб ўйлади. Руснинг оёқларига тиз чўқди. Ўз тилида бир нарсалар деди.

Саша унинг гапини тушунмаса-да, «отма» деб илтимос қилаётганини тушунди. Иккиси бир-бирига тикилиб қолишди. Шунда Саша афғоннинг қўрқувдан йиғлаётганини кўрди. Кўнглида нимадир гимирлади. Қўлидаги пақирни ерга қўйди. Буни кўриб афғон баттар қўрқиб кетди.

– Қўрқма, сени ўлдирмайман! – рус афғонга яқинлашди. Уни ўрнидан турғазиб, дўстона елкасига уриб қўймоқчи бўлди. Бирдан юз-кўзларига қумли тупроқ сачраб ҳеч нарсани кўрмай қолди. Афғон чаққонлик ила унинг оёқларига ёпишиб, ерга ётқизди. Қуролини тортиб олди. Саша афғонни инсофга чақириб бир нималар деди. Афғон Сашанинг сўзларига қулоқ тутмади. Аксинча, у аскарни осонгина таслим қилганидан мамнун, унинг қўлларини, кўзини маҳкам боғлаш билан овора.

– Қани, олдимга туш! – афғон рус тилида, тантанавор оҳангда жуда равон сўзлади ва Сашани олдига солиб номаълум томонга олиб кетди. Жуда узок йўл босишди. Бир пайт Сашанинг қулоғига нотаниш овоз чалинди. Кўзидаги боғични олишганда у ўзини давра қуриб ўтирган бир тўда жангарилар ичида кўрди.

Саша табиатан қўрқоқ эди. Шу сабабли бу ерда чиғириқдан ўтказган кимсаларнинг шартига осонгина қўна қолди.

– Русский хорош, ты молодец. Ты будешь богатым человеком, – деди уни сўроқ қилган кимса, – ты с нами будешь жить, хорошо?

– Хорошо, – жавоб қилди Саша.

Ўша куни уни Покистонга олиб кетишди. Пешовардаги лагерлардан бирига ташлашди. Бу ерда покистонликларнинг ҳам, америкаликларнинг ҳам сабоғини олди. Тўқсонинчи йилларнинг охирида Покистон махсус хизмат идораси уни Афғонистонга ташлади. Унга қандай қилиб бўлмасин, Баширнинг идорасига жойлашиш тўғрисида топшириқ беришди. Саша талабни, оғир қийинчилик билан бўлса ҳам уддалади. Аввалига толибонлар сафига қўшилиб юрди. Кейин Баширнинг идорасига соқчи бўлиб ишга жойлашди. Ойда икки бор покистонликлар ва океанорти махсус хизмат идораси ходимлари билан учрашиб юрди. Уларга керакли маълумотларни бериб, топшириқлар олиб турди. Учрашувлар ўта махфий равишда ташкил этиларди. Ўн йил мобайнида Баширнинг ишига оид кўплаб сирлар очилиб қолган бўлса-да, Сашадан шубҳаланишни ҳеч ким хаёлига келтирмади. Шевчук билан учрашмаганда у яна қанчадир муддат махфий хизмат идораларининг қўлида қўғирчоқ бўлиб юраверарди. Шевчук ҳамюрти эканини билгандаёқ хотирасидан ўчиб бораётган қишлоғи, яқинлари ярқ этиб кўз ўнгида жонланди. Киндик қони томган ватани борлиги эсига тушди. Тунлари тушларига кирди. Ота-онаси Сашани чорлаётгандек бўларди. У юртга қайтишга қарор қилди.

Мана, ниҳоят ўша орзуси ва истаклари рўёбга чиқишига оз қолди. Яна икки чақирим юқорига кўтарилишса, олисларда бўлса ҳам ватанига элтувчи ойдин йўл кўринади. Шевчук айтганидек, бу ердаги чегарани руслар қўриқлайди. Улар Сашани бағриларига олишади ва Ватанига жўнатиб юборишади.

– Эҳ! – деди ширин орзулар қанотида парвоз қилиб юрган Саша юраги энтикканча қўлларини боши узра кўтариб шеригига қараркан. Унинг бу

туриши парвозга шайланаётган бургутга ўхшарди. – Йўлнинг асосий қисмини ҳам босиб ўтдик. Тепаликка чиқсак, Тожикистон кўринади. Мухими, душманларимиз олисда қолди. Ҳеч ким бизнинг ортимиздан қувиб тутиб ололмагани каби ўққа ҳам тутолмайди. Ватанга кириб келдик ҳисоб! Бу кунларни йигирма йил орзиқиб кутдим. – Саша шундай деди-да, овозини қўйиб ҳайқириб юборди:

– Салом, Ватан! Салом, озодлик!

Унинг ўқтам овози қор қоплаган кенгликлар узра ёйилиб, баҳайбат доvon-у чўққилардан ошиб кетди. Йироқ-йироқлардан акс садо қайтди:

«Салом, Ватан! Салом, озодлик!»

Шевчукнинг совуқдан кўкарган, қошларига оппоқ киров қўнган юзида ҳам қувонч, ҳам шодлик балқиди. Сашага қўшилиб у ҳам қичқирмоқчи бўлди, аммо негандир журъат этмади ва жилмайиб қўйиш билан кифояланди. Унинг ҳам қорни очибди.

– Ватанга етиб олишни, озодликка чиқишни истасанг тўхтама! – хитоб қилди Шевчук қалтираётган бармоқларига қорни илиб яларкан.

– Бу совуқ ва изғирин олдида очлик нима экан?! Икки чақирим масофага чидаймиз ва албатта чўққини забт этамиз. Ўша жойда туриб мен овозимни қўйиб яна «Салом, Ватан, салом, озодлик» – деб ҳайқираман. Болалигимда бир кино кўргандим. Денгизда адашган матрослар қирқ кунлик очликни енгиб, қуруқликка чиқишади. Уларнинг матонати ва бардошига қойил қолганман ўшанда.

Сашанинг вужудида ғайрат жўш урди, томирдаги қони кўпирди. Тиззасидан қор кечиб олға қараб юрарди. Йигитнинг ҳозирги ҳолатини кўрган одам очликдан тинка мадори қуриган деб ўйламайди.

Шевчук шеригининг изидан эргашиб, у очган йўлдан кетиб борарди. Саша ҳис-ҳаяжонга бери-

либ, очликни унутганди, бироқ бу узоққа чўзилмади. Ярим чақирим йўл босмасдан ўша очлик хуруж кила бошлади. Қорни ачишиб, бўшаган ичаклари кулдирарди. Оёқларини зўрға кўтариб ташларди. Елкасига илиб олган автомат ҳам вазминлашиб борарди. Уни ташлаб юборишга кўп бор чоғланди. Бироқ Шевчукдан уялди.

Икки чақиримлик масофа улар учун ўн чақиримдан ҳам йироқдек туюлди. Иккисининг ҳам тинка-мадори қуриди. Ниҳоят тепалик забт этилди. Қуйидан пирамидадек кўринган чўққининг усти кенг яйлов эди. Табиат чиройини мана шу тепалик устига сочгандек эди гўё. Осмонда куёш чарақлаб турарди. Пастда майда-чуйда булутлар эринибгина сузарди. Панж дарёси, чегара ҳудудлари ундан олисроқдаги қишлоқ ва шаҳарлар худди оқ парда ортида тургандек кўзга ташланарди. Икковлари қувониб кетишди. Саша шодликдан ўзини тиёлмади. Ҳамон «Салом, Ватан, салом, озодлик!» деб қичқирарди. Лекин энди бу товуш аввалгидек юракдан отилиб чиқмади. Шевчук бу гал тилини тишлади. У ўпкаси томоғига тикилгандек ҳансирарди.

Шевчук Ватанда ўзини нималар кутаётганини яхши билади. Ҳужжат қўлида, ошиғи олчи. У тақдирнинг бу эзгу инъомини бутун вужуди билан ҳис этди. Ҳужжатни бошлиғининг қўлига топшириш учун албатта, байрамона кийимда кириб боради. «Топшириқ бажарилди» деб, ҳужжатни генералнинг қўлига топширади. Генералнинг кўзлари қувончдан ялтирайди. Костюмида иккита орден ва битта медал бор. Энди унинг ёнига адоқсиз қийноқ-уқубатлар азобини тортиб, ўлимни доғда қолдириб, қўлга киритган ҳужжати учун бериладиган орден қўшилади.

– Биз етиб келдик, Володя! – хаяжонланди Саша чакнаб турган кўзларини чегара томондан узмай. – Эрталабгача чегарага етиб борамиз!

Шевчукнинг кўзларига чегарагача бўлган масофа яқиндек кўринди. Ахир улар энди пастга қараб юришади. Куч сарфлашмайди. Шундай бўлгач, йўлда давом этмоқ керак. Фақат бир оз эҳтиёткорлик даркор. Оёқ қўйган жойларидан тош кўчиши мумкин. Тош ўзи билан қор уюмларини ҳам эргаштириб тушади. Тоғ йўлларида кўп юрган Саша буни яхши тушунади.

– Тик юриб тушиб бўлмайди, қиялаб юрамиз, – деди у шеригига юзланиб. – Шундай қилсак қор кўчкилари остида қолиб кетмаймиз.

Улар анча пастга тушишди. Қуёш ботиб, кечки аёзли совуқ турди. Икковлон қачонлардир сув жўшиб оққан, кейинчалик қуриб, қирғоқларига лойқалар ўтириб қолган жар ичига тушиб олишди. Илон изига ўхшаш жарликнинг икки ёни одамнинг кўзини тиндирадиган ва айни паллада юрагига ғулғула соладиган даражада баланд эди. Бир парча осмонгина кўриниб турар, ўн икки ой бу йўлга офтоб нур тўкмасди. Бу ерларда қушлар, илонлар билан бирга тулкилар ҳам сероб. Бироқ ҳозир қушлардан ўзга жонивор қолмаган.

Паст-баланд йўллардан кетиб бораётган Саша билан Шевчук тамоман ҳолдан қолишди. Икковлон тўхташга, тошлар устига ўтириб нафас ростлашга, зиркираб оғриётган оёқларига дам беришга қарор қилишди.

– Шу ерда тунаймиз! – деди Шевчук шеригига.

– Мен ҳам ҳолдан тойдим, – паст овозда гапирди Саша, – қорним оғрияпти...

Шевчук бўйнига осиб олган автоматни олиб ерга ташлади ва тошлар устига чўзилди. Саша ҳам нои-

лож ерга ёнбошлади. Бир оз ўтиб гулхан ёқишди. Нам тепчиб қолган кийимларини оловда қуритишди.

– Қани энди бирорта қушми, ҳайвонми бўлганда! Отиб, гўштини мана бу оловда кабоб қилиб ердик, – деди Саша.

– Сабр қил, тонг ёришса, тепаликка чиқиб, қушларни отамиз!

– Эрталабгача дош беришим қийин, очликдан ўлиб қоламан. Ошқозоним қаттиқ оғрияпти...

Шевчук атрофга боқди. Борлиқни зулмат қоплаб келарди. Унинг кўз нурлари етган жойда бирорта жонивор кўринмади.

Сашанинг гапиришга ҳам ҳоли қолмади. Энди юрт соғинчи, кадрдонларини кўриш иштиёқи ҳам унинг бўшашган танасига дармон бўла олмади. Кўзини юмган заҳоти ухлаб қолди. Даҳшатли туш кўрди. У халқоб бўлиб тўпланиб қолган қон устида ётар ва бу халқоб уни аста-секинлик билан ўз комига тортарди. Саша чўчиб кўзларини очди. Унинг кўзи қонга эмас, остидаги тошларга тушди. Кўрган туши таъсиридан чиқолмади. «Очликдан шу ерда ўлиб кетсам керак» деган фикр миясига урилди. Бироқ миясининг иккинчи бурчагида хаёлидан ўтган фикрларни инкор қиладиган бошқа фикр пайдо бўлди. «Мен, албатта, кишлоғимга кириб боришим ва яқинларимни кўришим керак!»

Тонг ёриша бошлади. У қўлига автоматини олди. «Бирорта қуш кўрсам отаман» деган хаёлда атрофга аланглади. Осмонга, кумуш қор ялтираб турган чўққиларга боқди. Ўлжа излаган кўзлари шундоқ рўпарасидаги қоя устида турган кийикка тушди. Кийик бошини баланд кўтариб, оппоқ тўшини бир оз олдинга чиқариб мағрурона олисларга боқиб турарди. «Бу тоғ кийиги. Худонинг ўзи етказди уни бизга. Шу пайтгача бунақа чиройли жониворни кўр-



магандим, – деди ўзига ўзи. – Отсам анчагина гўшт чикади. Володя ҳам очликдан ўзига келолмай қолди. Пишириб еймиз. Қорнимиз тўяди. Чегарага қийналмай етиб оламиз».

Саша автоматини қўлига олди. Эллиқ қадам юқорида турган кийикнинг барра жунлари ҳилпираб турган кўкрагини нишонга олди. Саша ёмон отмасди. Шу пайтгача отган ўқи бехато кетмаган. Лекин негадир ҳозир қўллари қалтираяпти. Автоматнинг учини тошга қўйди. Энди қўллари қалтирмамай қолди. Нафасини ичига ютди. Тепкига қўйилган бармоғини аста ҳаракатга келтирди. Қарсиллаган овоз тонги сукунатни бузиб юборди. Ўқ кийикка тегдими, пешонаси қонга бўялиб йиқилдими ёки қочиб қолдими – буни билмади. Тоғ узра гумбураган овоз таралган заҳоти қояда чанг-тўзон кўтарилиб, тошлар жойидан кўчиб, бири иккинчисини эргаштириб пастга қулай бошлади.

Шевчук ўқ овозидан чўчиб уйғонди. У бошини кўтарган заҳоти кўзи биқинида тошдек қотиб қолган Сашага тушди. Унинг нигоҳи қадалган тепаликка қараганда эса, нима содир бўлганини тушунди. Юқоридан қор уюмларига қўшилиб тушаётган тошларни кўриб даҳшатдан у ҳам нима қилишини билмай қотиб қолди. Кўчки борган сайин даҳшатли тус олар, тошлар худди сел оқизиб келаётгандек бир-бирига урилиб, қасир-қусур овоз таратиб, атроф-теварақда қорли тўзон ҳосил қилиб қуйига тушиб келарди.

Саша бундай бўлишини сира кутмаган эди. У эсдан оғиб қолган одамдек ҳамон қотиб турарди. Бирдан тошлар босиб қолишини сизди-да, ўзига келди ва дод солиб юборди. Унинг овози қанчалик даҳшатли ва кучли бўлмасин, думалаб тушаётган тошларнинг шовқини ютиб юборди. Кўзига жони-

га ора кирадиган, боши узра ёғилиши муқаррар бўлиб турган ажал балосидан сақлаб қоладиган жой кўринмади. Ҳатто кўкрагини кўтаришга ҳам улгурмади. Ён-атрофига кучоққа сиғмайдиган тошлар келиб туша бошлади. У автоматини улоқтириб, ўрnidан туришга уринди. Шунда бахайбат тош Шевчук иккисининг боши узра тушиб келаётганини кўрди-ю, жон ҳолатда қичкириб юборди...

## ИСТАНБУЛ

Лу қош қорайганда, куннинг энг бахтиёр одамларини ҳам озми-кўпми гамбода қиладиган бир пайтда Баққолнинг уйига келди. Қария уни ўз хонасида кутиб олди. Кайфияти у қадар яхши эмас. Мулла Умарга берган ваъдаси амалга ошмаганидан диққат эди.

– Бизга қандай хушхабар келтирдингиз? – умид ила сўради Баққол Луни ўтиришга таклиф қиларкан. У бу гапи билан анчадан буён кўнглини безовта қилиб келаётган саволларга жавоб олмоқчи бўлди. Лу уй эгаси кўрсатган жойга ўтирар экан:

– Сизни қувонтирадиган янгликлар топилади, бейим, – деди.

Қария кўзини ердан узмаган кўйи маҳзун кулимсиради:

– Қулоғим сизда!

– Кашмирий яқин кунлар ичида биз кутаётган тожик йигитларни жўнатадиган бўлди. Улар Тожикистонга эмас, Туркияга келадиган бўлишди.

Баққол ҳайрон қолди:

– Не сабабдин?

– Шу ерда уларга озгина сабоқ берамиз.

– Вақт чўзилиб кетди. Мустафонинг Кобулдан қайтганига ҳам бир ой бўлди. Мулла Умар мендан

«Град»ларни кутмоқда. Биз эса ҳозиргача ҳеч нарсага эриша олганимиз йўқ.

– Ташвишланманг, бейим. Руслардан яширинча қурол сотиб олиш осон иш эмас. Айниқса, оғир артиллерия қуролларини. Уларнинг ҳар бири ҳисобда, назоратда туради. Биз ишончли одам топдик. У бир ҳафта ичида генерал билан икки бор учрашди. Ҳозир қуролларни чегарадан олиб ўтиш тўғрисида бош қотиришмоқда.

Лунинг куйиниб айтган бу сўзлари Баққолнинг кўнглидаги ишончсизлик пардасини йиртиб ташлади. Унинг ўткир нигоҳлари буни илғаб олди ва айтган сўзи қарияга таъсир қилганидан мамнун бўлди.

– Биз Афғонистондан ўтган йигитларни дабдурустдан ўз юртларига ташлай олмаймиз. Уларни синаб кўришимизга тўғри келади. Бизнинг одамимиз камида ўн беш кун улар билан ишлайди.

– Қачон етиб келади ўша йигитлар? – маҳзун овозда сўради Баққол.

– Узоғи билан бир-икки ҳафта ичида, – ишонч билан жавоб қилди Лу.

– Бўрон-чи? У келадими?

– Адамас айтган маблағни тўлаган кунингиз Бўрон шу ерда бўлади, бейим.

– Пул тайёр. Мен уни кўришим керак!

– Унда чек беринг!

– Ишонсам бўладими?

– Ранжитманг мени, бейим.

– Тилхат ёзиб қолдиришингиз керак!

Талаб қилинаётган тилхатни Баққол ҳеч қаерга кўтариб боролмаслиги Луга беш панжадек аён.

– Агар бир парча қоғоз менинг сўзларимдан ишончли бўлса, ҳозироқ ёзиб беришга тайёрман.

Баққол ўйланиб қолди. «Қоғозни кўтариб қаерга ҳам борардим!»

– Яхши, ҳозир чек ёзиб бераман. Бироқ бир ҳафта ичида Бўрон шу ерда бўлиши шарт.

– Албатта.

Баққол ён чўнтагидан чек олиб, уни тўлдириб Лу-нинг қўлига тутқазди.

– Ҳозироқ талабингизни Адамаснинг қулоғига ет-казаман, бейим.

– Мени ортиқ куттирмайсиз деган умиддаман, – деди Баққол хайрлашишдан олдин. Лунинг ёдига Адамас айтган гап тушди:

– Эшитишимга қараганда, яқинда яхта сотиб ол-ган экансиз...

– Хўш?

– Адамас сиздан илтимос қилди, меҳмонга яхтан-гизни бир ҳафтага бериб турсангиз. Денгизни бир айланиб чиқса. Унинг асаблари чарчаган, дам оли-ши керак. Бу орада биз унинг кўнглида сизга хизмат қилишга мойиллик уйғотамиз.

– Яхтани ким бошқаради? – Баққолнинг овози-дан ташвишланаётгани сезилди.

– Бизнинг одамимиз!

– Яхта бошқаришни биладими?

– Денгизда катта бўлган!

– Унда мен хизматкоримга тайинлайман, яхтани ўша одамнингизнинг ихтиёрига топширади.

Улар хайрлашдилар.

Лу Адамаснинг ҳузурига жўнади. Резидент одат-дагидек ишхонасида қоғозларни титиб ўтирганди. Луни кўриб хорғин юзи ёришди.

– Олиб келдингизми?

– Ҳаммаси жойида, сэр.

Чекни кўриб Адамаснинг чарчоқлари ёзилди.

– Худди тишини суғургандек ёздириб олдим, сэр.

– Бу иш қўлингиздан келишини билардим, – мам-нун жавоб қилди Адамас.

- Баққол бизга ишонгиси келмаяпти.
- Унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам шундай йўл тутган бўлардим.
- Бўрон билан учрашишим керак деб талаб қилди!
- Учрашади. У бизнинг қўлимизда!
- Қачон Туркияга келади?
- Эртага. Кутиб оладиган одамингиз тайёргарлигини кўрсин.
- У ишорамни кутмоқда, сэр.
- Уни менга кўрсатмадингиз?
- Хоҳласангиз кечки овқатни учовимиз бирга қиламиз.
- Афсуски, сизга ваъда беролмайман, азизим. Менга унинг расмини кўрсатсангиз кифоя.
- Лу чўнтагидан сурат олиб Адамаснинг қўлига тутқазди. Бир парча қоғоздан ўттиз ёшлардаги сохибжамол қиз ним табассум ила қараб турарди.
- Дидингиз чакки эмас, Лу. Ўйлашимча, бундай сулув ҳар қандай йигитнинг кўнглига йўл топа олади.
- Ишончингизни оқлайди деган умиддаман, сэр!
- Қўлида телефони борми?
- Албатта!
- Менга рақамларини қолдирсангиз, учрашадиган куним у билан боғланаман.
- Лу қизнинг телефон рақамлари ёзилган қоғозни резидентнинг қўлига тутқазди.
- Яна бир гап, яқин кунлар ичида унга чиқишимни маълум қилиб қўйсангиз!
- Тушундим, сэр!
- Эрталаб сизга қўнғироқ қиламан! Ҳозир бўшсиз!
- Лу таъзим қилиб хонадан чиқиб кетди. Бироқ у эшикни ёпишга улгурмади.
- Тўхтанг!

Лу изига қайтди ва резидентнинг қаршисида ҳозир бўлди.

– Нимадир демоқчи бўлдингизми, сэр?

– Бизнинг ишимизда эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик ҳамиша зарур, азизим. Биз ҳали Бўронни яхши билмаймиз. Шунинг учун уни ўз элагимиздан ўтказиб олишимиз керак.

– Буюринг, сэр.

– Кечки пайт яхтага боринг. Овозёзгич мосламаларни кўз кўрмайдиган, ишончли жойларга жойланг. Бўрон ётадиган хонага халқаро алоқаларга чиқадиган телефонни ташлаб қўйинг. У албатта ким биландир гаплашади. Биз ўртадаги суҳбатдан унинг кимлигини, мақсадини янада яқинроқ билиб оламиз! Мени тушундингизми?

– Худди шундай, сэр

– Энди боринг!

Ўша оқшом топшириқни бажариб қайтган Лу эрталабдан бошлиғининг қўнғироғини кутиб хонасидан чиқмай ўтирди. Пешинга яқин телефони жиринглади.

– Самолёт ўн дақиқадан кейин қўнади. Меҳмонни кутиб оладиган одамнингизни хабардор қилинг. Топшириқни бажариб ўзингиз менинг ҳузуримга келинг!

Лу уч кун муқаддам Элиф билан учрашиб, унга яна бир бор бажариш лозим бўлган ишларини, Бўрон билан кўпроқ қандай мавзуда суҳбатлашишни батафсил тушунтирди. Шундан кейин Адамаснинг ҳузурига жўнаб кетди.

Самолёт қуюқ булутлар галасини ёриб пастлай бошлади. Музга айланган совуқ томчилар қанотга, ойналарга тарсиллаб урилар ва бу товуш ичкарида ўтирган йўловчиларга ҳам эшитиларди. Ҳозиргина чарақлаб, турган қуёш бирдан кўздан ғойиб бўлганди. Самолёт қуюқ тутун ичида қолгандек гўё. Гала-гала кумушранг булутларга урилган самолёт силкиниб титрарди. Йўловчиларнинг юзидаги хотиржамлик ўрнини хавотир эгаллади. Айримлар кўзларини юмиб олишди. Бу ҳолат узоқ чўзилмади. Ҳаво очилиб кетди, офтобнинг олтинранг шуъласига чўмилган замин кўзга ташланди. Денгиз бағрида сузиб юрган кемалар, йўлларда бир-бирини қувлаб ўтаётган машиналар, гавжум бозорлар, гугурт қутисини эслатадиган кўп қаватли бинолар кўринди.

Мен охириги ўриндиқда, иллюминатор қаршисида, совуқ ойнага пешонамни тираб ўтирардим. Хаёлим йироқларга кетганди. Бу ерда қандай қисмат кутмоқда мени? Ўлимдан сақлаб қолишди, бироқ ниманинг эвазига? Кимга керак бўлиб қолдим? Истанбулга жўнатганлар анчадан буён изимга тушган, ишларимдан огоҳ бўлишган. Энди кимга қарши қўйишмоқчи мени? Энг ёмони, Кутузов билан учрашолмадим. Фақат ўзим турган бинонинг бурчагига чизикча қўйишга улгурдим. Бу белги менинг бу ердан жўнаб кетганимни билдиради. Кутузов кўрармикин бунини? Бошлиқларимни Истанбулга кетаётганимдан хабардор қилолмадим. Бунга имконият бўлмади. Самолётдан тушгач, телефон қиларман. Дарвоқе, ҳаётимни асраб қолган одамлар эътибордан четда қолдиришмагандир мени? Изимдан айғоқчиларни қўйишгани аниқ. Ким билсин, мана шу самолёт ичида ўтирганлардан бири уларнинг одамидир?

Хаёлимдан ўтган фикрлар юрагимга соя ташлади. Бундан кейин тақдиримни ўзим ҳал қилолмаслигимни ўйлаб ўқиндим. Истайманми, йўқми, энди ортимдан хатар соядек эргашиб юради. Крамаренконинг бир гапи ёдимга тушди: «Чекистнинг ҳаётини куроли эмас, сезгирлиги сақлайди».

Самолёт филдираклари ерга тегиши билан хаёлим тўзиди. Стюардесса Истанбул об-ҳавоси ҳақида маълумот берди. Йўловчилар кимирлаб қолишди. Зина қўйилгач, эшик очилди. Йўловчилар пастга тушишди. Олдимдагиларни ўтказиб юбордим. Ён томонимдаги ўриндиқда ўтирган одамга кўзим тушди. Кўзимиз учрашди. Юрагим ниманидир сезгандек титради. Назаримда анчадан буён менга тикилиб тургандек эди. Ўрнидан туришга ва пастга тушишга шошилмади. Сумкамни елкамга илиб эшик томон юрдим.

Мени кузатаётган кимса изимдан келарди. Автобусга чиқдим. Таъқиб қилаётган одам нарироққа жойлашди. Бўш ўриндиқ бўлса ҳам ўтирмади. Ойнадан ташқарига боқдим. Кўзининг қири менда. Қачондир бу нусха билан тўқнаш келиб қолишим мумкинлигини ўйлаб унинг юзидан эсда қоларли белгилар изладим. Оппок, сўйлоқ тишлари ҳеч қачон ёдимдан чиқмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Бўйинининг чап томонидаги кичкинагина чандиғи ишончимни янада кучайтирди.

Автобус аэропорт биносига етмай тўхтади. Йўловчилар сафига қўшилиб ичкарига кирдим. Божхона текширувидан ўтиб ташқарига чиқдим. Ҳужжатларимда нуқсон бўлса ушлаб қолишади деган хавотирдан чўчигандим. Чегарачи паспортимни очиб суратимга қаради, кейин бир сўз айтмасдан ҳужжатимни қайтариб берди. Кутиш залига ўтдим. Узун йўлакдан ташқарига чиқиб кетаётган йўловчилар сафига қўшилдим. Ташқари ғала-ғовур.



Эшик олдида Паҳлавон айтган одамнинг келишини кутдим. Кўп ўтмай шовқин босилди. Йўловчиларнинг кўпи машиналарга ўтириб, ўз манзилларига жўнаб кетишди. Тиртиқли кимса қайтиб кўзимга ташланмади. У мени иккинчи одамга топшириб, вазифасини адо этиб, қаёққадир гум бўлганди. Кўзим эшик олдидаги халқаро телефон аппаратига тушди. Сим орқали бошлиғимга тириклигимни, Туркияга келиб қолганимни айтиб қўймоқчи бўлдим. Ўғлимни қаттиқ соғингандим. Кутузовдан уни юртга олиб ўтмоқчи бўлишганини эшитгандим. Шунга ҳам ўн қунча бўлди. Олиб ўтишдимикин? Олиб ўтишган бўлса, ҳозир қаерда, кимнинг қўлида? Шунни билгим келди.

Оёқларим мени ихтиёрсиз телефон томонга судради. Лекин тезда фикримдан қайтдим. Қаердалигимни, назоратдалигимни унутмаслигим керак. Хушёр бўлишим шарт. Қайсидир тешиқдан, кимнингдир кўзлари ҳаракатимни кузатиб турган бўлиши мумкин. Ортга қайтдим. Босган қадамимдан мақсад бўлиши керак. Аппаратдан нарироқдаги ахлат қутисига кўзим тушди. Бориб гўё тиши қонаётган одамдек тупурдим. Ўзимнинг ҳаракатимга ўзимни ишонтириб жойимга келдим.

Рўпарамга «Рейндж Ровер» келиб тўхтади. Ўттиз ёшлардаги қомати расо, хипча бел, оқ-сарикдан келган аёл тушди ундан. Сарсара сочлари елкасини қоплаган. Юрганда сочлари чайқалади. У гавдасини хиёл эгиб чиройли оёқларини мраммар зинага қўйиб тепага кўтарилди. Ёнимга яқинлашганда қадамини секинлатди. Кўз қирим билан қузатдим. «Паҳлавон айтган аёл шу», дедим ўзимга ўзим. Аёл менга яқин келди, кўзларимга тикилиб чиройли талаффузда салом берди. Паҳлавон айтган парол сўзларни шошмасдан тилга олди:

– Кечирасиз, бэй эфенди, Россия ҳаво йўлларига қарашли учоқнинг учишига қанча қолганини айтолмайсизми?

– У ҳозиргина учиб кетди, хоним, – нотанишдек жавоб қилдим.

– Кечикибман-да, – афсуслангандек бошини чайқади қиз. У шахло кўзларини ҳамон мендан узмасди. Жавобимни кутарди. Айтишим лозим бўлган сўзни айтишга шошилмадим. Ниҳоят, товушимда ялиниш оҳангини кучайтириб дедим:

– Шаҳарга тушсангиз, мени ола кетинг...

Қизнинг юзи табассумдан ёришди.

– Мусофирмисиз, бей эфенди?

– Туркияга биринчи келишим!

Қизнинг таклифи билан машинага ўтирдим. Йўлга тушдик. Машина йўлдан енгилгина ҳаракатланиб борарди. Қиз абжир ва чаққонлик билан «Рейндж Ровер»ни бошқаряпти. Тепадаги кўзгудан қув кўзлари ила менга тез-тез қараб қўяди. Бир оз йўл юрганимиздан кейин сўради:

– Паҳлавонбей саломатмилар?

– Шукр, сизга кўпдан-кўп салом йўлладилар.

– Сиз билан учрашадиган одам беш-олти кундан кейин келади.

– Нечук? – ҳайрон бўлдим.

– У киши муҳим иш билан бандлар. Келгунларича сиз билан бирга бўлишни менга топширдилар. Сизни зериктирмасликка ҳаракат қиламан.

– Қаерда яшайман?

– Бўғозда, Қора денгизда. Биз учун алоҳида яхта ажратганлар.

– Денгиздан бошқа жой топилмадими?

– Аччиқланманг, денгиз асабларингизга ором беради. Қолаверса, хавфсизлигингиз нуқтаи назаридан ҳам маъқулроқ. Бэйим шуни ҳисобга олганлар.

– Мехрибончиликлари учун минатдорчилигимни етказиб қўясиз деган умиддаман!

– Учоқда узоқ парвоз қилиб очикқандирсиз? Бирор жойга кириб енгил тамадди қилиб оламиз. Таклифимни қабул қиласизми?

– Раҳмат, у қадар оч эмасман.

– Унда биз денгизга йўл оламиз.

Йўлда машиналар гавжум. Мен кўз қирим билан кизнинг чаққон ҳаракатларини кузатиб борардим. Ҳақиқатан ҳам келишган, соҳибжамол, ёқимтой эди бу қиз. Қўзларидан, қошларидан, кулиб турган ёноқларидан бир пайтлар афғон даштларидан топганим – Лайлони эслатди. У билан кечган қисқа онларим ёдимга тушди. Қизнинг камзулидан олиб қўйган қалампирмунчоқни ҳали ҳам ўзим билан бирга олиб юрардим. Тумор қилиб бўйнимга тақиб олгандим. Ихтиёрсиз ҳолда уни ушлаб қўйдим. Лайлонинг руҳи олдида ҳамиша қарздорлигимни ҳис этаман. Уни қийнаб, азоблаб ўлдирган кимсалардан қасос ололмадим. Мен учун ўзгалар ўч олишди. Неъмат ҳам, унинг шериклари ҳам ит азобида ўлиб кетишди.

– Негадир хомуш тортиб қолдингиз? – қизнинг майин овози хаёлимни тўзитди. Бошимни қўтариб унга қарадим. Қизнинг чиройли қошлари чимирилди. Кулиб турган қоп-қора кўзлари ялтиради.

– Шаҳрингизнинг чиройи мени мафтун этди, – дедим ўйлаётган ўйимни ошкор этишни истамай.

– Ростдан ҳам илгари Истанбулда бўлмаганмисиз?

– Биринчи келишим...

– Истасангиз, шаҳарни томоша қилдираман.

– Ташаккур, хоним. Ҳозир чарчаб турибман, яхшиси таклифингизни бошқа кунга қолдирсак.

Икки соатча йўл юрдик. Қиз машинасини денгиз бўйида тўхтатди. Қаршимизда денгиз мавжланиб турарди. Бағрида олис юртларга йўл олган

пароходлар, катерлар, кемалар, юк ортган танкерлар сузиб юрарди. Денгиз бўйи қуёш тафтига ярим яланғоч баданларини тоблаб ётган одамлар билан тўла. Чўмилаётган болаларнинг қий-чуви, соҳилга шалошлаб урилаётган сувнинг шовқини, кўкда қанот қоқиб парвоз қилаётган балиқчи қушларнинг чуғур-чуғури қулоқларимизга чалинди. Денгизнинг салқин ва нам ҳавоси сезилди. Биз одамлардан анча нарида тўхтадик. Қирғоқда янги яхта турибди. Атрофда ҳеч ким кўринмайди.

– Мана шу яхта сизнинг ихтиёрингизда, бей эфенди, – деди қиз менга юзини буриб чиройли табассум ила.

– Бахтга қарши яхта бошқаришга уқувим йўқ, хоним.

– Ташвишланманг, бу ишни ўзим уудалайман!

– Яхта бошқаришни биласизми?

Қиз қора кўзларида ёввойиларча ўжарлик акс этган ҳолда жилмайди:

– Денгизчининг қизиман. Болалигимдан кемалар ичида катта бўлганман. Отам балиқчи бўлган.

– Унда ширин жонимни қўлингизга топширишим мумкин экан-да, – ҳазиллашган бўлдим.

– Ўзингизни таништирадингиз?

– Паҳлавон айтмаганмиди?

– У сизни кутиб олишимни айтган, холос.

– Исми Бўрон! Сизники-чи?

– Элиф!

– Сиздек соҳибжамол қиз билан танишганимдан бахтиёрман!

Элиф оёқ кийимини ечиб қўлига олди. Оппоқ оёқлари қумга ботди ва таманно билан яхта томон юриб кетди. Ортидан эргашдим. Яхта оддий эмас эди. Қимматбаҳо буюм ва жиҳозлар билан безатилган. Бунинг устига у янги эди.

Элиф ёш қизлардек абжир ва чаққон экан. Унинг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузадим. Беш-олти кун

бирга яшайдиган бўлсак, мени жиддий ўрганади. Оғзимдан чиқадиган гапларни бошлиқларининг қулоғига етказди. Бекордан-бекорга шерик қилиб қўйишмаган уни менга.

Денгиз ичида, одамлардан холи жойда мен учун бундай бошпана ажратилишининг ўзиёқ юрагимда шубҳа уйғотди. Қизнинг ортида кимдир турганини кўнглим сезди. Қадди-қомати келишган, соҳибжамол гўзаллардан атайин одамнинг сирини олиш мақсадида фойдаланишади. Ишва-ю нозлари ила кўнглини ром айлайди. Ўзини маданиятли, зиёли ва айни дамда сиёсатдан йироқ кимса қилиб кўрсатади, бироқ берадиган саволлари, қизиқишлари орқали юрагининг тубида яшириниб турган мақсадини фош қилиб қўяди. Хонимдан айнан мен хаёлимга келтирган аёлларнинг ҳиди анқиди. Унинг олдида ўзимни қўлга олишга, ҳусни жамолига маҳлиё бўлиб қолмасликка куч топа оламанми? Орамизда бўлиб ўтадиган ҳар қандай мавзудаги суҳбатнинг расмий самимият чизигидан чиқиб кетмаслигига куч топаманми?!

Яхтанинг тепа қисмига новдалардан тўқилган иккита ором курси ва хонтахта қўйилган. Қуёшнинг ҳаракатланишини ҳисобга олдим. Курсининг қўйилганига ярим соат бўлмаган. Биздан бошқа кимдир бўлган бу ерда. У бизни кўрган заҳоти ғойиб бўлган...

Элиф мени пастга бошлади. Йўлакни чироқ нурлари ёритиб турибди. Қизга сездирмай лампочкани ушлаб кўрдим. Бармоқларим тафтни сезмади. Бу бояги фикримни тасдиқлади. Ҳа, бу ерда кимдир бўлган.

– Мана бу сизнинг хонангиз, – деди хоним эшик олдида тўхтаб. – Ўйлайманки, сизга манзур бўлади!

– Дидингиз чакки эмас, хоним. Беш юлдузли меҳмонхоналардан ҳам бундай шинам хонани топиш амри маҳол!

– Ошириб юбордингиз.

Мен қўлимдаги сумкани эшик олдига қўйиб хонани томоша қилдим. Деворга машхур рассом Леонардо да Винчининг «Луизанинг кўз ёшлари» картинаси илиб қўйилган. Луиза худди ташқарига чиқиб келаётгандек боқиб турибди. Хонанинг бурчагига телевизор қўйилган.

– Марҳамат қилиб кийимларингизни алмаштиришингиз мумкин, – жилмайди Элиф. – Шкаф ичида кийимлар бор. Хоҳлаганингизни кийиб олишингиз мумкин! Душ хонангизнинг ичида.

Тилимнинг учига бир нечта саволлар келди.

– Сизнинг хонангиз қайси? – савол ташладим эшикдан чиқиб кетаётган хонимга.

– Қаршингиздаги хонада бўламан. Қандай хизматингиз бўлса, марҳамат қилиб мана бу тугмачани босинг, – деди киз хона деворидаги нўхатдек тугмачага ишора қилиб. Кейин қўшиб қўйди: – Бир соатдан кейин кечки овқатга чақираман.

Хоним чиқиб кетди. Ёлғиз қолдим. Бу хона ростдан ҳам менга ёқди. Бундай шинам хонада қачон ётганимни эслай олмайман. Тер ҳиди анқиб турган кийимларимни ечдим. Душхонага ўтдим. Оскичга юмшоқ сочиқлар илиб қўйилган. Димофингни яйратадиган ифор анқийди. Маза қилиб чўмилдим. Рухим енгил тортди.

Жавондан янги кийимлар танлаб, кийиниб олдим. Ором курсига ўзимни ташладим. Элиф менинг душга кириб кетганимни билиб, стол устига қахва қўйиб кетибди. Қултумлаб ичдим. Негадир хавф-хатарлар хаёлимдан йироқлашиб, энди мени лоқайдлик ҳисси чулғай бошлади. Кўзим стол четидан турган телефонга тушди. Суюниб кетдим. Шошиб уни қўлимга олдим. «Маҳмудовга қўнғироқ қилиб, Туркияга келиб қолганимни айтсаммикин?» де-

ган фикр хаёлимдан ўтди. Бошлигимнинг телефон рақамлари ёдимда қолган. Бармоғим рақамларга текканда худди чўғни ушлаб оладигандек тортиб олдим. Телефон хонамга бежиз қўйилмаган. Уни жойига қўйдим. Телевизорни ёқдим. «Kanal D»да маҳаллий халқ урф-одатларини ёритган кўрсатув кетяпти. Телевизор тилни ўзлаштиришимга ёрдам беради деган умидда эдим. Экрандаги одамлар билан биргаликда уларнинг сўзларини овоз чиқариб такрорлаб ўтирдим. Қанча вақт ўтганини билмайман, бир пайт Элиф хонамга кириб келди. Афтидан у ҳам душдан чиққан бўлса керак, сочлари нам эди. Устига халат ташлаб олганди. Қўлидаги қаҳвадан буғ чиқиб турарди.

– Кечки овқат тайёр, марҳамат қилинг, – деди хоним овозига мулоим тус беришга уриниб.

Иккимиз тепага кўтарилдик. Денгиз узра оқшом қўнган. Осмон иккига ажраган. Ярмини қора булут қоплаган, иккинчи тарафи эса очик, юлдузлар кўринади. Булутлар яхта тепасидан сузиб ўтади. Табиатнинг бу гўзал манзараси ўзига махлиё этганди. Мовий денгиз бағрида юк ортган катер ва танкерлар яқин-йироқдан ўтиб борар, елкасига ортган юкнинг вазминлигидан базўр ҳаракатланаётгандек мўриларида қоп-қора тутун бурқситиб, чўзиб гудок чалади.

Элиф яхтанинг қуйруқ қисмига жой ҳозирлаган экан. Стол усти мевалар, ичимликлар ва таомларга тўла. Тўкин дастурхон иштаҳамни очди. Иккимиз қарама-қарши қўйилган стулларга ўтирдик.

– Сиз илгари денгизда бўлганмисиз? – сўраб қолди қиз қошларини чимириб. Ужуда гўзал эди.

– Бахтга қарши, биринчи маротаба денгизда бўлишим, – дедим аёлнинг чақнаб турган кўзларига боқиб. Ялтираб турган бу қора кўзлар ҳар қандай

эркакни ўзига мафтун этади. – Денгиз мени ўзига асир этди.

– Унда бир умр шу ўлкада қолинг.

Элифнинг кўзлари пирпираб менга тикилди, ду-доқларида оний ғамгин табассум қалкиди.

«Таклифингизни қабул қилдим, хоним», деб жавоб қилгим келди-ю, бирдан бу таклиф остида хоним тузоқ қўйганини тушундим.

– Жон деб қолардим, аммо киндик қоним томган юрт тупроғи ўзига тортади-да мени.

Мантисиз жавобим аёлнинг юзига ғамгин соя солди.

– Юртингизда уруш, вайронагарчилик давом этапти, тинч ва яхши ҳаёт кечириш учун имкони-ятлар эшиги ёпиқ. Толибонлар ҳокимият тепасига келадиган бўлса, сизнинг болаларингиз келажакда гирт саводсиз бўлиб қолади. Илм ва маданият кун сайин юксалаётган даврда жўжиқларингизнинг саводсиз қолиши уларни жаҳолат сари етаклайди. Назаримда юртингизда узоқ йиллардан буён давом этаётган урушнинг бош омили ҳам халқнинг саводсизлиги ҳамда маънавиятсизлигида деб ўйлайман.

– Сиз янглишдингиз, халқим сиз ўйлаганчалик саводсиз эмас, яқин ўтмишда бу юртдан буюк алломалар, файласуфлар етишиб чиққан. Улар дунё илм-фан, маданияти ривожига, тараққиётига қўшган ҳиссалари билан юртдошларим бир умр фахрла-ниб юришга ҳақлидирлар. Иккинчидан, толибонлар ҳокимиятни аллақачон ўз қўлига олган!

Сўзларим Элифга таъсир қилмади.

– Мулла Умар мактабларга ўт қўйди, олийгоҳлар-ни беркитди. Болалар боғчаларини бузиб ташлади. Аёлларни кўчага чиқармай қўйди. Хўш, эртанги ёшлар илм ўрганиш учун қаёққа боради?

Сухбатга якун яшаш мақсадида:



– Менинг ёш юртдошларимга бўлган меҳрибончилигингиздан миннатдорман, хоним, – дедим. – Мамлакатда янгича фикрлайдиган, ёшларнинг келажагини ўйлайдиган кишилар чиқиб қолади деган умиддаман. Афғонистон яқин кунлар ичида ўзининг янги даврини бошлайди. Ёшлар орасидан буюк олимлар етишиб чиқади ва ўз кашфиётлари билан дунё аҳлини лол қолдиради...

– Гапларингиздан мулла Умарга садоқатли эканлигингизни сезиб турибман...

– Сиёсатга аралashiш менинг ишим эмас, хоним...

Бир соатга яқин суҳбатлашиб ўтирдик. Овқатландик, қорнимиз тўйди. Эпкин кучайди. Тепамизда айланиб юрган булутлар осмонни эгаллаб олди. Уфқдан кучсиз чақмоқ излари порлаб сўнарди. Момақалдироқ гулдурослари билан баробар ёмғир бошланди. Денгиз тўлғоқ тутаётгандек безовталанди. Тўлқинлар яхтамизга гурсиллаб урилди. У бешикдек чайқаларди. Элиф иккимиз пастга тушишга мажбур бўлдик. Шу пайт яхтага чарсиллаб уриляётган ёмғир шиддатли тус олди. Хонамга кирар эканман, Элиф остонада туриб мени кузатиб қолди:

– Яхши тушлар кўринг, эфендим!

– Сизга ҳам яхши ҳордиқ чиқаришингизни тилайман, хоним!

Ичкарига кирдим. Бироқ Элиф жойидан жилмай менга боқиб турарди. Унинг чақнаб турган кўзларида, кичкинагина лабларида ниманидир айтишга чоғланаётганини пайқаб қолдим. Бироқ қўлларим эшикни ёпишга улгурди...

Мен тўшагимга узаниб хаёллар исканжасига фарқ бўлдим. Яхта бешикдек тебраниб, чайқалиб турибди. Тўлқинларнинг шалолаб урилиши қулоқларимга чалиниб уйқумни ўғирлади. Элиф хақида ўй

сурдим. Унга нисбатан ичимда бир нарсалар кўпира бошлади. Қизнинг кўзлари, лаблари ва порлаган тишлари хаёлимдан кетмади. Тонгга яқин ёмғир савалади. Гоҳида момақалдироқ гумбурлаб, чақин чакнади. Бир ҳафта денгизда юриш зерикарли. Тезроқ бу ердан чиқиб кетиш керак. Туркияга келиб қолганимни бошлиқларимга етказишим зарур. Улар хавотир олаётган бўлишлари мумкин.

Эрталабга яқин ухлаб қолдим. Эшик тақиллаганда уйғондим. Эшик очилиб Элиф ичкарига бошини сукди.

– Нонушта тайёр, эфендим! – қиз табассум ҳадя қилиб қўйди.

Кийиниб ташқарига чиқдим. Осмонда булут қолмаган. Бахрнинг кўз илғамас томонидан чарақлаб офтоб чиқиб турибди. Элиф тепада дастурхон беади. Иккимиз нонушта қилдик.

– Нонуштадан кейин биз денгиз бўйлаб сайр қиламиз, – деди хоним. – Таклифим маъқулми?

– Бундай таклифни фақат олқишлаш мумкин! – жавоб қайтардим унга.

Хоним мамнун бўлди. Элиф ажойиб нонушта тайёрлаганди. Яқин орада бу қадар иштаҳа билан овқатланганимни эслай олмайман. Нонуштадан кейин у яхтани юргизди. Биз бўғоздан чиқиб, денгиз ўртасига қараб сузиб кетдик. Яхтанинг қуйруғига бориб атрофга боқдим. Кўксимга иссиқ, ёқимли эпкин уриди. Мен юзимни шабадага тутдим. У сочларимдан торткилар, юзларимни худди онамнинг қўлларидек силаб-сийпаларди. Сув тиниқ ва мусаффо эди, яхта билан бирга сузиб бораётган балиқлар кўзга ташланиб туради. Баъзида сакраб, баъзида сув тубига шўнғиб кетарди. Тиниқ ҳаводан вужудим яйради. Ҳаётнинг гўзал ва ширинлигини орадан йиллар ўтиб илк бор ҳис этмоқдаман. Афғонистонга қадам қўйган

кунимдан шу кунгача бирор кун мириқиб кулганимни, ухлаганимни, ўлим ёдимдан кўтарилганини эслай олмайман. Улар менга ҳар сонияда ҳамроҳ бўлишди. Соядек изимдан эргашиб юрди. Тонгда ўқ овозидан уйғондим. Юрган йўлимда тўкилган қонларни, шишиб ётган мурдаларни кўравериб қайғу-ғамдан зада бўлиб тошга айланган юрагим илк бор яйраб кетди. Ҳа, айнан шу лаҳзаларда мен юрагимда ширин-ширин хисни туйдим. Барча ташвишларни оз муддатга бўлсада унутдим, қалбимни шодликларга очдим.

Денгизнинг гўзал манзараси чиндан ҳам қалбимни ўзига ром айлади. Боладек энтикдим, боладек яйрадим. Биздан нарида саёҳатчилар ўз яхталарида қаёққадир сузиб кетишарди. Уларнинг ўйин-кулгилари қулоғимга чалинади. Мен қўлларимни силкитиб, уларга оқ йўл тиладим:

«Бахт ва шодлик сизларга ёр бўлсин!»

Яхтамик икки соатча сузди. Очиқ денгизга чиқиб қолдик. Чор атрофимиз сув. Атрофга маҳлиё бўлиб, рулни бошқариб келаётган Элифни унутган эканман. У кўзига қора кўзойнак тақиб, чўмилиш кийимида рулни бошқариб келарди. Оппоқ баданига сачраган сув қуёш нурида ялтирайди. Қизнинг чеҳраси ён томондан қараганда жуда гўзал кўринади. У тикилиб турганимни кўриб қолди ва ширин табассум билан кўзни қисиб қўйди. Хоним кулганда юзлари ял-ял ёнди. Унинг табассумига жавобан «ҳаммаси жойида» дегандек қўлимни силкитиб қўйдим...

Элиф моторни ўчирди. Яхта сувни икки ёнга ёриб секинлаб тўхтади. Бошимиз узра чағалайлар парвоз қилади. Элиф ёнимга келди.

– Анчадан буён денгизга чиқмагандим, – деди у. – Бугун шу ерда тунаймиз!

– Қармоқ бўлганда балиқ тутардим, – дедим унинг сўзларига жавобан.

– Менинг хонамда иккита қармоқ бор, ҳозир олиб чиқаман!

Хаёлим қишлоққа кетди. Уйимиз Сирдарёнинг бўйида эди. Ёшлигимда ўртоқларим билан балиқ овига чиқиб турардим. Омадим чоғиб бирор маротаба каттароқ балиқ тутганимни эслай олмайман. Кейин овчиликни унутиб юбордим. Болаликдаги завқ ҳозир қалбимда мудраган ҳавасларни уйғотди.

Элиф қармоқларни олиб чиқди. Биз курсиларни қирғоққа олиб келиб, қармоққа хўрак илиб денгизга ташладик. Ярим соат ўтса-да, қармоғимиз қимирламади. «Нима бало, денгизда балиқ қуриб кетганми ёки биз ташлаган хўракни менсимаяптими» деб хуноб бўлдим. Элиф зерикди чоғи, «тушлик тайёрлайман» деб ошхонага тушиб кетди. Охири мен ҳам зерикдим. Қармоқларни йиғиштирдим.

Кун кизиди. Сувнинг ҳавога қўтарилаётган ҳовуридан бошим айланди. Денгиз сокин чайқалиб тўлқинланади. Ўзимни денгизга отгим, маза қилиб чўмилгим келди. Кийимларимни ечдим.

– Бу ерда чўмилиш мумкин эмас, – қаршилиқ кўрсатди ичкаридан чиқиб келган Элиф, – ақула бўлиши мумкин!

Унинг сўзларига эътибор бермай ўзимни сувга отдим. Сув мен ўйлаганчалик совуқ эмас экан. Куз қуёшнинг тафтини эмиб илиб қолганди. Танамда ёқимли ҳис уйғонди. Қулочимни отиб яхтадан узоқлашиб кетганимни пайқамай қолибман. Элиф бир оёғини палубага қўйганча мени кузатиб турарди. У пастдан жуда ёқимли кўринарди. Елкасига тушган сочлари енгил шабадада учади. Унинг жамолига маст бўлиб, қувончим ичимга сифмай сув остида турли ҳаракатларни бажаришда давом этдим. Атрофимда тўда-тўда бўлиб сузиб юрган балиқлар тўзиб қочарди.

Кутилмаганда Элиф қичқириб қолди.

– Акула!

Элиф ташвишли овозда қичқирарди. Дастлаб унинг нима деяётганини англаб етмадим. Бирдан унинг ҳаракатларидан тушуниб қолдим. Жонжаҳдим билан яхта томон сузиб кетдим.

– Чиқинг тезроқ! – қичқирарди ҳамон Элиф.

Бирдан қизни сувга ташлаганини кўриб қолдим. У абжирлик билан мен томон сузиб келди. Қўлида пичоқ кўрдим.

– Тезроқ юқорига чиқинг!

Элифни сув ичида ёлғиз қолдириб кетолмасдим. Йигитлик ғурурим йўл қўймайди. Бу орада қиз сув юзида бир кўринди-ю, ғойиб бўлди. Турган жойида гирдоб ҳосил бўлди. Сув сатҳида қизил пайдо бўлди. Кўрқиб кетдим. Наҳотки Элиф...

– Элиф! – ҳам кўрқув, ҳам ҳаяжондан қичқириб юбордим.

Қизил ранг атрофга ёйилиб, кенгайиб борди. Ер остидан булоқ отилиб чиқаётгандек филқиллаган товуш эшитилди. Акула Элифни ўткир тишлари билан ғажиб, денгиз тубига олиб кириб кетганига ишонч ҳосил қилдим. Қон ҳидини олган акулалар тезда бу ерга етиб келади. Бун билсамда, яхтага чиқиб олишга шошилмадим. «Бари тугади», дедим ўзимга ўзим алам билан. «Ҳозир денгиз йиртқичлари мени ўраб олади, гўштимни нимта-нимта қилиб ташлади. Ажалим шу ерда битган экан». Мабода шу тобда қаршимдан ўша йиртқич чиқиб қолгудек бўлса, қаршилиқ кўрсата олмасдим.

Бир неча сония ўтиб оёғим остидан нимадир отилиб чиқди. Наҳотки акула бўлса?

Сочлари юзини тўсган Элиф эди бу. Боши сувдан чиқар-чиқмас ичида димланиб қолган ҳаво отилиб

чиқди. Қизнинг юзлари оқарган. Сув остида узок тургани сабаб кўзлари чаноғидан чиқиб кетаёзганди.

– Элиф! – қичқариб юбордим уни кўрган заҳоти. Бироқ қизнинг гапиришга, ҳаракатланишга мажоли қолмаган. Чўкиб кетмаслик учун оёқ-қўлларини зўрға ҳаракатлантирарди. Шошилиш чора кўрилмаса, сув тубига кириб кетиши ҳеч гап эмас.

Хонимни кучоқлаб яхта томон суздим. Темир пил-лапояларга тирмашиб юқорига кўтарилдим. Шунда нимадир кучли зарб билан яхтага келиб урилди. Қўлим тутқичдан чиқиб кетаёзди. Пастга қарадим. Оёқларим остида бир жуфт ақула оғзини очиб, ўткир тишларини кўрсатиб, тепага сапчишга чоғланиб турарди. Мен шошиб оёқларимни тепага кўтардим...

Ақула қизнинг чап оёғини жароҳатлабди. Жароҳат у қадар оғир эмас. Териси шилиниб, пайларни кўришиб қолган бўлса-да, бироқ қон томирларга зиён етмаган. Ярадан қон оқарди. Элиф хушсиз эди. Юзаки нафас оларди. Ўпкасига сув тўлган бўлиши мумкин. Биринчи ёрдам кўрсатиш лозим. Аёлнинг кўксини тиззамга қўйиб, зарб билан ўпкасини босдим. Бу ҳолатни икки-уч бор қайталаганимдан кейин қизнинг оғзидан икки литрча сув чиқди. Шундан кейин нафас олиши ростланди. Энди ярадан оқаётган қонни тўхтатиш керак.

Кеча Элиф кечки овқатга виски қўйган эди. Шу ёдимга тушиб қолди. Ошхонага тушиб музлаткичдан ичкиликни олиб чиқдим. Шу ерда дори қутиси ҳам бор эди. Уни ҳам олдим. Ярани виски билан ювдим-да, кейин бинт билан боғладим. Денгизда нимадир шалополагандек бўлди. Яхта атрофида бояги икки ақула ёнма-ён сузиб юрганини кўрдим.

Ниҳоят, Элиф мовий кўзларини очди.

– Сизга ҳеч нарса бўлмадими? – сўради қиз паст овозда.

- Ҳаммаси жойида, аммо... нима кераги бор эди?
- Сизнинг ҳаётингиз менинг жонимдан қимматроқ. Худо кўрсатмасин, акулалар сизни денгиз тубига олиб кириб кетганда мен ҳам ўзимни ўша йиртқичларнинг ихтиёрига топширган бўлардим.
- Бир умр сиздан қарздорман, хоним.
- Элиф жилмайди. Дурдай оппоқ тишлари офтоб тифида ялтираб кетди.
- Мени хонамга олиб кириб ётқизиб қўйсангиз.
- Элифни кўтариб ётоғига олиб тушдим. У бўйнимдан маҳкам кучоқлаб олди.
- Ҳозир сизга иссиқ қаҳва бераман!
- Ўзингизга заҳмат қилманг, эфендим, – ортимдан қичқириб қолди аёл.
- Ошхонага ўтиб қаҳва тайёрладим. Мажбурлаб хонимга ичирдим.
- Дўхтирга боришимиз керак, афсуски, мен яхта ҳайдашни билмайман, – дедим хижолат билан.
- Кераги йўқ, ўтиб кетади, – жавоб қилди аёл.
- Балки заҳар қонингизга ўтиб кетгандир?
- Акулаларнинг тишида заҳар бўлмайди. Бу биринчиси эмас, болалигимда ҳам акуланинг оғзидан қайтиб чиққанман.
- Нимадир чора кўриш керак, – дедим, аммо ўша кўриладиган чорани ўзим билмасдим.
- Элиф анча тетиклашиб қолган бўлса-да, негандир узоқ вақт тўшакда ётган бемордай заиф овозда гапирарди. Унинг ёнидан жилмай гаплашиб ўтирдим. Тушлик иккимизнинг ҳам хаёлимиздан кўтарилди. Ошхонага ўтиб овқат тайёрладим. Элиф боя овқат учун масаллиқлар тўғраб қўйган экан. Қийналмадим. Овқатни сузиб қизнинг хонасига қайтдим. У мен пиширган таомдан уч-тўрт қошиқ ичди. Қуёш ботгунча гаплашиб ўтирдик. Ниҳоят,

денгиз узра қоронғилик чўкди. Осмоннинг этаги хунук эди. Сув нотинч чайқаларди.

– Оқшом қўнибди, – деди қиз ойнадан ташқарига боқиб. – Тепага чиқайлик. Тунда денгизни томоша қилишни ёқтираман.

Хоним ўрнидан турди. Оёғини ерга босганда инграб юборди. Зўрға ушлаб қолдим уни. Қўлини бўйнимдан ўтказиб қўлтиғига елкамни тутиб, тепага қўтарилдик. Булутлар орасидан кумушранг ёғдуларини сочиб, ой ҳаволаниб боради. Юлдузлар денгиз тубидаги марвариддек жимирлайди. Дилларда қувонч уйғотиб бир-бир ёқимли шаббода эсади.

– Бу кеча довул ёки шамол турадиганга ўхшайди, – деди Элиф кўзларини денгиздан узмай.

– Балки соҳилга қайтармиз, хоним.

Элиф индамади, у ором курсисида нигоҳларини бир нуқтага жамлаганча хаёлга чўмиб қолди. Тун қаърига ўралиб бораётган денгиздан-да қаршимда ўтирган соҳибжамол фусункор кўринарди кўзимга. Пастга тушиб қаҳва тайёрлаб чиқдим.

– Мен бажарадиган ишларни сиз адо этмоқдасиз, Бўронбей, – хижолат бўлиб деди хоним. – Ноқулай аҳволга солиб қўйганингиздан хижолат бўлаётирман. Кўрсатаётган меҳрибончилигингиз учун қарздорман.

– Хижолат чекманг, бу менинг инсоний бурчим, хоним эфенди.

Финжонга қаҳва қуйиб аёлнинг олдига қўйдим. Денгиз билинар-билинемас чайқалади. Тўлқинлар кўтарилади, шалошлаб яхтага урилади-да, сўнг кўпикланиб орқага қайтади. Гулдираган овоз келди сув тубидан.

– Бўронбей, – деди Элиф бир оз жимликдан кейин мен томон буриб. – Менга айтишларича, сиз ашаддий жангари экансиз, шу гап чинми?



Нахотки бу киз ичимдаги фасоддан огоҳ бўлса деган фикр кўнглимдан кечди.

– Бу гапни мени яқиндан билган одамдан эшитдингизми? – сўрадим ўзимни ҳеч нарсадан беҳабар кимсадек кўрсатишга уришиб.

– Аммо менинг фикрим бошқача.

– Тушунтириброқ айтинг, хоним эфенди.

– Сиз жангари эмассиз.

– Бундай хулосага келишингизга сабаб борми? Ростини айтсам, мен чиндан ҳам жангариман, толибонлар сафида жанг қилганман. Кейинчалик мулла Умар мени Чеченистонга жўнатган!

– Одам ўлдирганмисиз?

Элиф жуда оғир саволни берди. Ноқулай вазиятда қолдим. Фикрларимни жамлаб олиш ҳамда қизнинг саволига жавоб топиш мақсадида унга тикилиб турдим. Қизнинг калта сочлари тилим-тилим бўлиб ялтиради, юзлари порлади, пешона териси янада шаффофлашди. У ҳамон чаросдек ёниб турган кўзларини нигоҳимдан узмасди.

– Урушда нималар бўлмайти дейсиз, сиз отмасангиз, сизни отишади, – дедим чуқур хўрсиниб.

– Сизнинг одам ўлдирганингизга асло ишонгим келмаяпти.

– Нега?

– Одам ўлдириш осон иш эмас. Инсонга қараб инсон боласининг ўқ узишини мен ҳеч қачон тасаввуримга сиғдиrolмайман. Қолаверса, кўзларингиз виждонингиз поклигини айтиб турибди. Сиз қотил эмассиз. Инсонни ўлдира олмайсиз!

– Сиз романтик аёл экансиз, хоним эфенди!

– Гап-сўзларингиздан яхши тарбия кўрган, зиёли йигитлигингизни билиб турибман.

– Бошқа жангарилар ҳақида ҳам шундай фикрдамисиз?

– Мутлақо. Сиз билан йигирма тўрт соат бирга бўлдим. Юрагимнинг аллақаерида сизга нисбатан ишонч уйғонди ва бу ишонч сиз тўғрингиздаги ёмон фикрларимни остин-устин қилиб ташлади.

Элифнинг соддадиллиги бояқишнинг кўнглида ёмонлик йўқлиги билдириб турарди.

– Хоним эфенди, мумкин бўлса мен ҳақимда кимдан маълумот олганингизни айтиб беролмайсизми?

Элиф финжонни қўлига олди ва қаҳвадан симирди.

– Жуда ажойиб инсонсиз, Бўронбей, – саволимга мажхул жавоб берди хоним. Бироқ унинг қалбида менга ёрдам беришдек теран туйғуни уйғотишга муваффақ бўлганимни сездим. Хоним паст овозда давом этди. – ...Биласизми кўзларингизга боқиб кўнглимдаги гапларни айтишга ўзимда мажбурлик ҳиссини туймоқдаман. Балки бу менинг ожизлигимдир.

– Сиз мард, кўнгли очик аёлсиз, Элиф хоним. Кўзларингизда инсоний меҳр-муҳаббат чўғлари ёниб турибди.

Элиф жилмайди. Шу лаҳзада булутлар орасини ёриб чиққан ой ёғдусида қизнинг дурдай тишлари ялтираб кетди.

– Ошириб юбормадингизми? Аслида мен...

– Сиздаги фазилятлар ҳаммада ҳам бўлавермайди.

Қизнинг шаънига айтган илик сўзларим дилидаги қулфни очиб юборди.

– Сизни нима мақсадда бу ерга олиб келишганини биласизми?

Элифнинг савол оҳангидан меҳр-шафқат, бугунги аҳволимнинг янада теран сабабларини билиш истагига ўхшаш бир нарсаларни сезгандек бўлдим. Ва айни пайтда хонимнинг мен тўғримда анчагина маълумотлардан огоҳлигини тушундим. Элиф шундай бир сукунат ва некбинлик оғушига фарқ бўлдики,

қизнинг хаёлига ёмон фикр келишидан чўчиб тезда тилга кирдим:

– Мен юртимга жўнаб кетаётган эдим, нотаниш одам йўлимни тўсиб, автобус миналаштирилганини қулоғимга шипшитиб ўтди. Қўрққанимдан унинг айтганини қилиб автобусга чиқмадим. Йўлимни ўзгартирдим. Ҳақиқатан ҳам беш дақиқадан кейин автобус жойидан қўзғалган заҳоти портлаб кетди. Нотаниш кимса аллақаердандир етиб келиб яна ёнимда пайдо бўлди. У «зудлик билан Чеченистондан кетмасанг жангарилар тутиб олиб, сени отиб ташлашади», деб айтди. Ҳаётимни сақлаб қолгани эвазига унинг айтганини бажаришга мажбур бўлдим. Лекин нима учун бу ердаги одамларга кераклигимни тушунмай бошим қотди.

– Ҳамма гап шунда-да, Бўронбей. Бу ерда сизнинг жонингиз учун катта бойлик тикилган!

– Наҳотки қулоқларимга чалинаётган сўзларингиз ҳақиқат бўлса?! – Элифнинг сўзлари қизиқишимни кучайтирди. Ёнига яқин сурилдим. Мен энди унинг қалбидаги гапларни суғуриб олиш учун бир оз артистлик қилишимга тўғри келди.

– Ўша бойликларни ким тикканини билсам бўладими? – сўрадим ажабланганимни яширмай.

– Аввал менга ўртамиздаги гап-сўзларни ҳеч кимга айтмайман деб сўз беринг!

– Ваъда бераман!

– Ваъда эмас, онт ичинг!

– Мархум онамнинг номи билан онт ичаман, Элиф хоним.

Сув шалопадади. Элиф иккимиз овоз келган томонга қарадик. Булутлар ичига кириб бораётган ой юқорига сапчиган балиқнинг оппоқ танасини ёритди. Оний лаҳзалардан кейин ой булутлар остига, балиқ эса сув тубига шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди.

Атроф яна қоронғилик пардасига ўралди. Қаршимда ўтирган малакнинг кўзлари мана шу ажойиб кечада маржондек ялтираб, юрагимнинг тубини қитиқлади, ширин ҳислар уйғотди.

Қиз паст овозда шивирлади:

– Баққол.

– Баққол?! Ким у?

– Туркиянинг энг бадавлат бойларидан. Ўша одам сиз учун бутун бойлигини тиккан!

– Нима учун керак бўлиб қолганимни ҳам айтиб берарсиз?

– Бунисини билмайман, аммо эшитишимга қараганда, у ўзининг ишларида сиздан фойдаланмоқчи.

– Баққол қурол савдоси билан шуғулланадими? – хаёлимга ярқ этиб шундай савол келди.

– Афсуски, у қурол савдосидан йироқ одам. У билан кўришганингизда мақсадини билиб оласиз.

– Қачон кўришаман?

– Билмадим. Унгача сиз бошқа одам билан учрашасиз!

– Нималар деяпсиз, хоним? Нахотки мендек оддий бир жангарининг харидори бу мамлакатда бисёр бўлса?

Элиф жим қолди. Денгиздан анча нарида сузиб бораётган пароход сигнал чалиб ўтди. Яхтага келиб урилаётган тўлқинлардан ҳосил бўлган совуқ томчилар оёқларимизга сачрарди. Денгиз борган сари тўлғоқ тутаётгандек безовталанарди...

– Мен афтидан кўп нарсаларни валдираб қўйдим. Бошлиқларимнинг қуловига етиб борса, акулаларнинг оғзидан қутқариб қололмайсиз, – деди қиз бир оздан кейин.

– Ўртамиздаги суҳбатни сир сақлайман, деб қасам ичдим, хоним эфенди. Менга худди ўзингизга ишонгандек ишонишингизни хоҳлардим.

– Ишонганимдан айтдим-да бу гапларни сизга, Бўронбей.

Мен иккинчи кимсанинг ҳам кимлигини билишни жуда-жуда хоҳлардим

– Ким билан учрашаман, илтимос, айтинг, хоним эфендим?

Элиф кўзларимга тикилиб қолди. Унинг ҳаяжонланаётгани нафас олишидан билиниб турарди. Бир оздан кейин:

– Яқин кунлар ичида Адамас исмли инглиз олдингизга келади. У сиз билан ўзини қизиқтираётган масалада суҳбатлашади.

– Баққолнинг одамими у?

– Асло, унинг Баққолга алоқаси йўқ.

– Улар сизга қандай топшириқ беришган?

– Сизни зериктирмасликни...

Бошим говлади. «Адамас деганлари мен билан нима ҳақида гаплашмоқчи? Нега у учрашувни Баққолдан беркитиқча ўтказмоқчи?»

Ўйга толганимни кўриб Элиф айтган гапларидан пушаймон бўлгандек енгил хўрсинди. Қизнинг кўнглини кўтаришни ўйладим. Стол усидаги финжонларга виски қўйдим. Ичдик, ичимиз қизигандек бўлди.

– Энди пастга тушсак бўлади, – таклиф қилдим қизга. – Ҳаво совиб кетди.

– Эркаликни ошириб юборди демасангиз, музхонадаги гўштдан қовурганингизда, енгилгина тамадди қилиб олардик...

Элифнинг кўлтиғига кирдим, уни хонасига олиб тушиб тўшагига ётқиздим. Кейин ошхонага чиқиб овқат тайёрладим. Тановулдан сўнг Элиф билан анча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Ётадиган пайт бўлди. Ўрнимдан турдим.

– Яхши тушлар кўринг, Элиф хоним!

Элиф бошини кўтарди. Порлаб турган кўзларини менга тикди. Унинг нигоҳидан менга нимадир де-моқчи бўлганини сездим. Бир оз куттириб ўша гапни айтди:

– Мени ёлғиз қолдириб чиқиб кетмоқчимисан, жоним...

Фалати бўлиб, кетдим.

Биз бир-биримизга тикилиб қолдик.

– Бу кеча ёнимда қолгин...

## ЖАЛОЛОБОД

Ғафур тонг ғира-ширасида йўлга чикди. Тушга яқин Саманганга кириб келди. Киракаш машиналардан бирини ёллаб Пули Хумрога жўнади. Йўл йироқ, ҳар қадамда хатар сезилиб туради. Кўчалардан тўп-тўп бўлиб қуролли одамлар ўтади. Афтидан тунда шаҳарда нимадир рўй берган. Шаҳардан чиққунча ҳеч ким Ғафурни тўсмади. Юраги хавотирдан безовта. Одамлар кам жойга етиб келганда эркинроқ нафас олди.

Қуёш кўкда чарақлаб нур сочиб турса-да, ер ялаб изғирин изғирди. Ғафур бу йўлларни яхши билади. Уруш йиллари, кейин Эргашнинг қўлида хизмат қилиб юрган кезлари Пули Хумрога кўп қатнади. Лекин Жалолободга элтувчи яширин йўлларни билмайди. У томонларга бормаган. Нотаниш жойлар. Энди у қолган масофани яёв босиб ўтиши керак. Топшириқ шундай. Шу ердан сариқ тупроқ остида ястаниб ётган даштлик ва саҳролар бошланади. Темир арқон каби чийралган, қурғоқчиликка чидамли жилғинзорлар, саксовулзорлар, қаҳра ўтлар босиб ётибди бу ерларни. Адоғи кўк билан бўйлашган, қорайиб турган тоғларга туташиб кетган.

Фафур Лаваш дарёсини кечиб ўтди. Сув лойқа эди, ўзанига сизмай пишқириб оқади. Соҳилнинг у ёни сахро эди. Кўпчиган тупроқда одам боласининг оёқ излари кўзга ташланмайди. Калтакесаклар, илонлар ва бошқа судралиб юрувчилар ўз изини тупроққа муҳрлаб кетган. Эпкин аллақаерлардан учириб келаётган қум ва тупроқлари ила уни кўмишга ҳаракат қилади... Кун қайтаётган эди.

Елкасига қопча орқалаган, эғнидаги узун кўйлагини беқарор шамол тортқилаётган, пахмоқ соқоли тўзғиган қахрамонимиз сахро қўйнига кириб борди. Фафур анча йўл босди. Асов дарёнинг шовқини ортда қолди. Фақат тунда овга чиққан жониворларнинг овозигина сахро узра ёйилиб кетган сукунатни бузади. Шўр босган қовжираган ерлар бошланди. Фафурнинг оёғи толди. Танасидан мадор қочди. У мизғиб олишга қарор қилди. Эрталабдан буён туз тотмаганди. Оёқлари билан ўтларни ётқизиб ўзига тўшак тўшади. Ўтирди. Қопни очди. Егуликларни олдига қўйди. Бир тишлам пишган гўштни оғзига солганди, қулоғига қирсиллаган овоз чалинди.

«Нима бу?»

Фафур атрофга аланглади. Кўзи ой нурида қорайиб турган янтоққа тушди. Баҳайбат тошбақа унинг баргини тишлари орасида қирсиллатиб чайнади. Бундай улкан жониворни Фафур шу пайтгача кўрмаган. Аввалига қўрқди, бу ердан кетмоқчи бўлди. Бироқ унинг беозорлигини англаб, жимгина овқатланаверди. Нарироқда эса чинқироқ илон чириллай бошлади. Одатда боласини йўқотган илон шундай овоз чиқаради.

Фафур енгил тамадди қилди. «Энди нима қилиш керак? Йўлда давом этиш керакми ёки дам олган маъкулми?» Фафур кўкка боқди. Парча-парча булутлар ойга яқин келиб қолган. Улар эса тобора қуюқла-

шарди. Ёмғир ёғадиган сиёҳи бор эди. Бунинг устига, аста-секин эсиб турган шамол кучайиб борарди.

Ғафур йўл юришга қарор қилди. Ўрнидан турди. Қопни орқалаб, шўр тупроқ сатҳида изларини колдириб тоғ томон кета бошлади. Ой юзини қора булут тўсди. Ғарб томондан келаётган қуюқ тўзон замин-у осмонни эгаллаб ёпирилиб келарди. Майда-майда қум ва тупроқ зарралари Ғафурнинг юз кўзларига тикандек санчилди. Шамол қулоқлари остида аланга каби гувиллади. Унинг чанг ва тупроқ тўлиб ачишаётган кўзлари олисни илғамади. Шамол кучайди. Кийимларини тортқилади. Юриш азоб эди. Кўкрагидан биров итараётгандек бўлди. У маст одамдек гандираклаб борарди. Бирдан қулоқларига худди ер тубидан отилиб чиқаётган вулқоннинг товушидек гуриллаган овоз чалинди. Бу овоз даҳшатли ва айни дамда қўрқинчли эди. У ўзи томон шиддат ила яқинлашиб келаётгандек туюлди. Ғафур товуш келаётган томонга юзланди.

Тўфон арғамчидек эшилиб, буралиб, ернинг чанг тўзонига қўшиб, явшан, янтоқ каби ўсимликларнинг иллизини кўпориб, кўкка олиб чиқиб кетди.

«Наҳотки тўфонга тушиб қолган бўлсам?»

Ғафур қўрқиб кетди. Нима қилишини билмай умидсизликдан нафаси ичига тушди. Тўфон гувиллаганча у турган жойга бостириб келарди. У салкам эллик метр масофани қуршаб олганди. Қочининг, бирор пана жойга яширинишнинг асло иложи йўқ эди. Ғафур ўзини ерга ташлади. Ушлайдиган нарса тополмади. Бутун танаси билан ерга чиппа ёпишиб олди.

Тўфоннинг кучига ҳеч нарса бас келолмасди. Йўлида учраган нарса борки, барчасини домига тортиб кўкка олиб чиқиб кетарди. Ғафур юзига иссиқ намли эпкин билан чаённинг нишидек нарсалар



урилганини ҳам ҳис этди. Ҳеч қандай тасодиф ва ҳеч қандай бахтли ҳодиса унинг жонини сақлаб қолиши мумкин эмаслиги хаёлидан ўтди. Тўфон чархпалакдек айлантриб, осмону фалакка олиб чиқиб кетишини ва қанчадир масофадан кейин тоғ-тошларга ташлаб юборишини ўйлади. Ўзининг ўлимга маҳкум этилганига ва бу ҳукми ҳеч ким ўзгартира олмаслигига яна бир бор амин бўлди. Қум, тупроқ тўлган оғзи очилиб, қайишдек қаттиқ лабларидан шундай сўз учиб чиқди:

«Алвидо, ҳаёт!»

Тўфон баҳайбат ва қудратли кучга эга бўлган афсонавий девдек йигитнинг қўрқувдан титраётган танасига чанг солди. Турган жойида чархпалакдек айлантриб осмонга кўтарди. Фафур гирдобга тушган хасдек юқорига кўтарилаётганини пайқади. Ичидан нимадир узилди. Кўзи тиниб, боши айланди. Фафурнинг танасини бир қисминигина тўфон ўраганиди. Бахтли тасодиф туфайли айланма куч уни гирдоб марказига эмас, четга итарарди. Фафур икки-уч метр юқорига кўтарилгач, худди парраги ишдан чиққан вертолётдай пастлай бошлади ва ерга гурсиллаб тушди. Белида шундай қаттиқ оғрик турди-ки, инграб юборишдан ўзини тия олмади. Тўфон гуриллаб айланиб, чанг-тўзон уфуриб, йўлида учраган нарсаларни ямлаб-ютиб ўтиб кетди, аммо унинг кучли эпкини, гулдираган овози босилмаганди. Майда нарсаларни сўрғичдек тортарди. Фафур чанг-тупроқ қоплаган юзини ерга босиб инграб ётди, бир оздан кейин тўфон чангалидан халос бўлганини ҳис этди. Бошини кўтариб атрофга боққанда тўфон анча йироқлаб кетганди. Фафурнинг кўзлари, бурни ва оғзи шўр тупроққа тўлди. Тишларини қимирлатганда ғичирлади. У ўрнидан туриб қоқинди. Томоғи қақради. Чанг тўлган кўзлари қалампир суртилган-

дек ачишди. Қопчасидан сув олиб ювинмоқчи бўлди, аммо қопча йўқ эди. Атрофда ҳам кўринмади. Тўфон уни ўзи билан бирга олиб кетганди. Излаш, ахтариш фойдасиз эди.

Тўфон ўтиб кетган бўлса-да, кўкдаги чанг тўзон булутлари хали тарқамади.

Фафур белидаги оғриқ қанчалик кучли бўлма-син тезроқ бирорта ғорга кириб, эрталабгача дам олишга умид боғлаб йўлга отланди. Икки соатча юрди. Оғриқ илдам қадам ташлашга имкон бермасди. Ниҳоят, тоққа яқинлашди. Савлат тўкиб турган баҳайбат қоялар худди унинг келишини хушламагандек турарди. Фафур атрофга боқди, бироқ унинг ачишиб оғриётган кўзларига бошпана вазифасини ўтайдиган жой кўринмади. Яна юқорига кўтарилиши лозимлигини тушунди. Қоялар мум оқиб тушгандек қоп-қора ва силлиқ. Тезроқ чўққига чиқиб олиши лозим. Акс ҳолда тоғнинг бераҳм, шафқатсиз йиртқичларига ем бўлиши муқаррар.

Очлик, ташналик, толиқиш ва оғриқ Фафурни та-моман ҳолдан тойдирди. Шундай бўлса-да, буларнинг барчасини унутишга, енгишга ҳаракат қилиб, йўл чарчоғидан янада афтодаҳол кўринган жулдир кийимли бу йигит олға кетиб борарди. Бармоқлари билан совуқ тошларни чангаллаб юксаклик сари тирмашди. Бу орада қуёш булутлар чокини сўкиб юзини кўрсатди. Унинг ёруғ нурларига чўмилган олам ёришиб кетди. Афсуски, кўп ўтмай тоғлар ор-тидан чиқиб келган бир тўда булут галаси унинг юзи-га қалин кумушранг парда тортди. Фафур чўққининг қоқ белига етганда кўкдан совуқ томчилар туша бо-шлади. «Нима бу? Ёмғирми, дўлми?» У кўкка боқ-ди. Шундоқ тепасидан сузиб ўтаётган булутларнинг авзойи хунук эди. Ёмғир ёхуд жала ёғиш хавфи бор. «Илдамроқ ҳаракат қилиш керак», ўзига ўзи деди

йигит. У кекса айиқ каби лапанглаб, тошдан-тошга сакраб борарди. Осмон бағрида ялт-юлт чақинлар чакнаб турган булутлар ниҳоят қуйиб берди. Бу дашт жаласи эди. Йирик марварид томчилар тошларга шитир-шитир урилиб шариллаб оқа бошлади. Энди нам тортиб, силлиқ бўлиб қолган тошлар устида юриш хатарли. Фафурнинг оёғи сирпанди. Тошлар орасига сув тўпланиб, ушлаганда жойидан кўчиб кетарди. Бу унга баттар азоб берди. Шундай бўлса-да, у олдинга қараб интилди. Бошпана топишга шошилди. Ёмғир эса тобора забтига оларди. Фафурнинг кийимлари жикқа ҳўл бўлди. Тинимсиз момақалдирок гумбуради, шундоқ тепасида чақин чакнади, борлиқ қўрқинчли зулмат пардасига ўралди.

Ёмғир шиддатли жалага айланди. Фафурнинг кўзларига икки қадам наридаги нарсалар кўринмай қолди. Тепадан тушаётган оқим кучайди. Ўзани торлик қилиб, тошдан тошга бошини уриб, пишқириб, кўпикланиб шовуллаб тушаётган сув майда тошларни суриб, ўт-ўланларни, қуриган шох-шаббаларини оқизди. Фафур гангиб қолди. Аммо тўхташ, бир жойда туриш мумкин эмас. Оқим уни пастга оқизиб кетиши ҳеч гап эмас. У бояги тўфондан баттар кучли ва хатарли.

Фафур учун ортга йўл қолмади. Масофанинг анчагина қисмини азоб-уқубат билан босиб ўтди. Ва айни чоғда бу атрофда бошпана ҳам кўринмади. Чўққини забт этишга эллик қадамча қолганди. Лекин бу шунчаки арзимас масофа эмас. Қаршисида тош кўчкиларидан ҳосил бўлган паст-баландликлардан ошиб ўтиш ит азоби эди. Олдинда қоянинг энг баланд ватик жойи турибди. Ҳар бир қадамни ўйлаб, эҳтиёткорлик билан қўйишга тўғри келади. Фафур тошларни темирдек бармоқлари билан чангаллаб юқорига ўрмалади. Оқим ҳам забтига олганди. Лойқа

ва майда тошлар аралашган сув юзига уриларди. «Худойим, бандангни паноҳингда асрагин, илоҳим, бошимга тош тушмасин, оёғим тойиб кетмасин, акс ҳолда пастга учиб кетаман ва тошга урилиб жувонмарг бўламан» дея, худога чин дилдан истиғфор айлади. Момақалди роқ кўз илғамас қояларнинг ортидан эмас, балки шундоқ тепасида гумбурлади. Шу билан бир пайтда чақин чақнади. Зулмат қоплаган осмон бағрини маълум сониялар ёритиб, кейин ўзини тун пардаси ортига яширди. Чақмоқ чақиб олам ёришганда шиббалаб ёғаётган ёмғир томчилари ҳам яқин-йироқлардаги манзараларни тўсиб қололмади. Барчаси Фафурнинг кўзига ярқ этиб ташланди. Шунда бахтли ҳодиса рўй берди: йигитнинг кўзлари ўн қадамча наридаги арчага тушди. Қачондир бу ерга келиб тушган яшин уни яланғочлаб, танасининг бир қисмини куйдириб, қорайтириб ташлаган. Йигитнинг қулоқларига биров шивирлагандек бўлди: «Ўша томон юр».

У чангаллаб турган тошлардан қўлларини бўшатди. Бир оёғини кўтарди. Очликдан, ёмғирдан ва эсаётган совуқ эпкиндан чайқалиб нақ пастга қулаб тушаёзди. Тезда ўзини ўнглаб, мувозанатни тиклади. Бу орада унинг нажот излаган кўзлари икки қадам нарида турган улкан тошга тушди. У тухумга ўхшаб ёнбошлаб турарди. Салгина турткидан куйига тушиб кетадигандек кўринди. Фафур унинг устига сакраб ўтиши лозим. «Тош кўчиб кетса-чи?» деган ваҳимали фикр калласига урилди. Лекин бошқа иложи йўқ. Тирик қолиш учун ирғишга мажбур эди.

Фафур хаприкиб ураётган юрагини чангаллаб таваккал қилди. Оёғи зўрға тошнинг четига илиниб қолди. Вужуди билан тошга ёпишди ва уни қучоқлаб олди. Тош кўчмади. Унинг оғир гавдасини кўтаришга қодир эди. Аммо бошқа воқеа содир бўлди.

Ҳозиргина тарк этган жойига юқоридан одамнинг кучоғига сиғадиган тош келиб тушди. Ер титрагандек бўлди. Унинг зарбасидан атрофдаги майда тошлар кўчиб тушди. Хиёл кечикканда харсанг бошига тушиб, пачақлаб ташлаши муқаррар эди. Фафур тангрига ҳамд-у сано айтиб, арча томон эмаклаб кетди.

Арчанинг йўғон танасига қачонлардир қулочга сиғмайдиган баҳайбат тош келиб урилиб, шу жойда қолиб кетганди. Юқоридан тушаётган шошқин сув шу харсангга урилиб, ўзанини ўзгартирарди. Ким билсин, балки қачонлардир бу тош ости айиқлар учун бошпана бўлгандир. Ҳар қалай унинг остида икки одам бемалол жон сақласа бўларди.

Фафур ўзини панага урди. Шу тобда яна момақалдироқ гумбурлади. Бу галги овоз аввалгидек қўрқинчли ва даҳшатли эмас. Аксинча, ҳолсизланиб, шаштидан қайтганини билдирарди. У ёмғирнинг шаштини ҳам сусайтирди. Томчилар сийраклашди. Бироқ юқоридан тушаётган оқим пасаймади. Тобора забтига олди. Катта-кичик тошларни думалатиб тушди. Бир бирига урилиб, қарсиллаб тушаётган тошлар Фафурнинг тепасидан сувга қўшилиб учди.

Субҳ палласида ёмғир тинди. Енгил шамол турди. У булутларни тўзителиб, осмон юзини очди. Тип-тиниқ фалак бағридаги саноксиз юлдузлар чараклади.

Қарахт танасини ҳаракатга келтириш Фафур учун азоби азим бўлди. Кийимлари увиб кетган разм солди. Улар йиртилган бадани шилинган. Бир пой туфлиси тушиб қолган эди.

Тепаликни ишғол этишга озгина масофа қолди. Тезроқ у ерга чиқиш, овлоқроқ жой топиб, олов ёқиб исиниши кийимларини қуритиши даркор. Акс ҳолда

шамоллайди. Бусиз ҳам аъзойи бадани увиша бошлаганди...

Ғафур яна ҳаракатга тушди. Тошларни чангаллаб тепаликка ўрмалади. Узоқ-яқин кўзга ташланиб қолди. Майсалар тундаги ёмғирдан кейин яшнаб кетди. Бутун борлиқ яшил либос кийгандек. Хуш ҳаво дилга ҳузур бағишлайди. Совуқдан бадани дилдираб, тишлари такиллаётган Ғафур атрофни айланиб, кичкина ғорга дуч келди. Моғоранинг оғзига бориб ичкарига боқди. Жон сақласа бўлади. У ичкари кирди. Кийимларини ечиб сикди, тош устига ёйиб қўйди.

«Энди нима қилиш керак?» ўзига ўзи савол берди йигит. Кимдир қулоғига шивирлади: «Ҳаракатланиш ва яна ҳаракатланиш даркор. Шундай қилсанггина баданингга иссиқлик югуради, қизийсан».

У иккала қўлига биттадан тош олди. Ўтириб турди, сакради. Эти қизигандек бўлди. Энди олов ёқиш керак. Тошлар орасига қўл суқди. Қушлар инидан хас-хашакларни суғуриб олди. Арчаларнинг қуриган шохларини топиб келди. Бир соат тошни тошга уриб, чакмоқ чиқариб, олов ёқишга ҳаракат қилди. Бироқ намиққан хаслар арзимас учқундан илашай демасди. Ниҳоят, кичик бир шохчага ўт туташгандай бўлди. Пуфлаб-пуфлаб оловни илаштирди. Гулхан гуриллади. Кийимларини қурутди. Музлаган танаси илиди. Бу пайтда қуёш ўзининг алвон шуълалари ила олам-жаҳонни ёрита бошлади. Офтобнинг бир чимдим нури моғора оғзидан ичкарига тушиб, зулмат пардасини йиртди. Ғафурнинг кўзи турли-туман шаклларга тушди. Бу белгилар унга номаълум. Ажабланди. Расмлар бир-бирига ҳалқадек уланиб, ғорнинг ичкарисига кириб кетганди. Ғафур қизиқиб қолди. Ичкари кирган сайин суратлар рангли тус олди. Қўл ушлашиб турган икки одамнинг сурати

худди кечагина чизилганга ўхшайди. Улар инсон қўли билан эмас, балки илоҳий куч томонидан яратилгандек эди гўё. Фафур у ёнга, бу ёнга ўтиб суратга узоқ термилди. Қизиги, қайси томондан боқса расмдагилар ҳам унга ўша томондан боқарди. Бирдан ўзининг соқол қоплаган, шишинқираган кир-чир юзи деворда акс этди. Аввалига кўзларига ишонмади. Қўли билан тошларни пайпаслади. Деворда ҳам шундай ҳаракатлар рўй берди. Мўъжиза. Ушлаб турган нарсаси тош эмас, ойналигини билди. Ким, қачон ўрнатдийкин буни? Балки ёр шу ерлик расмлардан бирига тегишлидир?

Фафур атрофни кўздан кечирди. Аммо ичкарида инсон боласи яқин орада қолдирган бирорта изни топа олмади. Қизиқиш ҳамон уни ичкарига тортарди. Расмлар ҳали ҳамон бир-бирига уланарди. Қуёш нури тушмаган жойларни қоронғилик домига ўраб борарди.

Фафур ортга қайтмоқчи эди, қулоғига ғалати товуш чалиниб тўхтади. Ёқимли эди бу овоз. У эҳтиёткорлик ила ичкарилади. Тепадаги тошлар орасидан сув томчиларди. Улар пастда тўпланиб, кичкинагина жилғага айланиб, пастга оқиб кетарди ва беш қадам масофадан кейин ер остига сингиб кетарди. Табиатнинг ғаройиб мўъжизаси эди бу.

Фафур кечадан буён сув ичмади, томоғи қақраб кетди. Тошлар устига тиззалаб, лабларини чўччайтириб сувдан симирди. Унинг таъми ширин ва ёқимли эди. Вужудида ғайритабиий куч уйғонди.

У ташқарига чикди. Атрофга назар ташлади, теваракни ўраган баҳайбат қояларга кўз югуртирди. Улар ваҳимали эди. Баъзи ерларда шамол қорларни қуюндек уйиб, тепа қилиб ташлаган, улар офтоб нурларида ярақлаб кўзни олади. Бирдан унинг кўзи пирамидаларга тушди. Улар оппоқ

эди. Пирамидаларнинг бўй-басти, эни, юксаклиги, кирралари, муҳими ораликлари бир хил ўлчамда. «Булар ким томонидан яратилган?» ўйлади Фафур. Шу тобда у ўзининг қаердалигини унутгандек эди. Бирдан қулоқларига мусикадек майин товуш чалинди. Дилбар ва ёқимли куй эди бу... Ундан таралаётган садо юракни сел қиларди. Фафур куйга ошуфта бўлиб ўзини унутаёзди. Нола тоғнинг салқин, сарин шабадаси ила оқиб, юрагига кириб келди. Овоз биринчи пирамида томондан келаётганди. Қизиқиш уни ўша томон юришга мажбурлади. Ажабо, етиб келганда овоз иккинчи пирамида томондан кела бошлади. У мусиканинг сирли таъсирига тушиб қолганини ҳали билмасди. Иккинчи учинчи... ва барча пирамидаларнинг олдига чошиб борди. Охир-оқибат алданганини англаб етди. Орқага қайтди...

Фафурнинг кўлида йўл харитаси йўк. Жалолободга элтувчи сўқмоқлардан беҳабар эди. У бораётган йўлдан одам боласи яқин орада юрмагани, доvonлар ошмагани яққол билиниб турарди. У қуёшга, ой-у юлдузларга боқиб, ўрқач-ўрқач доvonлардан ошиб, сой-у жилғалардан кечиб ўтарди. Кечаги ёмғир тошларни, гиёҳларни, ўт-майсаларнинг ғуборини ювганди. Чаппар уриб гуллаган гиёҳлар шабадада чайқаларди. Она табиат кўзни қувонтиради. Дилларни китикларди мусаффо ҳаво.

Фафур писта дарахтлари мевасини терди, йўлда қақиб борар экан, тиккадан оғиб қолган қуёш шуъласида ялтираб турган алақандай буюмда кўзи тўхтади. У ўзидан сарғиш нур сочарди. Фафур аста унга яқин борди. Бу тож эди. Қўлига олиб томоша қилди. У соф олтиндан ясалган бўлиб, гардишларига қимматбаҳо тошлар қадалганди. Бундай тожни ўз даврининг буюк султонларигина бошига қўндириб юришга ҳақли эди. Фафурнинг миясида шундай саволлар уйғонди: «Бу



қайси даврга хос? Кимнинг тожи? Қандай қилиб бу ерга келиб қолди?»

У тожни ўзи билан олиб кетишга қарор қилди. Оёғи ердан узилмай юзига иссиқ эпкин аралаш томчилар сачрагандек бўлди. Фафур кўкка боқди. Шишадек тиниқ эди осмон. Икки қадам наридаги ялпоқ тош устида чўзилиб, танасини офтобга солиб ётган сариқ илонни кўрди. У вишиллаганда оғзидан иссиқ ҳовур чиқди. Танаси марвариддек мавжланди. Бошини хиёл кўтариб, кўзини ҳаловатини бузган одамга тикканча тек қотди. Қўриниши даҳшатли эди. Лабига қадаган ўроқ тишларига илинган ҳар қандай жонивор ёки жонзот қанчалар бақувват бўлмасин, чиқиб кета олмасди. Унинг буралган танаси тош устига сифмай ярми пастга осилиб тушганди. Думи одамнинг белидай келадиган тешик ичига кириб кетганди. Афтидан бу ўра унинг ини бўлса керак. Пастроқда олмадек тош ялтираб, ёғду сочарди. Кечаги жаладан ҳосил бўлган сувлар илоннинг инига кириб, тож ва анови тошни оқизиш ташқарига олиб чиққан бўлса ажаб эмас.

Фафур тожни жойига қўйди.

– Кечир, жонивор, бу сенинг мулкинг эканлигини билмабман, – дея орқаси билан тисарилиб ундан нари кетди.

Фафуршомиғарибонгачайўлбосди. Чўққилардан, довонлардан ошди. Ўр-жарлардан сакраб ўтди. Ястаниб ётган сахрога чиқди. Бироқ борадиган манзили ҳали кўзга ташланмасди. Яна қоронғилик чўқди. Ой тоғларнинг қорайиб турган чўққилари устида балқиб турарди. Фафурни очлик азоблади. Икки кундан бери туз тотмаган, писта чақиб кун ўтказган бечора йигит ҳолдан кетарди. Олдинда яна қанча масофа қолганини билмайди.

Фафур тўпигигача шўр кечиб борди. Тошлар терисини шилиб, чақа қилиб ташлади. Шўр яраларини ачиштирди. Бу жойларда тўхтаб бўлмасди. Яқин-йироқлардан бўриларнинг фарёди эшитиларди. Фафурнинг изидан таъқиб қилиб келаётгандек эди гўё улар. Охир-оқибат йигит ҳолдан тойди. Ўзини ерга ташлади. Бир муддат кўзларини юмиб, гурсиллаб ураётган юрагини тинглади. Киприкларини кўтарганда зулмат ичида мунгли боқиб турган ойни кўрди. У йигитнинг тепасида, забун ҳолига ачинаётгандек эди.

Фафур чўнқайиб ўтирди. Шу ўтиришда хаёл сура бошлади. Қандайдир умидсизлик устига бостириб келаётгандек ва шу умидсизлик панжасидан асло қутула олмайдигандек туюлди. Бирдан кўнглидан кечаётган оғриқли ўйларни худога айтишга, ундан кечирим сўрашга, ўтмишдаги гуноҳлари учун тавба қилишга ўзини ҳақсиз деб ҳисоблади ва ўртанишларини, вужудидаги тазарру ҳиссини дашт устида қумш ёғду таратиб турган ой билан боғлади:

«Оймомо, айт, бу азоблар, бу қийноқлар, бу кўргуликлар нечук бошимга тушди? Буларнинг барчаси Аллоҳнинг менга юборган синовими? Унинг интиқоми ва имтиҳоними? Танграм бошимга тошларнинг қулаб тушишидан асради. Тўфонда оғзи-бурним тупроғу тошга тўлди, лекин ўлиб кетишимдан сақлади. Бу билан юртимга қилган хиёнатларимни ёдимга солмадимикин? Ўлиб бораётган қалбимда юрт меҳрини уйғотмадимикин? Мени тирилтирди у. Ўзлимни ўзимга танитди. Томирларимда оқиб турган хайр-ул умрнинг сувларини поклади. Энди юртга қилган хиёнатимни оқламоғим жоиз. Унга содиқ ва вафодор ўғлон бўлмоғим, умримнинг сўнги онларигача виждонан хизмат этмоғим даркор. Оймоможон, сен ўз ёғдуларинг ила йўлимни ёрит.

Манзилимдан адаштира, бегона йўлларга солма. Ахир мен айтилган жойга етиб боришим шарт. Биласан-ку, у ерда менинг юртдошим золимлар, хунхўрлар қўлида азоб-уқубат чекаётир, қон ютаётир. Ватандан тондиришга, башариятга қарши курашишга мажбур қилишаётир. Уни тезроқ қутқаришим шарт. Сўзларимни эшитяпсанми, Оймомо? Ҳа, мен уни қутқаришим, ота-онасининг олдига жўнатишим шарт. Сен йўлларимни нурларинг ила нурафшон айла, вужудимга қувват ато эт, бийдай дашти саҳродан чиқиб олай, Оймомо».

Оймомо унинг сўзларини тушунгандек янада пастлаб, янада ёркироқ нур сочди. Айни чоғда унинг кўк юзида балқиб туриши одамнинг суқи кирадиган даражада гўзал ва жозибали эди.

Қашқирларнинг овози яқин атрофдан келаётгандек эшитилди. Уларнинг очлигини увлашларидан билса бўлади. Йиртқичлар ўлжа излаб тоғдан тушган, одам исини олиб, Фафурнинг изидан елдек учиб келаётган бўлса не ажаб...

Фафур ўрнидан турди ва йўлида давом этди. Қаршисидан кичик ирмоқ чиқди. «Сув одамлар яшайдиган водийга олиб боради» деб ўйлади ва ирмоқ ёқалаб юрди.

Совуқ тушди. Ерларни ялаб, шўр тупроқларни тўзитиб саҳро узра изғирин кезди. Қашқирлар ҳамон ув соларди. Яқинлашиб қолганди улар. Фафур қадамни илдамлатди. Бироқ қочгани билан омонлик топиб бўладими бу саҳрои азимда? Қашқирларнинг қонли тишидан асрайдиган бошпана борми бу биёбонда? Шуни билса-да, шунга ақли етса-да, жони ҳалқумига келган бечора йигит бўғзига ўпкаси тиқилгудек чопди. Атроф-жавонига умид билан боқди. Бир туп дарахт кўринмади унинг ғамташвиш чўккан кўзларига. Фафур фиғон кўтариб

увиллаган бўриларнинг яқин келиб қолганини ҳис этиб югураверди. Қашқирлар чопқир бўлади. Айниқса, оч қолганда, вужудида ғайритабиий куч уйғонади ва югуришда уларга бас келади-ган бирорта йирткич топилмайди.

Тирикчилик ташвишида, бир парча эт топиб ейиш илинжида тўртта қашқир тоғдан тушди. Ёмғирдан кейин ер остига кириб кетган юмронқозик, калта-кесак каби жониворлар инидан чиқиб қолганди. Сезгир бўрилар буни биларди ва шу мақсадда овга чиққанди. Кутилмаганда қашқирларнинг бурнига одам иси урилди. Тупроқ устида муҳр каби қолдирган оёқ изларини искаб қолди, одамнинг узок кетмаганини дарров фаҳмлади, изғиринга қарши шитоб ила чопиб кетишди.

Холсизланган, Ғафур изига қашқирлар тушганини сезди. Қочишнинг фойдаси йўқлигини тушунди. Беркинадиган жой йўқ. У тўхтади. Ортига қайрилди. Узокдан кўзи ёниб турган бўрилар кўринди.

Ғафур бўриларга тош отмоқчи бўлиб атрофга аланглади. Бироқ оёқлари остида кўлига илинадиган тупроқдан ўзга жисм кўринмади. Шунда мўъжиза рўй берди. Ўттиз қадамча нарида турган қоп-қора нарсада кўзи тўхтади. Нима бу? Худо унинг ширин жонига раҳм айладими?

Ғафур ўша томон югурди. Уни суюнтирган нарса – қачонлардир уриб туширилган ҳарбий самолёт эди.

Бўрилар ўлжага яқин келиб қолди. Жонсарак чопиб бораётган Ғафур оламни, инсон-у жонзотларни яратган Холиққа ялиниб-ёлвориб, марҳамат этишини ва изидан қувиб елаётган қашқирлар чангалидан омон сақлашини илтижо айлади.

«Ё Худо, сен мени лутфи карамингдан баҳраманд айладинг. Тўфон балосидан, тошлар кўчкисидан,

илон ҳамласидан сақлаб қолдинг. Такдрим энди сенинг измингда. Ёлғиз сенинг инон-ихтиёрингдаман! Менга берилган топшириқни бажариб, она мақонимга ёруғ юз билан кириб борай. Ўзинг мадаққорсан, Раббим!»

Шўрлик йигит дилда кечаётган ўйларини тугатмасдан тўнтарилиб ётган самолётнинг устига сакраб чиқди. Узоқдан унинг эшигини мўлжалга олганди. Темирлари чирий бошлаганди. Фафур оёқ қўйиши биланоқ букилиб, гичирлаб кетди. Оёғи қайрилиб қолаёзди. Бўрилар яқинлашиб қолди. Ҳарсиллаб нафас олишлари йигитнинг қулоғига бемалол чалиниб, чакнаган кўзлари, ҳурпайган туклари кўриниб турарди.

Фафур оёғини тортиб олишга маълум сонияларни йўқотди. Лекин қўли тутқични маҳкам чангаллаганди. Жон-жаҳди ила уни тортди. Ёмғир-у қорлар остида қолиб, занг босган эшик жойидан кўчмади. У яна чиранди. Шунда эшик ғийқиллаб товуш чиқарди. Бўрилар етиб келди. Олдинда келаётган кизил юнгли қашқир ўзини самолёт устига отди. Ўткир тирноқлари темирни ушлаб қололмади. Бир метрдан юқори кўтарилган гавдаси сидирилиб, гурсиллаб ерга тушди. Бу орада шериклари ҳам етиб келган ва бирин-кетин самолёт устига сакраганди. Қашқирлардан бири чанг солганда Фафур эшикни очиб, ўзини ичкарига уришга ва эшикни ёпишга аранг улгурди. Унинг чўзинчоқ тумшугини эшик қисиб қолди. Оғриқдан кўзларидан ўт чакнади, орқага тисарилди ва бир амаллаб тумшугини чиқариб олди. Оч ва асаблари қақшаган тўрт бўри самолёт устида айланар, ичкарига кирадиган тешик тополмасдан аламли ув соларди. Ўлжадан айрилганига чидамай тумшукларини ойнага урарди, тирноқлари билан темирларни тирнарди. Ниҳоят, ҳолдан тойган бўри-

лардан учтаси пастга тушди. Очлик уларни яна йўлга солди. Ўлжа излаб, сахронинг қайсидир бурчаги томон кетди. Эшик қисиб қолган қизил юнгли қашқирнинг тумшуғи ҳамон зиркираб оғрирди. У ҳам очликдан, ҳам оғриқ азобидан гингширди. Шериклари изидан эргашмади. Пастга тушди. Думини остига тўшаб, нафасини ичига ютган кўйи ўлжасининг ичкаридан чиқишини кутди.

Тонг отди. Сахро кенгликлари аста юқорилаб бораётган қуёшнинг қизил шуъласига чулғанди. Ҳолдан тойган Фафур учувчининг ўриндиғида ухлаб қолди. Кўзларини очганда бўрилар кўринмади.

«Нахотки кетган бўлса?»

Фафур одамлар яшайдиган қўналғага тезроқ етиб олишни ўйлади. Ҳаёт ва ўлим оралиғида қолган йигит сўнгги кучини жамлаб ўрнидан турди. Эшикни очаётганда хаёлидан яна бўрилар ўтди.

«Кетган».

Фафур ярим қулочли темирни қўлига олиб, пастга тушди. Пачақланган филдирак ортида қашқирнинг думини кўриб қолди. Тепага кўтарила олмасди энди. У фажиб ташлайди, деб ўйлади. Бўри калласини кўтарди. Ёллари қалин ўсган хайбатли ва чайир бўри ётган жойидан ирғиб чиқди-да, ўлжага ташланди. Фафур унинг улкан оғзини, қип-қизил тилини, тишларини ва ғазабкор кўзларини кўриб қолди. Чаққонлик билан ортга тисарилиб, қўлидаги темирни боши узра кўтарди. Бу пайтда бўрининг олдинги оёқлари ердан узилганди. Ғазабкор кўзлари одамнинг хиқилдоғини нишонга олганини билдирарди. «Хато қилсам кекирдагимни узиб ташлайди», ўйлади Фафур. Ёллари хурпайиб, кўзлари ёниб ўқдек учиб келаётган бўрининг хамласига зўрға чап берди. Йиртқичнинг ўткир ва узун тирноқлари Фафурнинг қўйлагини тиф мисоли тилиб, парчалаб ташлади. Бўри уч қадамча нарига бориб туш-

ди, тупроқни тўзитаиб, абжирлик ила тагин орқасига қайрилди. Хужумга хезланиб, тишларини ғичирлатиб ириллади. Бурнидан қайноқ ҳовур чиқарди, тилининг учидан қуюқ суюқлик томарди. Ўпкасига ҳаво етмаётгандек хирсиллаб нафас оларди.

Ғафур йиртқиқнинг қорнини мўлжаллаб қўлидаги темирни отди. У камон ўқидек учиб бориб ердан оёғи узилган қашқирнинг қорнига санчилди. Бўри оғриқдан вангиллади. Унинг аччиқ ноласи сахро узра ёйилиб кетди. Кейин ерга йиқилди. Ўрнидан туришга уринди. Бироқ ярадан отилиб чиқаётган қон уни ҳолсизлантирганди. Оёқлари безгак тутгандек титраб, охири жони чиқди.

Бирдан Ғафурнинг хаёлига қизил қашқирнинг шериклари келди. «Ташланиб қолмасинда» деб ҳадиқсираб теварак-атрофга аланглади, лекин улар кўринмади.

Очлик инсон боласини не қўйларга, жафоларга, ситамларга солмайди, нималарни истеъмол қилишга мажбур қилмайди дейсиз. Ғафур ўлиб ётган бўрига тикилиб турар экан, икки кундан буён туз тотмаганини, қаттиқ очикқанини эслаб қолди. Қанча юради яна, қачон одамлар яшайдиган жойга етиб боради, йўлида не азоб-уқубатлар кутмоқда – буни билмасди. У шўр тупроқларни чангаллаб жон таслим қилмаслик, жасади зоғларга ем бўлмаслик учун қорнини тўйдирмоғи даркор. Қорнига темир санчилган бўрининг жасадига қараб, оёқлари қалтираб турар экан, миясига қашқирнинг гўштини ейиш фикри келди. Жирканч бўлса-да, бошқа иложи ҳам, чораси ҳам йўқ. Бир пайтлар Эргашнинг йигитлари очликка чидамай, қишлоқлардан итларни тутиб келиб, бўғизлаб, этини оловда пишириб ейишганини кўрган. Ўша савдо, мана энди кимсасиз сахрода ўзининг бошига тушди. У қашқирнинг лоши олдига

тиз чўқди. Терисини шилиш керак, бунинг учун пи-  
чок зарур. Фафур самолётнинг атрофини айланди.  
Тифли металл излади. Бурғич топди. У билан бўри-  
нинг қорнини ёрди. Бир парча этни ажратиб олди.  
Учувчининг кабинасига чиқди. Ўриндиқ остидан  
мойли латта топди. Чармларни, ўтиргичларнинг  
тахтасини кўчириб тушди. Минг азобда олов ёқди.

Пишган гўшт хиди унинг иштаҳасини очиб юбор-  
ди. Этнинг ёқимли ҳидидек ис дунёда йўқдек туюл-  
ди. Тишлари орасига олиб чайнаб ютди. Этнинг қат-  
тиқлигини инобатга олмаганда, оддий мол гўшtidан  
фарқи йўқдек туюлди. Ошқозонига овқат тушгач,  
рухи тетиклашди. Томирларидаги қон кўпирди.  
Жўнаш фурсати келганди. У қолган этни қўйнига  
солиб йўлда давом этди.

Тушдан кейин ҳаво қизиди. Жазирамада  
Фафурнинг боши қайнади. Жон сақлайдиган жой  
топилмади. Чексиз даштнинг оташи остида ўлим би-  
лан олишиб, лабини ҳўллашга томчи сув тополмай  
ташналик азобида қийналиб, худди узоқ ва қонли  
жангдан қайтаётган жангчига ўхшаб борарди бечора  
йигит.

Кечга яқин даштнинг этаги кўринди. Қишлоқ,  
ўрмалаб юрган одамлар ташланди унинг қайғу  
ва гамбода кўзларига. Фафур суюниб кетди. Дам  
олишга, чарчоқ чиқаришга ҳақли деб билди ўзи-  
ни. Чулдираб, кўпикланиб оқаётган ирмоқ ёқасига  
ёнбошлаб совуқ сувдан симирди. Қўйнидаги этни  
олиб еди. Вужудига қувват югургач, ўрнидан турди.  
Одамларга яқин борди. Уларнинг барчаси қуроллан-  
ган, ҳарбий кийимдаги жангчилар эди. Отларидан  
пастга тушиб, ўзлари майсалар устида ёнбошлаб дам  
олишаётган эди.

«Кўринишларидан яхши одамларга ўхшамайди»,  
ўйлади Фафур.



У йўлни айланиб ўтишга қарор қилди. Анча юрди. Оёқлари толди. Дам олмоқчи бўлди. Анҳор бўйидаги майсалар устига ёнбошлади. Хиёл ўтмай қулоғига қандайдир шарпа эшитилди. Бошини кўтариб елкаси оша ортига ўтирилди. Икки қадам нарида автомат учини пешонасига тўғрилаб турган одамни кўрди. Ғафур унинг қуролидан эмас, вазоҳатидан қўрқиб кетди.

## ЮРТДА

Тезкор ходим архивдан 1984 йилдан 1990 йилгача Олтинтопар кишлоғида нозир бўлиб ишлаган ходимларнинг шахсини аниқлади. Капитан Каттабоевнинг ўша даврда хизмат қилган ва айни пайтда нафақага чиққани маълум бўлди. Ходим уни излаб уйига ўтди. Аёли эрининг шаҳардаги касалхонада даволанаётганини айтди. Кеч бўлиб қолган бўлса-да, ходим шифохонага боришга қарор қилди.

– Ёдингизда бўлса, 1985 йилнинг 5 майида қишлоққа Афғонистондан темир тобут келганди, – деди ходим ўзини таништиргач.

– Ҳа, ёдимда, ўшанда Баҳодирхоннинг ўғли Қодирнинг жасадини олиб келишган.

– Шундай!

– Раҳматли якка ўзи душманларга қарши чиқиб, аллақанчасининг додини берган экан. Биласизми, жасадни олиб келган командир билан суҳбатлашганимда у Қодирнинг жасорати ҳақида гапириб берди. Йўлда мужоҳидлар аскарлар бораётган автокалоннани ўққа тутишибди. Отишма шу қадар даҳшатли тус олибдики, кўз олдимга келтириб, баданим жимирлаб кетган. Қодир командирнинг ҳаётини сақлаб қолишдан ташқари, янги ишлаб чиқарилган махфий пулемёт душман қўлига тушиб қолмаслиги

учун ёнаётган БТРнинг ичига кириб олиб чиқибди ва душманларни қийратиб ўққа тутибди. Анчагина мужоҳидларни ер тишлатибди. Бироқ улар кўпчилик экан. Пулемётнинг ўқи қолмагач, Қодир уни тошлар орасига яширишга ҳам улгурибди. Ўша жангда йигитга ўқ тегиб ҳалок бўлган экан. Командирининг ҳаётини ва пулемётни сақлаб қолгани учун уни «Совет Иттифоқи қахрамони» унвонига тавсия этишибди. Бироқ Москвадагилар фирромлик қилиб, «Шундай жасоратли йигитни ким тарбиялаган, албатта командири. Шундай бўлгач, унвонни ҳам унга бериш керак», дейишибди. Қодирни эса «Қизил юлдуз» ордени билан сийлашган экан. Ўтакетган ноҳақлик, шундай эмасми, ука. Жасоратни бизнинг ҳамқишлоғимиз кўрсатса-ю, унвонни яраланган командир олса! Тавба, бунисига нима дейсиз?

– Эшитишимга қараганда, бундай ноҳақликлар кейин ҳам бўлиб турган экан, – гапни мақсад сари буришга интилди ходим. – 1990 йилларда ўша ноҳақлик қилган кимсалар қишлоққа келиб қабрни очишибди.

– Бунга йигирма йилдан ошдиёв, – бу сўз капитаннинг тилидан эҳтиётсизлик оқибатида чиқиб кетди. Ходим суҳбатдошини қармоққа илинтирганини сизди.

– Хабарингиз бормиди?

Капитан ўнғайсиз аҳволда қолди. Ўша тунда бўлган воқеани айтмаслик тўғрисида топшириқ олгандан буён ҳеч кимга оғиз очмади. Баҳодирхоннинг дастурхонида кўп ўтирди, кайфи ошганда ҳам «Акахон, бу ҳарбийлар келиб Қодирнинг қабрини очишди. Нима олиб, нима қўйишганини билмайману, аммо менга оғзингдан гуллаб қўйма», деб тайинлаб кетишди», деб айтишга чоғланди, бироқ елкасидаги погонидан, юлдузчаларидан айрилиб

қолишдан чўчиб, тили учида турган гапни заҳар ют-  
гандек ичига ютишга мажбур бўлганди. Шу кунгача  
ҳеч ким уни сўроқлаб келмади. «Қабрни очганларни  
кўрганмидинг, кимлар эди улар» дегувчи топилма-  
ди. Ёпиғлик қозон ёпилганича қолиб кетди. Бўлиб  
ўтган ишлар ёдидан кўтарилганда излаб келишгани  
нимаси? Синашмоқчими? Қани, капитанни ғалвир-  
дан ўтказиб қўяйлик-чи, ҳали ҳам тилига кишан со-  
лингганикин» деб ўйлашдими?

Каттабоев ёнида ўтирган ходимга юзланди. У са-  
волига жавоб кутиб, кўзларини тикканча турарди.  
Ичидан ўтаётган гапларни кўзларидан уқиб ола-  
ётгандек туюлди. Капитан эшик томонга қаради.  
Ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Ҳа, хабарим бор, – деди бир оздан кейин ўйчан  
киёфада.

– Кўрган-билганларингизни гапириб берсангиз.

– Қабрни очганлар кимлигини билмайман.  
Қоронғи эди. Бир кун илгари қишлоқда ўғирлик  
жинояти содир бўлди. Номаълум кимсалар кам-  
бағал одамнинг молини оғилидан олиб чиқиб ке-  
тишди. Кечаси шубҳали одамларни кузатиб юрган-  
дим. Тепа маҳалладан келаётсам қабристонда ёниб  
турган чироққа кўзим тушиб қолди. Бемаҳалда ким  
юрган бўлиши мумкин деган хавотирда йўлни ай-  
ланиб, дала ичидаги сўқмоқдан қабристонга ўтдим.  
Яқинлашганимда ғўнғир-ғўнғир овозни эшитдим.  
Улар рус тилида гаплашишарди. Бегоналикларини  
билдим, яқинроқ бордим. Қарасам Қодирнинг қа-  
бри тепасида туришибди. Гўр очилган. Қўлларида  
белкурак. Бориб ўзимни таништирдим.

– Мен участка нозир катта лейтенант Каттабоев  
бўламан! Сизлар кимсизлар? Ярим кечада  
Афғонистонда қаҳрамонларча ҳалок бўлган аскар-  
нинг қабрини нега очдиларинг?

Шунда узун бўйли одам чўнтагидан гувоҳномасини олиб:

– Мудофаа вазирлигидан полковник Зайтуллаев бўламан! – деди.

Қаршимда турган кимсанинг полковник эканлигини эшитиб довдираб қолдим. Қаддимни ростлаб, ўзимни такроран таништирдим.

– Халқимизнинг тунги осойишталигини назорат қилиб, ўз худудимда хизмат бурчимни адо этмоқдаман, ўртоқ полковник!

– Жуда яхши, ўртоқ катта лейтенант! Халқимизнинг тунги осойишталигини сақлашдаги хизматингиз мақтовга лойиқ.

– Совет Иттифоқига хизмат қиламан, ўртоқ полковник!

– Баракалла! Сизга жанговар топшириқ бор, Каттабоев.

– Буюринг, ўртоқ полковник!

– Қабрни кўмиб, аввалги ҳолига келтирасиз. Кўрганлар қабр очилганини билишмасин!

– Тушундим, ўртоқ полковник.

– Яна бир топшириқ!

– Эшитаман, ўртоқ полковник!

– Бу ердаги ишлар ҳақида ҳеч кимга, хатто бошлиқингизга ҳам оғиз очмайсиз. Бирор кимса хабар топгудек бўлса, сизни давлат сирини фош қилишда айблаб, ҳарбий трибуналга топшираман! Тушунарлими?

– Тушунарли, ўртоқ полковник!

– Буйруқни бажаринг!

Улар сумкаларини орқалаб қабристондан чиқиб кетишди. Мен қабрга қарадим. Ичида темир тобут турарди. Кийимларимни ечиб топшириқни бажаришга киришдим. Қоровул ёрдамга келди. Тонг бўзараётганда тупроқни тортиб, аввалги ҳолатига

келтирдим. Мармар ёдгорлик нарироқда қийшайганча турарди. Уни жойига ўрнатиш лозим, аммо у оғир эди. Зўрға судраб келдим. Қанчалик уринмай аввалги ҳолатига келтиролмадим. Қаҳрамоннинг расми чеккаси кетмон тегибми ёки йиқилганидами синганди. Қабр атрофига гуллар экилганди. Улар тупроқ остида қолиб кетганди. Жойига қўйишнинг иложи бўлмади. Уйга қайтдим. Полковник айтганидек, аскар қабри очилгани ҳақида ҳеч кимга оғиз очмадим. Зайтуллаев бошлиқларимга тайинлаган бўлса керак, олти йилдан бери капитанлик унвони ололмай юргандим. Ўша воқеадан бир ой ўтмай капитан бўлдим.

– Қабр ичидаги тобутни кўзингиз билан кўрдингизми?

– Кўрдим!

– Очилган эканми?

– Эътибор бермабман, бунинг устига лаҳад ичи қоронғи эди. Шундай бўлса ҳам чирий бошлаган тобут ётганини кўзим билан кўрдим.

– Сизнингча, улар қабри нима мақсадда очишди?

– Уларнинг мақсадини худодан ва ўзларидан бошқа ким ҳам биларди, ука.

– Полковникнинг йигитлари қабр ичидан ниманидир олган бўлиши керак.

– Нимани назарда тутаётганингизни очиқ айтинг!

– Қурулми, наркотикми ёки бирор идишми?

– Йўқ, аммо уларнинг сумкаларида нимадир борлигини сезгандек бўлдим.

– Улар неча киши эди?

– Тўртта.

– Полковник биланми?

– Шундай!

– Қабр очилганидан раис хабар топганми?

– У бўлиб ўтган ишлардан ҳозиргача беҳабар. Раис бўлгач, қабристонга бориб, ўғлининг қабрини зиёрат қилганини ҳеч ким кўрмаган. Аммо онаси Каромат тез-тез қабр бошига чиқиб турарди.

– Гулларни Каромат опа экканмиди?

– Йўқ, у қабристонга гул кўтариб бормасди.

– Унда гулларни ким экан?

Капитан ўзини ходимнинг ихтиёрига топшириб бўлганини, саволига берган жавоблари билан кўзга кўринмас тўрга илиниб қолганини сизди. Бироқ энди орқага қайтиш мумкин эмас, қандай қилиб бўлмасин тўрни ёриб чиқиш керак

– Эшитишимга қараганда, Қодир армияга жўнашдан олдин Зулайҳо исмли қизни севиб қолган. Улар тез-тез учрашиб туришган. Бундан ота-оналари ҳам боҳабар бўлишган. Унаштириб қўйишган. Тўйни Қодир аскарликдан қайтгач ўтказмоқчи бўлишган. Йигит армиядан қизга мактублар ёзиб турган. Йигитнинг ўлими Зулайҳога қаттиқ таъсир қилган бўлса керак, қабристонга чиқиб, қабр атрофига гуллар эккан. Буни ҳамма билган.

– Ҳозир Зулайҳо турмушга чиққанми?

– Бахтга қарши у вафот этган.

– Касал бўлдими?

– Жонига қасд қилди!

– Бошқа йигитга турмушга чиқишга мажбур қилишганмиди?

– Бунисини билмадим, экспертизанинг хулосасига кўра, қизнинг қорнида беш ойлик ҳомиласи бўлган!

– Кимдан?

– Буни ҳеч ким билмасди.

– Балки қишлоқдаги йигитларнинг бирортаси билан алоқа қилиб юргандир?

– Суриштирдик, афсуски у алоқада бўлган йигит топилмади.

– Унда кимдан ҳомиладор бўлиши мумкин?  
– Бу савол очиклигича қолиб кетди.  
– Зулайхонинг қишлоқдан чиқиб кетганига ишонасизми?

– Ҳа, отасининг гапига қараганда, қирқ икки кун уйда бўлмаган. Қидиришмаган жой қолмаган. Яқинларининг уйига бориб суриштиришган. Кўрдим деган одам топилмаган. Қиз қайтиб келганидан кейин қаерга борганини ва ким билан учрашганини ҳеч кимга айтмаган.

– Орадан қанча вақт ўтгач жонига қасд қилди?

– Йигирма кун ўтиб. Ўша куни тонг ёришар паллада қабристонга чиққан ва Қодирнинг қабрини зиёрат қилган.

– Сиз уни қишлоқдан ёлғиз чиқиб кетган деб ўйлайсизми?

– Дугоналари билан суҳбатлашгандим, улар Зулайхонинг бир ўзи ғойиб бўлганини айтишганди.

– Қаерга борган бўлиши мумкин. Тахминлар бордир?

– Тахминлар кўп эди, бироқ биз тахминлар бўйича қидирув ишларини олиб борганимизда ўша тахминларнинг бирортаси исботини топмади.

– Қўшни шаҳарларда қариндоши йўқмиди?

– Бор эди, лекин Зулайхо уларникида ҳам бўлмаган. Менимча... – капитан шундай деди-ю, жим қолди. Ходим унинг оғзидан чиқадиغان сўзни интиқлик билан кутди. Бир оз ўтиб: – Келинг, яхшиси, бу ҳақда гапириб ўтирмайлик, – деди.

– Нимадир демокчисиз, айтаверинг, сизнинг ҳар бир сўзингиз ишимизга ойдинлик киритиши мумкин...

Бу пайтда капитаннинг синиққан юзида жиддий ўзгаришлар зоҳир бўлди. Қандайдир воқеани ўйлаётганини кўзлари фош қиларди. Ходимнинг қизиқиши кучайди. Ҳозир қандайдир муҳим сирни

фош қилади, деб ўйлади. Бироқ Каттабоев ходимнинг саволини жавобсиз қолдиришни истарди. У гап мавзусининг бу қадар ўзгариб кетишини кутмаганди. Ходимнинг миёсида Зулайҳо «Қирқ икки кун қаерда ва кимникидан бўлиши мумкин? Қорнидаги хомиланинг отаси ким», деган саволлар айланарди. Қишлоқдан чиқиб кетишига нима сабаб бўлган ёки ота-онаси уни бошқа йигитга турмушга узатмоқчи бўлганмиди? Агар у қишлоқда яшаганда ёки яқинларидан бириникида турганда шу пайтгача дараги чиқарди. Демак, қиз узокқа кетган ва хомиладор бўлиб қайтган

– Бошлиқларим менга Зулайҳонинг отаси билан суҳбатлашишни ва қиз билан боғлиқ воқеаларни чуқурроқ ўрганиш вазифасини топширишди, – ниҳоят тилга кирди капитан. – Топшириқни олгач қизнинг отаси билан тез-тез суҳбатлашиб турдим. Зулайҳонинг уйдан чиқиб кетган кунидан то жонига қасд қилган кунгача бўлган воқеаларни батафсил билишим керак эди. Кунларнинг бирида отаси менга ажойиб тақинчокни кўрсатди. Бу тоза олтиндан ясалган узук эди. Мен кўрган олтин тақинчокларнинг бирортасига ўхшамасди. Ўртасига олмос жойлаштирилганди. Орқа тарафининг ташқи томони қизларнинг сочига ўхшаб эшилганди. Олмос олти хил рангда нур сочарди. Тақиб кўрдим. Бир оз ўтиб, худди наша чеккан одамдек ичимда бир сархушликни сездим, қаршимда ўтирган чолнинг сўзларига итоатгүй бўлиб қолдим. Ўшанда буни оддий ҳол деб ўйлабман. Кейин билсам бу оддий ҳол эмас экан. Узукда қандайдир сир яширин эди. Уни эгасига қайтариб бердим.

- Ўша узук ҳозир қизнинг отасидами?
- Чол ўтган йили қазо қилди.
- Узукни нима қилган?



- Кампирига қолдирган бўлса керак.
  - У тирикми?
  - Тирик, бироқ анча лақиллаб қолган.
  - Узукни бировга бериб юбормагандир?
  - Уни кўрмоқчимисиз?
  - Кўриб қўйсам ёмон бўлмасди!
  - Фикрингизга қўшиламан. Узук ҳеч кимга маълум бўлмаган сирли воқеалар ҳақида ҳикоя қилишига ишонаман. Ўйлашимча, нархи ҳам ўта баланд. Бизнинг усталар бунақа узукни ясай олишига ишонмайман.
  - Четдан олиб ўтилган демоқчимисиз?
  - Шубҳам бор.
  - Нархи қанча?
  - Нархими, менимча, бугунги пулга эллик миллион сўм бордиров.
  - Ошириб юбормадингизми?
  - Олмоснинг ўзи ўттиз миллиондан баланд.
  - Қимматбаҳо тошлар билан шуғулланганмисиз дейман?
  - Иш юзасидан шуғулланишимга тўғри келган.
  - Қизиқишимни кучайтириб қўйдингиз!
  - Насиб қилиб узук қўлингизга тушса, бежиз қизиқмаганингизга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз!
- Ходим ўйга чўмди.

## ЖАЛОЛОБОД

Жавлон ҳушига келди. Кўзларини очиб Улуғбекни эслади: оғирлашиб қолган киприklarини базўр очиб атрофга боқди. Хонада ўзидан бошқа бировни кўрмади. Табиб хастанинг ҳушига келганини кўриб Бурҳониддиннинг соқчиларини огоҳ қилди. Улар бу хушxabарни раҳнамонинг қулоғига етказишди. Бурҳониддин янгиликдан қувонмади.

Боиси кўнглидаги гашлик ҳалигача тарқамаянди. Улуғбек хорижлик мухбирларнинг олдида уни ер билан битта қилиб ташлади. Аввалига нималар деб валдираётганини тушунмади. Таржимон ҳам ҳанг-у манг эди. Бирдан сергак тортиб, сўзларини Бурҳониддиннинг қулоғига ўзининг тилига ўгириб турди. Шунда Бурҳониддиннинг кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. Қаҳр-ғазаб ўтидан қизарди. Атрофидигилар кўзига кўринмай қолди. Бир амаллаб қўлини кўтарди. Ўқ овози эшитилганда, пешонасидан қон отилиб чиққан Улуғбек ерга йиқилгандагина ўзига келди. Фурсат ўтган, бўлар иш бўлганди. Мухбирлар тўс-тўполон кўтаришди. Бурҳониддин ялиниб ёлвориб уларни зўрға тинчлантирди. Ҳар бирининг қўлига ўн минг доллардан тарқатиб чиқди. Меҳмонларни қузатишдан аввал енгилгина шарт қўйди: «Жиннисифат бу йигитнинг сўзларини магнит тасмасидан ўчириб ташланг».

Хали ўзига келмаган мухбирлар тезроқ бу ердан кетиш мақсадида таклифни қабул қилишди. Лекин идорага боргандан кейин билганларидан қолишмади. Эртаси куни дунёнинг кўп мамлакатларида Улуғбекнинг ҳайқириғи радиотўлқинларида янгради, телевидениеда намоёиш қилинди. Газеталарда босилди.

Бурҳониддин Улуғбекнинг сўзларидан бир куйган бўлса, мухбирлар тарқатган хабардан икки бор куйди. «Дунёга шарманда қилишди мени», деб ич-ичидан қайғурди. Кечга яқин Кашмирий унга қўнғироқ қилди. Бироқ қоймади. «Шеригига нима бўлди», деб сўради. Бурҳониддин унинг ҳушига келмай ётганини маълум қилди. «Ўзига келса мени огоҳ қилинг», дея хайрлашди Кашмирий.

Икки кундан буён Бурҳониддин Жавлоннинг кўз очишини кутиб ўтирибди. «Хаста ўзига келди»

деган хабарни эшитганда зимистон кўнглига ёруғлик инди. Кашмирийга сим қоқди.

– Беморимиз ҳушига келди, оға, – деди овози титраб.

– Хўб яхши. Хушёр бўлинг, тагин қочиб кетмасин. Соқчиларни кучайтиринг, парваришни яхшиланг. Эртага менинг одамларимдан бири мўътабар меҳмонни олдингизга бошлаб боради. Сиз унинг топширигини бажаринг!

Кашмирий кўп гапирмади. Телефонини ўчириб қўйди.

«Ким келиши мумкин?» деган савол Бурҳониддиннинг миясига ўтириб қолди. Кашмирийнинг гапидан мансабдор кимсага ўхшайди. У эшик олдида турган соқчига юзланди.

– Бемор ётган хона атрофига қўшимча соқчилар қўйинглар! Табибга буюр, кучли дори-дармон берсин!

Соқчи қўлини кўксига қўйиб чиқиб кетди.

Эртаси куни тушдан кейин Кашмирийнинг одами ўзи тенги нотаниш кимсани бошлаб келди. Узун бўй, кўзлари кўкимтир, оқ сариқдан келган ўттиз беш-қирқ ёшлардаги йигит эди. Юзида тук йўқ. Устига маҳаллий халқнинг кийимларини кийиб олган. Кўпроқ европаликларга ўхшади. Бурҳониддин меҳмонларни хонасига таклиф қилди.

– Бу киши Кашмирий жанобларининг меҳмонлари, – деди уни бошлаб келган кимса. – Исмлари Жонс. Кашмирий сиздан бу жанобнинг айтганларини бажаришингизни илтимос қилдилар!

– Жонс жанобларига ёрдамим тегадиган бўлса жоним билан, – таклифни қабул қилди Бурҳониддин.

Жонс вақтнинг қадрига етадиган одам эди. Бу ердаги ишларини тезда битириб орқага қайтишни режалаштирганди.

– Биз Жавлонни кўришимиз керак, – деди Жонс.

– Ҳозир уни олиб келишади, – жавоб қилди Бурҳониддин.

– Беморхонангиз яқин атрофдами?

– Ҳовлининг нариги томонида!

– Унда ўзимиз унинг олдига борамиз.

Меҳмонлар ўринларидан туришди. Бурҳониддин уларга йўлбошчилик қилди. Ташқарига чиқишди, ҳовлининг нариги томонидаги эски бино томон юришди. Ҳар ўн қадамда соқчилар турарди. Ичкари кирганда димокқа дори хиди урилди. Улар тор ва нимқоронғи йўлакдан юриб боришди. Хоналардан беморларнинг юракни эзувчи ингроқ овозлари эшитилади. Охириги эшик олдида турган соқчи Бурҳониддинни кўриб эшикни очди. Хонага тўртта каравот қўйилган. Учтаси бўш. Дераза ёнида шипга, деразадан тарам-тарам тушаётган нурга тикилиб Жавлон ётибди. У ташқаридан келаётган қадам товушини эшитиб кўксини кўтарди. Йигитнинг юзида безовталиқ аломатлари сезилди. Қонсиз ёноқлари оғир касаллик азобларидан ҳали қутулмаганлигини билдирарди. Ичкарига кириб келган Бурҳониддинни ва нотаниш кимсаларни кўриб оғриқ хуруж қилгандек юзи буришди.

– Табибнинг айтишича, аҳволинг ўнгланибди, – деди Бурҳониддин сўзларининг қандай таъсир қилишини билмоқчи бўлгандек беморнинг юзига диққат билан боқиб.

– Улуғбек қани? – сўради Жавлон, – мен уни кўргим келяпти!

Жавлоннинг юзи шишиб кетганди. Қовоғи ости кўкариб, кўзларига қон қуюлганди. Баданидаги жароҳатлар қимирлашга имкон бермади.

– Жўранг ақли бор бола экан, бизни тушунди, талабларимизни қабул қилди. Ҳозир у синоларимиз сафида фанимларимизга қарши жиҳод жангига кирган!

– Ишонмайман! – бошини чайқади хаста. Унинг кўзларидан ёш сизиб, қонсиз юзига оқиб тушди.

– Нега ишонмайсан? Жўнаш олдидан сени ҳам ортидан юборишни менга тайинлаб кетди. Оёққа турсанг сен ҳам ўртоғинга қўшиласан. Яна бирга бўласизлар!

– Ўртоғим мени ташлаб кетиши мумкин эмас...

– Олдинга кирганида сен беҳуш эдинг, бўтам. У ҳам сени ташлаб кетгиси келмади. «Ортимдан жўнашинглар» деб, бизга такрор-такрор тайинлаб кетди.

Жавлон Бурҳониддиннинг сўзларига ишонмади. «Илоннинг ёғини ялаган тулки, гапларимга ишонди деб ўйлаяпсанми? Ёлғончилигингни кўзларинг фош қилиб турибди» деган ўй кўнглидан ўтди.

– Гувоҳларингиз буларми? – унинг ортида турган одамларга кўзи билан ишора қилди Жавлон.

– Йўқ, булар меҳмон. Сен билан гаплашиш мақсадида пойтахтдан ташриф буюришган, – Бурҳониддин ёнида турган Жонсга ишора қилди.

Жонс қўли билан Бурҳониддинни четга суриб, хастанинг ёнига яқин келди ва ортида турган Бурҳониддинга юзланиб:

– Бизни холи қолдирсангиз, – деди.

Бурҳониддин енгил томоқ қириб, хонадан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Жонс бемор ётган каравотнинг бир четига ўтирди. Жавлоннинг синиққан юзига тикилиб турар экан, «бечора йигитни кўп қийнашибди» деган фикр кўнглидан ўтди. Кейин:

– Сиз ва ўртоғингиз ҳақида мен кўп нарса эшитдим, – деди паст овозда.

– Сиз кимсиз?

– Кечиринг, ўзимни таништирмабман, – одобли одамлардек узрхоҳлик ила деди Жонс. – Мен инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятиданман, исмим Жонс.

– Сиз чиндан ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятидан бўлсангиз, ўз она юртимга қайтишимга ёрдам беринг...

– Эшитдим, сизга ситам ўтказиб, шафқатсизларча калтаклашибди. Бу инсонга нисбатан ўта бераҳмлиқ. Ҳуқуқларингиз поймол этилганидан мен қаттиқ ташвишдаман. Сизни толибонлар қўлидан озод қилиш мақсадида келдим бу ерга.

– Бу инсоний бурчми ёки меҳрибончилик замирида яширин мақсадингиз борми?

Жонс лаб учида қулиб қўйди.

– Биз сиздан ҳеч нарса умидвор эмасмиз. Биламан, сиз ва дўстингизнинг толибонлар сафига ўтиб кетганингиздан юртингиздаги тегишли идоралар хабардор бўлишган. Хатто радио ва телевидениелар, газеталарда сизлар ҳақингизда ахборот тарқатилган. Юртингизга қайтиб борадиган бўлсангиз сизларни сўроқ қилишади. Жиноий иш қўзғашади. Умрбод қамоқ жазосига маҳкум этишади. Аммо биз сизни бу азоблардан ҳимоя қилишни ҳам ўйлаб қўйдик. Агар таклифимни қабул қилсангиз, сизни Европадаги шаҳарлардан бирига жўнатамиз. У ерда бизнинг махсус ўқув базамиз бор. Икки йил ўзингиз тенги йигитлар билан ҳамкорликда таҳсил оласиз.

– Мактабда ёмон ўқимаганман, жаноб. Тирикчилигимни ўтказиш учун олган билимим етарли. Кўриб турганингиздек форс ва араб тилларида бемалол гаплаша оламан! Шундай бўлса-да, олижаноб ташкилотнинг одами бўлганингиз сабабли сизга бир илтимосим бор.

– Марҳамат, айтинг, – Жонснинг умиди ҳали сўнмаганди.

– Бажарасизми?

Жонс талмовсиради.

– Сўз бераман!

– Ўз юртимга кетишни хоҳлайман.  
– Ахир сизни қамашади.  
– Ўз юртим қамоқхонасида ётиш жаннатда яшаш билан баробар!

– Жиддий ўйлаб қўринг. Гапларингиздан таклифимни рад этмоқчига ўхшайсиз?

– Мени тўғри тушунибсиз, жаноб.

– Назаримда бир оз иситмангиз бор!

– Сезгир одам экансиз, балки бурнингиз хонада бошқа нохуш хид пайдо бўлганини ҳам пайқагандир?

Жонснинг юзи лавлагидек қизариб кетди. Бу ерда қолиш ўнғайсиз эканлигини тушунди. Ташқарига чиққанда Бурҳониддин унинг қизарган юзидан кўзларини узмай сўради:

– Сизни ранжитдим, бадбахт бола?

– Назаримда табибингиз беморнинг жароҳатини яхшигина даволабди-ю, аммо қакшаган асабларини даволашни унутибди, – деди Жонс ковоқ-тумшуғини осилтириб.

Бурҳониддин унинг нима демоқчи бўлганини тушунмади.

– Табибимиз ўта билимли, доно одам, албатта асабга ҳам даво топгусидир!

Жонс машинаси томон юрди. Эшикни очаётганда телефони жиринглади. У гўшакни қулофига босди.

– Эшитаман, сэр!

– Махсус топшириқ билан «Қора маржон» форига жўнашингиз керак. У ерда Амирий томонидан яширилган кимёвий қурол борлиги хақида маълумот олдик. Назаримизда у ерда қурол эмас, бизни кизиқтираётган бошқа буюм бўлиши ҳам мумкин. Қандай қилиб бўлмасин уни топишингиз ва марказга жўнатишингиз керак. Бирор тирик жон сизнинг форга жўнаётганингизни билмаслиги шарт. Мени тушундингизми, Жонс?

– Тушундим, сэр!  
– Ҳозироқ топширикни бажаришга киришинг!  
– Манзилни яна бир бор тушунтиринг, сэр!  
– Қўхихун қишлоғига етмасдан жануби-шарқ томондан эллик чақирим юқорида. Туя довон деган жой атрофида.

– Тушунарли, сэр!

Жонс энди орқага қайтолмаслигини англади. Бу ердан Қўхихун қишлоғига бориш осонлигини билди. У Кашмирийнинг одамига юзланди:

– Сиз қайтиб кетишингизга тўғри келади.

– Тинчликми, жаноб?

– Менинг бу ерда бажарадиган ишларим чиқиб қолди. Бемор росмана соғайиб, оёққа туриб кетишини кутаман.

– У сизни ранжитдими, сэр?

– Аксинча, мен ундан мамнунман.

Кашмирийнинг ёрдамчиси машинага ўтириб Кобулга жўнаб кетгандан кейин Жонс Бурҳониддиннинг олдига борди:

– Мен бир ҳафта шаҳарда қоладиган бўлдим.

– Мендан бирор ёрдам керакми, сэр?

– Ташаккур, ёрдам керак бўлса, албатта айтаман!

Лекин сизга бир илтимосим бор.

– Қулоғим сизда, сэр.

– Жавлонни бугуноқ касалхонага ётқизсангиз.

– Яхши. Ҳозироқ одамларим уни касалхонага олиб боришади...

– Йигитнинг бу ердан олиб чиқиб кетилганини ҳеч ким билмаслиги керак...

– Хотиржам бўлинг!

Бурҳониддин Жонсни кузатиб қўйгач, ўз хонасига қайтди. Жонс нима сабабдан Жавлонни касалхонага жўнатиш деганини тушунолмади. Аслида Улуғбекнинг ўлиmidан кейин бу йигитдан бошқа



мақсадда, аниқроғи, ўзининг ишларида фойдаланишни ўйлаб қўйди. Ҳозир далалардаги наша ва кўкнориларни йиғиштириш яқунланган палла. Одамлари ҳосилни аллақачон йиғиб-териб олган. Қайтадан ишлов бериш, хорижга пуллаш зарур. Четда харидорлар унинг «дори»лариغا кўз тикиб туришибди.

Бурҳониддин Жавлонни касалхонага эмас, балки «дори»лариغا ишлов берилаётган жойга жўнатишга қарор қилди...

## САМАНГАН

Мирзааҳмад қулоғига чалинган шарпадан чўчиб, эндигина уйқу тўр ташлаган кўзларини очди. Эшик каламуш тишлари билан тахтани кемираётгандек китирларди. Ташқарида кимдир бордек, ичкарига кириш учун ҳаракат қилаётгандек эди. «Ким бўлди?» деган савол лашкарбошининг миясига урилди. Эргашни ўз хонасида отиб ташлашганини эшитганидан буён тунлари қулоғига чалинадиган турли товушлардан хавотирланадиган бўлиб қолди. Боз устига, келтирилган аёлнинг боласи сирли равишда ғойиб бўлиши ўша қўрқувни баттар кучайтирди. Назарида лагерда ғанимлари уни ўлдириш мақсадида пайт пойлаб юрганга ўхшайди. Бир муддат жимликдан кейин товуш яна қулоғига чалинди. Лашкарбоши ёстиқ тагига қўл узатди. Тўппончанинг дастасидан маҳкам чангаллади.

– Ким? – Мирзааҳмаднинг овози вужуди каби қалтиради.

Эшик оҳиста очилди.

Мирзааҳмад тўппончанинг учини эшик томон тўғрилади.

– Мумкинми, хўжайин, – қоп-қора одам бошини ичкарига сукди. Лашкарбоши уни танимади.

– Кимсан?

– Танимадингизми, хўжайин...

Дўриллаган бу овоз қулоғига танишдек туюлди. Бироқ эслай олмади. Лашкарбоши «Соқчи» дея қичқирмоқчи бўлди, ammo остонадаги одамнинг қўлида қурол йўқлигини кўриб тилини тийди. «Соқчилар қаерда, нега мен рухсат бермаган бу кимсани ичкарига қўйишди» дея хаёл қилди.

– Исминг нима?

– Абуман, хўжайин.

– Абу?!

Лашкарбошининг пешонаси тиришди, бироқ Абу исмли таниши борлигини эслай олмади.

– Нима ишинг бор менда?

– Ишим йўқ, хўжайин. Сизни бир кўрай, икки оғиз суҳбатингизни олай деб юргандим. Бугун пайти экан, ўшанга кирдим.

– Негадир сени танимаяпман! – лашкарбоши қўлидаги тўппончани пастга туширди.

– Нахотки мени танимаган бўлсангиз, хўжайин, – эшикни беркитиб ичкари кирди Абу. Мирзааҳмаднинг юраги ҳамон патилларди.

– Сени ичкарига ким қўйди? – Мирзааҳмад бу сўз билан Абуни турган жойидан жилмасликка ишора қилди. Абу тўхтади.

– Биласиз-ку, хўжайин, одамлар олдидан ўтиб кетсам ҳам биров мени кўрмайди.

Пешонаси тиришган, лаби буришган Мирзааҳмад тоқчадаги чироқ пилигини кўтарди. Абунинг муғом-бирлик акс этиб турган қоп-қора юзи, бойўғлининг кўзларидек чақнаб турган юмалоқ кўзлари ёришди, дўнг пешонаси тиришди. Лашкарбоши ниҳоят уни эслади...

Гуруҳни ташкил этган пайтларда йигитлари сафига ўттиз ёшлардаги дарозгина, кўримсиз йигит келиб қўшилганди. Ёрдамчилари таништираётиб уни уч маротаба қамоқхонада «дам олиб» чиққанини таъкидлашганди. Кейин у ҳақда одам ишониб-ишонмайдиган гап-сўзлар қулоғига етиб келди. Рухсатномасиз банкларга, айрим идораларга бемалол кириб чиқаварар экан. Қўлидаги оддий қоғоз соқчиларнинг кўзига рухсатнома бўлиб кўринармиш. Бундан ташқари, ҳар қандай қулфни, темир сандиқларни калитсиз очиб ташлармиш... Одамлари бу йигитга «Арвоҳ» деб ном беришган. Мирзааҳмад аввалига ишонмай юрди. Синаб кўрмоқчи бўлди. Кунларнинг бирида шотирлари ёғ заводи ғазнахонасида катта миқдорда пул борлигини айтишди. Лашкарбоши Абуни хонасига чақирди. Иккиси танҳо суҳбатлашишди:

– Ғазначи бугун банкдан беш миллион нақд пул олди. Шуни ўмариш қўлингдан келадими? – деб сўради.

– Ўмариш демангда, хўжайин, – деди аразлагандек кош-қабогини осилтириб Абу. – Олиб чиқиш денг!

– Ҳозир аҳволим яхши эмас, одамларимга маош беришим керак. Жумладан сенга ҳам!

– Кўпчилик учун эканда! Жамоат иши учун жонингни берсанг ҳам арзийди, хўжайин!

– Ёдингга бўлсин. Мабода қўлга тушиб қолсанг, мен сени танимайман, сен эса мени, билдингми?

– Хавотирланманг, хўжайин! Тишим чиқиб бировни сотмаганман!

– Унда бугун тунда топшириқни бажар!

– Тунни кутиб ўтирармидим, хўжайин, хуфтонгача ишни битириб келаман!

– Аҳмоқмисан, купша-кундузи ғазнахонага киролмайсан!

Абу жилмайди. Мирзааҳмаднинг фаши келди. Хаёлидан «бу болага ишониб бўлмайди, қўлга тушса, мени ҳам ўзига қўшиб тортади» деган ваҳимали фикр ўтди. Дераза ёнига бориб ойнадан ташқарига боқиб «бошқа одам топиш керак» деб ўйлади. Гуруҳдаги «қўли чаққон» йигитлар кўз ўнгидан ўтди. Бахтга қарши, уларнинг бирортаси ҳозир бу ерда эмас.

Лашкарбоши ортига юзланди. Бўм-бўш хонани кўриб юраги шув этди. Абу йўқ эди. Унинг қай тарзда ғойиб бўлганини билолмай энсаси қотди. Хаёлида Абу қўлга тушиб қоладигандек ваҳима пайдо бўлди. Этаги куйган одамдек хонасида ўтиролмади. Кўчага чиқиб кетди. Машинасида шаҳар айланди. Хуфтон намозидан кейин атайин ёғ заводи биноси олдидан ўтди. Панжарали деразадан ичкарида бамайлихотир телевизор кўриб ўтирган соқчини кўриб ўзига келди. Кейин ишхонасига қайтиб келди.

– Абу сизни кутиб ўтирибди, – деди лашкарлардан бири.

– Қачон келди? – сўради Мирзааҳмад ковоғини уйиб.

– Чамамда бир соатдан ўтди.

Хонасига кириб келган Мирзааҳмад бурчакда газета ўқиб ўтирган Абуни кўриб:

– Эплай олмадингми? – деди пўнғиллаб.

Абу ўрнидан турди. Лашкарбошига яқин борди. Тажанг юзига тикилиб турди-да:

– Эркакнинг ваъдаси битта бўлади, хўжайин, – деди қошларини кериб.

Лашкарбошининг туси ўзгарди.

– Қани?

Абу стол остидан чарм сумкани олиб келиб Мирзааҳмаднинг оёғи остига ташлади.

– Санамадим, хўжайин!

Мирзааҳмад Абуни бағрига босди.

– Қойил!

Шу воқеадан кейин лашкарбоши Абуга қаттиқ ишониб қолди. Муҳим ишларни унга топширадиган бўлди. У анчадан буён Эргаш билан ўрталаридаги дарз кетган муносабатни тиклашни ўйлаб юрарди. Қандай қилиб бўлмасин орадаги ихтилофга барҳам бериш йўлини ўйларди. Ҳар хил фикрларни калласида пишитиб юрарди. Ниҳоят, туғилган куни эсига тушиб қолди. Бу ишда яна Абу унга керак бўлди.

– Яқшанба куни Эргашнинг туғилган куни. Яхшироқ совға жўнатишим керак, – деди Мирзааҳмад.

– Ашаддий душманингизга-я? – Абу улар орасидаги муносабатнинг дарз кетганидан огоҳ эди.

– У аблаҳни кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқ, аммо ҳозир қўли узун. Орқасида турган одамларнинг обрўси ҳам, бойлиги ҳам етарли. Вақти-соати келиб ўша исқирт бу ерда ҳукмронлик қилиб қолишидан кўрқаман. Иложи борича ўртадаги совуқчиликни илитишим керак.

– Совғангиз бўлса беринг, ўзим элтиб бераман, кўнглига йўл топаман!

Лашкарбошининг чехраси ёришди.

– Эргаш «Жигули»ни яхши кўради. Унга битта шундай машина жўнатсаммикин деб турибман!

– Совғангизга арзирмикин?

– Аслида бир чақага олмайман уни. Ўлдираман деб дангал айтганман. Лекин эртанги кунимни ўйлайман-да, Абу. Ахир мен ҳам эмин-эркин яшашим керак. Душманларим изимга тушса, қаердадир жон сақлашим керак-ку.

– Сиз Эргашни кечирингиз мумкин, аммо у сизни кечирармикин?

– Ҳамма гап шунда-да. Нима қилиб бўлса-да, унинг юрагида гуриллаб ёнаётган адоват ўтини ўчиришим керак.

– Ўша адоват алангасига ўзим сув сепиб келаман, хўжайин! Машинанинг калитини беринг!

Мирзааҳмад Абунинг елкасига қўл ташлади.

– Шаҳарда Усмон бойвачча исмли одам яшайди. Уйда мойи артилмаган «Жигули» билан «ГАЗ – 31» турибди. «Жигули»ни олиб чиқиб Тожикистонга жўнайсан. Эргашни топиб, менинг номимдан совғани топширасан. Зора машинани кўриб кўнгли юмшаса.

– Хўжайин, сиз айтган бойваччани яхши танийман. Битта машинасини ўғирласак ҳам, икковини олиб чиқиб кетсак ҳам «уйим куйди» деб дунёга жар солади. «Волга»сини қолдириб нима қиламиз? Бирваракайига иккаласини гумдон қиламиз-қўямиз-да, нима дедингиз?

– Билганингни қил! Лекин менинг одамларимдан хитланмаса бўлди.

Абу лашкарбошидан Эргашнинг манзилини олиб хонадан чиқиб кетди. Шу кеча Усмон бойнинг ҳовлисида бир эмас, иккита машина сирли равишда ғойиб бўлгани шаҳарга овоза бўлди. Мирзааҳмад эса бундан хузурланди. Орадан бир ойча вақт ўтди. Бироқ Абу қайтиб келмади. Машинани Эргашга топширдими, йўқми, бу ҳам қоронғи. Лашкарбоши кунларнинг бирида милиция ўғирлаб кетилган «Волга»нинг ўш довоида пачақланган ҳолда топганини, ичидаги ҳайдовчи билан шериклари ҳалок бўлганини эшитди. Абунини ўшалардан бири деб ўйлади. Наҳотки қаршисида қўл қовуштириб турган йигит ўша Абу бўлса?

Мирзааҳмад ҳамон Абуга тикилиб турар экан, ниҳоят тилга кирди:

– Сени ўлиб кетган деб эшитгандим...  
– Сизга бўлган садоқатим туфайли омон қолдим, хўжайин!

– Бу ерга қачон келдинг?

– Ўшанда биз машиналарда орқама-олдин кетаётгандик. Тун яримдан ўтганди. «Волга» миниб олган йигитни уйқу элтиб, рулни бошқаролмай қолган экан, довондан тушаётганда пастга қулаб кетди. Уларни қутқаришнинг иложи бўлмади. Туманда пастликни кўриб бўлмасди. Бунинг устига совуқ, изғирин, қор учқунлаб турарди. Мен зўрға «Жигули» да Душанбега кириб бордим. Суриштириб Эргаш яшаётган жойни топдим. Сизнинг номингиздан совғани топширдим. Занғар, айтганингиздек, ифлос одам экан. Ҳамманинг кўз олдида машинанинг устига бензин сочиб ёқиб юборди. Нима қилишимни билмай турган жойимда тошдек қотиб қолдим. Мени ҳам ёқиб юборса керак деб хавотирга тушдим. Хайрият тегмади. «Шу ерда қоласан», деди. Қаршилиқ қилмадим. Қолиб кетдим, хўжайин... Кейин у мени ўз одамларига қўшиб Тавилдарага, сўнг Саманганга кўчириб келди. Дала-даштларда қум билан шўр ялаб яшадим. Қочишнинг иложини тополмадим. Эргаш ўлган куни қочмоқчи бўлдим. Бироқ келишингизни эшитиб қолдим. Ўзингизни кўриб суюндим. Олдингизга кирмоқчи бўлиб икки-уч бора ниятландим, негадир истиҳола қилдим. Мана, бугун фурсати экан, хизматингиздан, хўжайин...

– Соқчилар кўрмадими? – сўради лашкарбоши.

– Улар ўта сезгир ва хушёр бўлиш билан бирга сизга садоқатли йигитлар. Беш қадам нарида туришган экан, салом бериб ўтдим олдиларидан. Аммо сизнинг кулбангизга бурилганимни пайқамай қолишди.

Лашкарбоши мийиғида кулиб қўйди:

– Ҳали ҳам ҳунарингни ташламабсан-да...  
– Энди, хўжайин, қон билан кирган жон билан чиқади...

– Сени бу ерда кўрганимдан хурсандман, Абу, – деди лашкарбоши чуқур хўрсиниб.

– Хизматингиздаман, хўжайин, – қўлини кўксига босиб таъзим қилди Абу.

Лашкарбоши анчадан буён ўйлаб юрган режасини эслади.

– Кел, ёнимга ўтир, маслаҳатли иш чиқиб қолди.

Абу курсига ўтирди.

– Яқинда Кобулдан толибонлар бошлиғининг одамлари келиб, тўрт нафар ишончли тожик йигитларини Туркияга жўнатишни айтишди. Лекин нимага боришларини яширишди. Назаримда улар йигитларимнинг қўли билан қандайдир муҳим ишни бажаришмоқчи.

– Сиз ишончли йигитларни топдингизми? – сўради Абу шошқалоқлик билан.

– Топишга-ку топдим, бироқ улар менга Туркияда қандай ишларни бажариб келишганини айтишмаслигини кўнглим сезиб турибди. Шунинг учун улар ичига ўзимнинг ишончли одамимни киритишим керак.

– Тўғри ўйлабсиз, хўжайин. Менинг фикримча, улар бежиз тожик йигитларини танлашмаган. Бу ерда қандайдир сир бор.

– Қанчалик бош қотирмай, ўша сирга ақлим етмаяпти.

Абу оёқларини тўшак ичига тиқиб олган лашкарбошининг кўзларига тикилди. Мирзааҳмад кўркўвни унутганди. Қўлидаги тўппонча тўшак устида ётар, чироқ нурида дастаси ялтирарди.

– Мен буни биламан, хўжайин, – шивирлади Абу.

– Билсанг, айт!



– Толибонлар тожик йигитларни Туркияга олиб кетамиз деб сизни алдашган.

– Кўнглим сезгандек эди. Хўш, давом эт!

– Далалардаги нашалар йиғиштирилиб, уларга ишлов бериб бўлинган, энди уларни пуллаш керак. Дорини четга фақат Тожикистон орқалигина олиб чиқиш мумкин. Чегарадан ўтказиш учун эса тил биладиган йигитлар керак. Толибонлар бунинг ҳисобини олишган, одамларингизнинг қўли билан каттагина маблағга эга бўлишади.

– Гапинг ҳақ! Кўп нарсаларни ўйлабман-у, мана шу фикр хаёлимга келмабди, Абу. Мен шу ердаги йигитларга бошлиқ эканман, мўмай пулдан қуруқ қолмаслигим керак.

– Талабингиз тўғри, хўжайин. Йигитларингиз бекордан-бекорга уларнинг топширигини бажариши мумкин эмас. Сиз бунга йўл қўйманг, дангал келишиб олинг. Фойданинг маълум қисмини чўзишсин!

– Шунинг учун сени тожик йигитларнинг ичига қўшиб қўймоқчиман.

– Қандоқ бўларкин, хўжайин?

– Биладан, сенга жин ҳам урмайди.

– Одамларингиз қачон йўлга чиқади?

– Куни аниқ эмас, назаримда шу ҳафта охирида жўнашса керак.

– Хўжайин...

Лашкарбоши Абунинг нима демоқчилигини овозидан тушунди.

– Биласан, қурумсоқ эмасман. Содик хизмат қилган йигитларнинг меҳнатини муносиб тақдирлайман. Фақат менга тожик йигитлар қандай топшириқни бажаришгани, қанча пул топишгани ҳақида аниқ маълумот етказиб турсанг бас! Дарвоқе, тожикчани биласанми?

– Тожик маҳаллада катта бўлганман-ку, хўжайин.

– Жуда соз! Унда тайёргарлигингни кўр.  
Топшириқ бўлиши билан жўнайсан!

– Менга рухсатми, хўжайин?

Мирзааҳмад бош ирғиди.

Абу қўлини кўксига қўйди ва эшик томон бурилди.

## ЖАЛОЛОБОД

Устига туя жунидан тўқилган чакмон ташлаган, бошига қалин матодан салла ўраган одам тоғнинг энсиз сўқмоғидан тепалик сари тирмашиб чиқарди. Қўлидаги таёқ бир неча йилдан бери эримай ётган қорга санчилиб, уни йиқилиб тушишдан, мувозанатини йўқотишдан ҳимоя қиларди. Орқасига осиб олган қопчиғи анча вазмин бўлишига қарамай, қоматини тик тутишга уринарди. Ҳаво совуқ. Оғзидан чиққан нафаси оппоқ буғ бўлиб тараларди, оёқлари остида қор гичирларди. Юқорига кўтарилаётганда оёғи кўп бор тойиб ҳам кетди, бироқ тоғларда юришга мосланган ҳарбий ботинкаси остидаги михлар уни сирпаниб кетишдан сақларди. У шошмасдан, эҳтиёткорлик билан қадам ташлар, шу боис йўли унмасди.

Бу Жонс эди. У «Қора маржон» ғорига элтувчи сўқмоқдан тепаликка кўтарилиб борарди. Юқорига чиқишга юз қадамча қолди. Қор қалинлашиб борарди. Бурилишлар хавфли. У бораётган сўқмоқ борган сайин тик ўрларди. Юриш қийинлашди – юқорилаб борган сайин қор баттар қалинлашди. Бундай кулфатга дучор бўлишни хаёлига келтирмаган Жонс ортига эмас, тепага қарашга ҳам қўрқди.

Форга етиб боришига саноқли қадамлар қолганда Жонснинг қўлидаги ҳасса пастга тушиб кетди. У мувозанатини йўқотиб, сирпаниб кетди. Бели тошга урилди. Сирпанчиқ устида ўзини тўхтата олмади. Қўлига ушлайдиган нарса илинмади. Чанада ўтир-

ган одамдек пастга шўнғиб борарди. Қуйида эса ажал уни комига тортиш учун оғзини очиб турарди. Бу ердан тушиб кетгудек бўлса, суяклари парча-парча бўлиб кетишини кўз ўнгига келтирди. Ўлим муқаррарлигини, ҳеч нарса жонига оро кирмаслигини тушунди. У тақдирга тан берди ва «ўлдим» деб кўзларини юмиб олди.

Қутилмаганда мўъжиза рўй берди. Жонсинг оёғи қор остида кўмилиб ётган харсангга урилди ва гўё биров ушлаб қолгандай таққа тўхтади. Устидан тўзиган қор учқунлари учиб ўтди. У кўзларини очиб, омон қолганига амин бўлди, мийиғида кулиб ҳам қўйди. Ўзини ўнглаб, халоскори оддий тош эканини фаҳмлади. Жонс эҳтиёткорлик билан, секин-аста хавфсиз жойга сурилди.

У жуда катта қийинчилик билан тепаликни забт этди. Поча пўстинини тагига тўшаб ўтирди. Қун қайтди. Тоғлар узра тун қора соя ташлади. Жонс жон сақлаши, туннинг аёзида қотиб қолмаслик учун жой топиши лозим. Тоғларда фақат горларгина инсон жонига ора кириши мумкин. Бироқ ўша гор қаерда?

Совуқ изғирин увиллаб турган, қорлар уюми кўмиб ташлаган тепаликда ярим дақиқа ҳам бекор туриб бўлмаслигини, акс ҳолда аёз тарашадек қотириб ташлашини Жонс яхши тушунади. У ўрнидан туриб тошдан-тошга сакрай бошлади. Танасига иссиқлик югурди. Кейин тунайдиган жой ахтарди. Қўллари билан қор уюмларини суриб ташлади. Қорайган тошлар кўринди. Уларни жойидан кўчиришга киришди. Музлаган, бунинг устига бир-бирини босиб турган харсангларни кўчириш осон эмас, балки хатарли ҳам эди. Бирини олсанг, бошқаси қулайди ва сени ҳам ўзига қўшиб одамнинг кўзини тиндирадиган пастликка олиб тушиб кетади.

Жонс эҳтиёткорлик билан яхдек тошларни чангаллаб кўчира бошлади. У қанчалик бақувват бўлмасин, елимдай ёпишиб қолган сангларни қўзғатишга кучи етмай қийналди. Ярим соатдан кўпроқ чиранди. Ниҳоят, гувалакдек тошни жойидан силжитди. У катта харсанглар остидан ажраб чиқди. Жонс уни суғуриб олди-да, пастга ташлади. Кейин эҳтиёткорлик билан бошқаларини кўчиришга киришди. Қолган тошлар энгил ва осонгина суғурилар, Жонснинг қаршисидаги бўшлиқ кенгайиб борарди. Бу жой изғиринлардан, музлик томондан эсаётган қор қуюнларидан сақлаши мумкин эди.

Жонс тинимсиз ишлади. У ичкарига кириб олишга ошиқарди.

Жонс гавдаси сиғадиган даражадаги туйнукни очди. У энкайиб ичкарига кирар экан, фаройиб манзарага дуч келди. Ичкаридан чиқаётган иссиқ ҳовур юзига урилди. Ўра деб ўйлаган жой одам тик турса, айланса бўладиган бўшлиқ бўлиб чиқди. «Бу ғор» деб ўйлади Жонс. «Қачондир одамлар бу ерда яшаган ва кетишдан олдин оғзини тошлар билан тўсиб кетган». Жонс қаддини ростлаб, ёнидан фонарини олиб ёқди. Силлиқ деворларда фонар шуъласи аксланди. Жонс икки қадам юрганда тепада осилиб турган тошлардан бир нечтаси қарсиллаб ерга тушди ва қахрамонимизнинг рўпарасида иккинчи бўшлиқ пайдо бўлди.

Жонс қўрқиб кетди, кўкрагидан биров итаргандай орқага чекинди. Ҳозиргина шодлик ва қувончдан ҳаприкқан юрагига энди қўрқув кўланка ташлади. Бу бўшлиқ кўзига совуқ кўринди. Шундай бўлса-да, у ғорни ташлаб чиқиб кета олмасди. «Совуқда қолиб ўлгандан кўра шу ерда ўлганим афзал» деб ўйлади.

Жонс торгина йўлакдан аста ичкарилади. Ғорнинг адоғи кўринмасди. У шилиниб кетган қўлларидаги

оғриққа аҳамият бермади. Унинг диққат-эътиборини ичкаридаги ғаройиб манзара ўзига жалб қилди.

Ичкаридан оқиб келаётган илиқ ҳаво аллақандай ёт исни димоғига урди. Бу хид ичини ағдар-тўнтар қилди, қусгиси келди, ўқчиди. Бунинг устига, бада-ни қизиди. Кўзи тушган нарсаларнинг бари сирли ҳамда сеҳрлангандек эди. «Бу ерда ибтидоий даврнинг одамлари яшаган», фикр юритишда давом этди Жонс. У беш-олти қадам юрганда фонардан таралаётган ёғду тошдеворга суяниб, милтигини қучоқлаб ўтирган одамга тушди. Шунда Жонс:

– Ё Биби Марям! – дея ҳайқириб юборди ва икки қадам ортга чекинди.

«Ўтирган одам ким?»

Жонс орқага қайтишни истамади. Қизиқиш уни ичкарига тортарди. У харсангни четлаб ўтди. Тош устида милтиқ қучоқлаб ўтирган бояги кимса бирдан ғойиб бўлди.

«Қаёққа кетди? Наҳотки тирик бўлса?»

Жонс юришда давом этди. Тошларга урилиб, қарс-қурс овоз чиқараётган оёқ товуши ҳам унга ваҳимали ва айни чоғда қўрқинчли туюлди. Унинг кўзларига кўринган нарса рўё эмасди. Супа усти бўм-бўш эди. Жонснинг ялтираб турган кўзлари кутилмаганда оёқ остида сочилиб ётган суякларда тўхтади. Икки қадам нарида бош суяк қийшайиб, очилиб қолган жағи орасидан катта-кичик тишлар фонар ёруғида ялтиради. Ёнида ўн тўққизинчи асрда ишлаб чиқарилган пилта милтиқ тошга суялганча турарди. Форнинг оғзи очилганда, ичкарига совуқ шамол оқиб кирганда супада ўтирган одамнинг суяклари сочилиб кетганини Жонс бир оздан кейин тушунди. Супа ёнида сопол кўза турарди. Ичи қумга тўлган. Нарироқда яна икки одамнинг суяклари сочилиб ётибди. Жонс фонар нуруни ўша томонга

тўғрилади. Қовурғалардан ва бош суягидан мурдалардан бирининг ёш бола экани кўриниб турибди. Катта жасаднинг бир тутам узун сочи сақланиб қолган. Чап қўли боланинг қўкрак қафаси устида, афтидан у боласини бағрига босиб жон берган бўлса керак. Уч одам нега айнан ғор ичидан ўлим топди? Ким уларни бу ерга қамаб қўйган?

Жонснинг бесабр нигоҳи тошга бостирилган қоғозга тушди. Араб имлосини ўқиёлмаса-да, ёзувга кўз югуртирди. Сарғайиб, сиёҳлари хира тортиб қолган хатда марҳум васиятини ёзиб қолдирганини кўнгли сизди. Мактубни ўқиёлмаганидан афсусланди, уни эҳтиётлаб чўнтагига солди. «Уйга қайтганимда бирорта одамга ўқитаман», деб ўйлади.

Жонс бу билан чекланиб қолмади. Ичкарига киришга, атроф-теваракни кузатишга бўлган қизиқиш уни олдинга етаклади. Ўн қадамча юргач, қулоғига ғалати товуш чалинди. Тўхтади ва вужудини қулоққа айлантириб овоз келган томонга қараганча ҳайкалдек қотиб қолди. Товуш тобора баландлаб борарди. Бу на қушларнинг, на мусиқанинг, на одамнинг овозига ўхшарди. У бир неча оҳангда тараларди. Шу пайтгача бундай овозни эшитмаган бўлсада, Жонс ўзини йўқотиб қўймади. Қоронғилик қаърига тикилганча тураверди. Товуш сеҳрлаб бораётганини анчадан кейин тушунди. Ўзига келганда атроф саноқли сонияларда ўзгариб, бошқача манзара кашф этгандай туюлди. Ғор торайиб бораётгандай, тошлар уни қисиб қоладигандек эди. Жонс бари бир олдинга юрди. Товуш гоҳ баландлаб, гоҳида сусайиб, гоҳида шўх, баъзида мунгли тус оларди. У шунчаки ҳаваскор эмас, балки ўта моҳир ва истеъдодли созанда томонидан ижро этилаётган куйни ёдга соларди. Нолалар одамни ўзига мафтун айларди. Жонснинг хаёли мана шу оҳанрабога қўшилиб, қанот қоқиб,

парвоз қилди. Қулоғига оқиб кираётган садо ўзидан бошқа инсон бўлмаган зулмат ичида, нафаси қайтиб, нима қилишини билмай турган бир пайтда тамомила сеҳрлаб қўйди. Куйнинг бу қадар жозибали таъсир кучини, қудратини илк бор ҳис этди. Вужудидаги титроқлар, юрагининг тартибсиз уришлари, асабининг таранглашиши босилди. Жонс ям-яшил ўтлоқлар ичида, шарқираб оқаётган сой бўйларида, бири олиб, бири қўйиб қушлар хониш қилаётган чаман оралаб юрганга ўхшади. Бирдан ўзининг қаерда турганини, бу ерга нима мақсадда кирганини эслаб сергак тортди. Бадани ток ургандай жимирлаб кетди. Орқага чекинишни, бу ерни ҳозирок тарк этишни ўйлади. Куй тобора авж олиб, бир маромда қулоқларига оқиб киради. Кўзга қўринмас созанда у билан ёнма-ён юриб бораётгандек эди. Ўзига мафтун этган, сеҳрлаган жозибали мусиқа кутилмаганда фашига тега бошлади. Қўллари билан қулоқларини беркитди. Овоз шундоқ ёнидан, кўзи тушган тошлар орасидан таралаётганга ўхшарди.

Жонс форга кирганига минг пушаймон бўлди. Бу ердаги барча нарсалар унинг кўзига даҳшатли ва қўрқинчли кўринди. Жонс қўйнидан тўппончасини олиб овоз келаётган томонга қарата кетма-кет ўқ узди. Тўппонча учидан учиб чиққан ўқ зулмат бағрини ёриб, ортидан чўгдек из қолдириб бўшлиқ ичра сингиб кетди. Икки дақиқадан сўнг жуда ҳам олислардан акс садо бўлиб қайтди. Қайтганда ҳам даҳшатли қайтди. Ичкаридан худди қудратли танк филдираклари билан тошларни эзиб, янчиб, мажақлаб келаётгандай гурсиллаган товуш эшитилди, шундоқ рўпарасидан бирин-кетин иккита тош қулаб тушди ва унинг ўрнидан камалак рангидаги алангасимон олов ярқ этиб, зулматни ёритиб отилиб чиқди. Жонс

кимирламади. Шунда унинг кўзлари сарғиш шуъла таратиб турган нарсага тушди.

«Нима бу? Нахотки мен фаройиб бойликка дуч келиб қолган бўлсам?» Ҳайратдан қичқириб юбораёзди Жонс.

У секин-асталик билан жисмга яқинлаша бошлади. Шунда фаройиб ҳодиса рўй берди. Олдинга узатган қўллари тоқ ургандек жимирлади. Жонс бунга аҳамият бермади. Бойликка бўлган иштиёқ уни олдинга юришга ундади. Ниҳоят, бармоғини теккизди. Шунда жисм парчаланиб, заррачаларга ажраб юлдузлардек сочилиб кетди. Жонснинг бутун вужуди, бутун фикр-ўйи қўрқувга айланди ва шу қўрқув танасини қарахт қилиб қўйди. Нур жосуснинг кўзи олдидан тўлқин-тўлқин бўлиб ўтиб кетди. У кўзларини юмди, бироқ кечикканди. Бадани ҳеч қандай тафтни ҳис этмаган бўлса-да, кўз қорачиқлари нурдан эриб оқиб тушди.

## ИСТАНБУЛ

Ҳаммаси тонг ёришаётган паллада содир бўлди. Шамол бирдан кучайиб шиддатли тус олди. У оч бўридай увиллади. Ўзи билан аллақерлардан олиб келган чанг-тўзонни денгиз узра тўзитди.

Денгиз гувиллади, тўлқинлар шалоқлади. Ер остида нимадир гумбурлагандек бўлди. Атроф тундек қоронғи. Элиф моторни юргизди.

– Тезда орқага қайтишимиз керак, акс ҳолда тўлқинлар яхтани тўнтариб юборади! – деди бир оз талмовсираб. Қулоқларим унинг овозини тўлқин ва шамол шовқинида зўрға илғади. Бош ирғиб розилигимни билдирдим. Бироқ биз кечиккан эдик.

Бундай об-ҳаво шароитида рулни бошқариш мушкул. Олисдан эни юз метр чамасидаги тўлқин биз то-



мон ёпирилиб келарди. Унинг бўйи ўн метрдан баланд. Бундай кучли тўлқин яхтани гугурт қутисидек учириб, денгиз остига чўктириб юборди. Тўлқиннинг вазоҳатини кўриб эсим оғиб қолаёзди. Тирик қолишимизга умид қилмаса ҳам бўлади. Атрофдаги кемалар, яхталар қачон ғойиб бўлганини билмайман. Улар жўнаб кетганми ёки тўлқинлар остида па-чақланиб кетганмиди?!

Элиф худди тажрибали кема капитанидек абжирлик билан яхтани бошқариб борарди. Тезликни тинимсиз оширарди. Қудратли тўлқин эса изимиздан қувиб келарди. Унинг ўқирган овози гарчи олисдан бўлсада, қулоқларимизга чалиниб турибди. Тўзонли ҳавода соҳил кўринмайди.

Маст одамдек чайқалиб Элифнинг ёнига бордим. Унга ёрдам беришим зарур. Рулни бошқаришга қийналаётганди.

– Чапга булинг! – қулоғим остига оғзини яқинлаштириб қичқирди Элиф.

Иккимизнинг ҳам кийимларимиз шалаббо бўлди. Шу пайт зарбага учраган яхта бир томонга қийшайиб қолди. Рул қўлимиздан чиқиб кетди. Иккимиз анча нарига бориб, орқамиз билан тўсикқа урилиб, йиқилдик. Тезроқ рулни эгаллаш лозим акс ҳолда кема тўлқинларнинг ихтиёрига тушиб қолиб, энг тажрибали капитан ҳам уни бу гирдобдан олиб чиқа олмайди. Биз қўлларимиз билан ерни пайпаслаб ўрнимиздан туришга уриндик. Бироқ тинимсиз чайқалиб турган яхта бунга имкон бермади. Қиз бир амаллаб оёққа турди ва гандираклаб рул томон юрди.

Мен аранг оёққа турдим. Ҳали қаддимни тикла-масимдан сув худди тегирмоннинг новидан тушган-дек устимга тўкилди. Унинг зарбидан яна йиқилдим. Юқоридаги буюмлар шарақлаб ерга тушди ва парчаланиб кетди. Ташқаридан урилган тўлқиннинг

зарбасидан эшик синди, сув ичкарига ёпирилиб кирди. Мен орқага қайтаётган оқимга қўшилиб, полда сирпаниб эшик олдига бориб қолдим. Бахтли тасодиф туфайли биқиним билан темир тўсикқа урилиб, айланиб, эшикка кўндаланг туриб қолдим. Бу билан хавфдан қутулдим деб айта олмасдим. Яхта боягидек кучли зарбага учрайдиган бўлса, ичкарига сув отилиб кирса, мени денгизга улоқтириб ташлаши мумкин. Кутганимдек яхта тўлқин зарбасига учради. Ичкарига сув отилиб кирди ва мени кўтариб, айлан-тириб гавдамни эшикка тўғрилаб қўйди. Мен денгизга отилиб чиқиб кетишим мумкин эди. Кўзим тутқичга тушиб қолди. Жон-жаҳдим билан унга ёпишдим. Бироқ қўлларим нам тортиб, оғирлашиб қолган танамни узоқ ушлаб туrolмади. Бунинг устига, яхта тинимсиз чайқалар, ичим ағдар- тўнтар бўларди. Бу пайтда Элиф рулни эгаллаган ва яхтани ўз измига сола бошлаганди. Қўлларим толиқди. Оғриқ шу даражада кучайдики, тутқични қўйиб юборишдан ўзга чорам қолмади. Лекин юрагимнинг остида шамдай липиллаб турган умид қандайдир мўъжиза рўй беришини кутарди. Денгиз ҳамон кўринмас қўллари билан оёқларимга чанг солиб бағрига тортарди. Ҳаёт билан ажал олишар, бунда кўпроқ ажал тантана қиларди. Бошим узра сув қуйилиб, қўлларимдан мадор кетиб, танам чўзилиб, бармоқларим тутқичдан узилаётган пайтда болам кўз ўнгимда намоён бўлди. Мен сув ичидан унинг ширмон қулчадек лўпиллаган юзини, мунчоқдек қоп-қора кўзларини кўрдим. Унинг шўх қулгилари тўлқиннинг гувиллаши-ю, шамолнинг увиллашини босиб тушгандек бўлди. Ҳа, мен азоб-уқубатлар ичида ўз жигаргўшамнинг сиймосини кўрдим. Бироқ у кутилмаганда ғойиб бўлди.

– Жоним болам, мени кут, албатта олдинга етиб бораман!

Бу юрагимдан отилиб чиққан ҳайқириқ эди. Вужудимда ғайритабиий куч уйғонди. Яна жон-жаҳдим ила типирчиладим. Яхта тўхтовсиз чайқаларди. Бу ерда менга биргина Элиф ёрдам бериши мумкин. У эса чираниб рулни бошқариб борарди.

– Элиф! – кучим борича қичқирдим.

Аммо товушим тўрт қадам нарида турган қизнинг кулоқларига етиб бормади. Тўлқиннинг гувуллаши ва қутурган шамолнинг увиллаши овозимни бошқа томонга олиб кетди. Яна бир бор қизни ёрдамга чақириш учун оғзимни очдим, айна дамда деразадан отилиб кирган сув юзимга урилди ва оғзим сувга тўлди. Гапиролмай қолдим...

Мен янглишган эканман, Элиф овозимни эшитган экан. У олдимга келди. Икки қўллаб мени ичкарига тортиб олди. Хавф бир оз бўлсада чекинди.

«Урушда туриш йўқ» деганларидек, қанчалик холдан тойган бўлишимга қарамай қизга ёрдам беришга ошиқдим. Яхтани яқинлашиб келаётган ҳайбатли тўлқинлар тоғидан олиб қочиш учун бутун кучимизни ишга солдик.

Нихоят, яхта бўшлиқ жойга чиқди. Тўлқин йигирма қадам наридан ўтиб кетди. Унинг шамоли яхтаимизни сўнгги бор бешиқдай чайқалтириб юборди. Шундай қудратли тўлқин остида қолиб кетмаганимизга ишонгим келмасди. Қолаверса, талваса ичида соҳилга яқинлашиб қолганимизни сезмай ҳам қолибмиз.

Кўп ўтмай денгиз бўйида янги ҳаёт бошланди. Одамлар кўриниб қолди. Кемаларнинг қатнови изга тушди. Биз кийимларимизни, тўшакларимизни сим дорга илиб, қуёшда қуритдик. Элиф озик-овқат олиб келиш учун шаҳарга кетди.

Бу орада мен хоналарни қайтадан жиҳозладим. Ўз хонамдан иккита миттигина овоз ёзгич мослама топиб олдим. Бири диваннинг олдинги томонига, иккинчиси

эса тепага ўрнатилганди. Назаримда яхта чайқалганда улар жойидан кўчиб пастга тушиб қолганди. Буларни нима сабабдан менинг хонамга ўрнатишгани тушунарли. Бироқ бундан Элиф беҳабармиди? Ўйлаб-ўйлаб охири қиз бундан беҳабар деган хулосага келдим. Акс холда у кеча кўп нарсалардан огоҳ қилмаган бўларди мени.

Тушдан кейин Элиф қайтиб келди.

– Эртага сиз билан учрашгани Адамас келади, – деди у. – Эҳтиёт бўлиб гаплашишингизни маслаҳат бераман.

Мен бош ирғиб хонамга кириб кетдим.

\* \* \*

Адамас бошлиғи билан телефон орқали боғланди.

– Зудлик билан Бўронни Лондонга жўнатилинг! – топшириқ берди раҳбар.

– Афсуски уни бир-икки ой Истанбулда ушлаб туришимизга тўғри келади, сэр, – жавоб қилди Адамас.

– Сабаб?

– Кенгашнинг барча ҳужжатлари ҳозир Баққолнинг қўлида...

– Сиз ҳужжатларни қўлга киритмоқчимисиз?

Кенгашнинг бир даста қоғозлари бошлиқни мутлақо қизиқтирмаслигини Адамас яхши тушунарди.

– Унинг ишончини қозонишимиз керак, сэр.

– Шу пайтгача ишончини қозона олмаганингиздан ҳайронман, Адамас.

– Баққолнинг ёрдамчиларидан бири яқинда Афғонистондан қайтиб келди, сэр.

Бу хабар раҳбар учун янгилик эди.

– Қандай мақсадда борган экан?

– Толибонлар етакчисининг ишончини қозониш мақсадида, сэр.

– Ким билан учрашгани сизга маълумми? – овозидан бошлиқнинг қизиқиши ортиб бораётгани биллиниб турарди.

– Кашмирий билан, – Адамас енгил тин олди.

– Улар ўртасидаги суҳбатдан хабардор бўлдингизми?

– Шундай!

– Масала нима экан?

– Баққол толибонларга ўн дона «Град» тухфа қилишга ваъда берган.

– У қуролни қаердан олади?

Адамас бу ишда қўли борлигини яширди.

– Яқинда одамларидан бирини Тожикистонга ташлади. У русларнинг ҳарбий базасида юзга яқин шундай қуроллар мавжудлигини аниқлаб келган. Баққолнинг одами ҳозир рус генераллари билан яширин музокара олиб бормоқда.

– У қуролларни чегарадан олиб ўтишига ишонасизми?

– Албатта! Баққол «Град»га катта пул тиккан.

– Бўроннинг бу ишга қандай алоқаси бўлиши мумкин?

– Кашмирий Эргашнинг тўдасидан тоғдаги яширин йўлларни яхши биладиган тожик йигитларидан жўнатишга ваъда берган. Яқин кунлар ичида уларнинг Истанбулга келиши кутилмоқда.

– Баққол бу ишда Бўрондан фойдаланмоқчими?

– Баққол ўзининг барча ишларини Бўроннинг зиммасига юкламоқчи...

– Тушунарли, демак, унга ишонади.

– Шундай, сэр! Уни сизнинг ҳузурингизга жўнатишга шошилмаётганимнинг сабаби шунда.

Бошлиқ паст овозда маслаҳат берди:

– Бўронни кўз қорачиғингиздек асрашни маслаҳат бераман. Унинг барча ҳаракатларидан огоҳ бўлинг. У бизга ҳали кўп керак бўлади.

– Ишончингизни оқлайман, сэр!  
– Сиз у билан учрашдингизми? – сўраб қолди бошлиқ бир оз жимликдан кейин.  
– Ҳозирча қўришганимиз йўқ, сэр.  
– Ҳозир қаерда у?  
– Денгизда дам олмоқда.  
– Баққол билан кўришдимиз?  
– Келганини Баққолга маълум қилганим йўқ, сэр.  
– Сиз тезда Бўрон билан алоқага чиқинг, унга керакли топшириқларни беринг. Шундай вариантлар ишлаб чиқингки, ўзбек ўзининг кейинги ҳаётини сизсиз тасаввур қила олмасин.

– Тушунарли, сэр!  
– Дарвоқе, у назоратдами?  
– Айғоқчиларимиздан бири ҳамроҳлик қилмоқда.  
– Гапингиздан аёл кишига ўхшайди!  
– Адашмадингиз, сэр!

Адамас Бўрон билан бўлиб ўтадиган учрашув ҳақида ўйлаб турган бир пайтда телефон жиринглаб қолди. Қўнғироқ қилаётган Лу эди.

– Сэр, Баққол Бўрон билан учрашишни талаб қилмоқда. Афтидан унинг бу ердалигига ишонмаётганга ўхшайди.

– Айтиб қўйинг, Баққол якшанба куни у билан кўришибгина қолмай, балки унинг ихтиёрига ўтади.

Эртаси куни Адамас Элифга қўнғироқ қилди. Элиф кечаги тўфондан кейин соҳилга етиб келишганини, ҳозир ўзи шаҳарга озиқ-овқат харид қилгани тушганини айтди.

– Мен эртага тушдан кейин олдингизга етиб бораман. Сиз ташрифим ҳақида Бўронни хабардор қилиб қўйсангиз яхши бўларди, – деди мулоим овозда.

Эртаси куни Адамас йўлга чиқди. Машинасини соҳилдан анча нарида қолдириб, чўмилиш кийимида яхта томон тиззасидан сув кечиборди.

Элиф эрталабдан бери Адамаснинг келишини кутди. Кечикаётганидан хавотирга туша бошлади. Кечаги тўфондан кейин у денгизда қолишни истамай қолди. Яхта томон келаётган одамни кўрган-да бу Адамас эканлигини тахмин қилди. Резидент Элифни шу кунга қадар кўрмаган, унинг чехраси Лу кўрсатган сурат орқалигина таниш эди.

Қария палубада турган қиз Элиф эканига ишонч ҳосил қилгач, «мен шу ердан» дегандек қўлини силкитиб қўйди.

Адамас юқорига кўтарилди. Қиз билан саломлашиб ўзини таништирди.

– Бўрон билан кўришсам бўладими?

– Сиз кутаётган одам хонасида дам олмоқда. Чақирайми?

Бир жуфт балиқчи қуш Адамаснинг тепасидан нимадандир безовта бўлгандек чуғурлашиб учиб кетди. Резидент бошини кўтариб қушлар ортидан тикилиб турди-да, кейин қизнинг саволига жавоб қайтарди:

– Дам олаётган бўлса безовта қилманг, хоним. Биз унинг уйғонишини кутамиз.

Адамас яхта қўйруғи олдига қўйилган курсига бориб ўтирди. Денгиз хавоси унинг кайфиятини кўтариб юборди. Яхта энгилгина чайқаларди.

– Қаҳва келтирмайми, сэр!

– Ҳожати йўқ, – қўл силтади Адамас. – Биз гаплашиб олишимиз керак.

Элиф Адамаснинг рўпарасига ўтирди. Қулоғим сизда дегандек унинг кўзларига тикилди.

– Меҳмонни зериктириб қўймадингизми? – сўради Адамас гапни нимадан бошлашни билмай. Унинг гапи тагли ва маънодор эдики, бундан қизнинг юзи кизариб кетди.

– Аксинча, ўзим зерикиб қолдим.

– Меҳмон сизнинг кўнглингизга йўл тополмадими?

– Гап бунда эмас, шунчаки меҳмон жуда одобли йигит экан.

– Ундан бирор янгилик ололдингизми?

– Ўзи ҳақида гапиришни истамади. Келганидан буён ухлайди. Афтидан чарчаган бўлса керак.

– Гапингизга қўшиламан, хоним. У ҳақиқатан ҳам чарчаган. Қолаверса, бундай осуда ҳаётни соғинган...

\* \* \*

Қуёш нури юзимга тушди. Эрталабдан буён телевизорга тикилавериб кўзларим чарчади. Пастга тушиб келаётган Элифнинг оёқ товушларини эшитиб қаддимни қўтардим.

– Сиз билан учрашадиган одам келди, – деди хонамга кириб келган қиз.

– Ҳозир олдига чиқаман!

Кийиниб юқорига қўтарилдим. Курсида ўтирган киши мени кўриб ўрнидан турди.

– Яхши дам оляпсизми, Бўронбей, – у турк тилини бир оз бузиб сўради.

Бу одамнинг турк эмаслигини талаффузи эмас, балки юзи ҳам айтиб турарди.

– Сиз билан кўришганимдан бахтиёрман. Адамас! – у қўлини чўзди.

– Бўрон! – дедим ўзимни таништириб.

Биз танишдик.

– Танишганимдан бахтиёрман. Марҳамат, ўтиринг.

Адамас ёнидаги курсига ишора қилди. Ортида Элиф турарди. Адамас унга нигоҳ ташлади.

– Бизга қаҳва берсангиз, хоним.

Элиф резидентнинг мақсадини тушуниб, бизни холи қолдириш учун ошхонага тушиб кетди.

Адамас мени синчков кўзлари билан зимдан кузатди.



– Денгизда зерикмадингизми? – Адамас маъноли табассум билан менга боқди.

– Очигини айтадиган бўлсам, мириқиб дам олдим.

– Бу кайфиятингиздан билиниб турибди.

– Кўнглимни кўтарганингиздан мамнунман.

Адамас ёнидан букланган газета олиб стол устига қўйди.

– Чеченистондаги автобуснинг портлатилишида Покистон ва Афғонистон ҳукумати сизни айбламоқда. Газеталарда шундай хабарлар босилган.

Газетани қўлимга олдим. Унинг биринчи саҳифасида ёниб кетган автобус ва қорайиб кетган мурдаларнинг расми акс этганди. Остида портлаш ҳақида каттагина мақола ҳам берилган.

– Автобуснинг портлатилишида менинг қўлим йўқ, – дедим.

– Биламан, аммо қандай қилиб буни исботлайсиз? Ахир сиз ўн беш нафар хорижликлар орасида тирик қолган ягона одамсиз.

Мен яхшигина тузоққа тушганимга яна бир бор амин бўлдим. Ҳар қандай уринишларим, ҳаракатларим автобуснинг портлатилиши ва унинг ичидаги ўн беш нафар одамнинг ўлимида айбсиз эканлигимни исботлай олмасди. Кўз ўнгимда қаршимдан чиқиб «автобус миналаштирилган», деб айтган одам жонланди. Бу қазо кейинчалик мени бу юртга жўнатган кимсаларнинг иши эканлигини ва айни чоғда қаршимда ўтирган одам ҳам ана шу террактга бевосита алоқадор эканлиги ойдек равшан бўлиб қолди. Мен ўзимни ўлимга маҳкум этган ва айни чоғда изимга тушган одамларнинг таъқибидан ва беш йилдан буён менга худди олаётган нафасим сингари ҳамроҳ бўлиб юрган ўлимдан қўрқишни хаёлимга келтирмадим. Ҳатто қаршимда турган мана шу кимса ҳам истаган пайтда мени уларнинг қўлига тутиб бериши мумкин

эканлигини ичимдан ҳис этардим. Шу аснода олис юртда қолиб кетган фарзандимни кўз ўнгимга келтирдим. «Унинг тақдири нима бўлади? Кимнинг қўлида қолади? Ота юртига қайтиб ўтадимиз? Ўтган тақдирда ким ҳимоясига олади? Худо кўрсатмасин, вақти келиб, улғайиб, камолга етса, жангариларга қўшилиб, тинч одамларнинг қонини тўкмайдами?»

Дилимдан ўтаётган ўйлар юзимга ғамфинлик соясини ташлаганини Адамас фахмлагандай бўлди.

– Афтидан дилингизни ранжитиб қўядиган хабар олиб келдим чоғи, – деди.

– Аксинча, мени бундай хабарлардан огоҳ қилиб қўйганингиздан мамнунман. Ўзимни эҳтиёт қилиш чорасини кўришим керак. Газетада расмим босилган бўлса, айбқчилар изимга тушишганига аминман.

– Кўп хавотирланаверманг. Бу юртда сизни ҳимоясига оладиган одамлар ҳам бор, – ўз хатосини тузатишга шошилди Адамас.

Қаршимдаги ўзига бино қўйган бу одамнинг денгиз сувидек мовий кўзларига зимдан назар солдим. Унинг кўзларидан кўп нарсани уқиб олиш мумкин. Адамас газетани дабдурустдан кўрсатиб, кичик хатога йўл қўйганини ҳам шу кўзлари фош қилиб турарди. Ахир мен ҳақимда каттагина шов-шувли мақолани босиб чиқарган газета полиция ходимларининг қўлига етиб бориши, кеч бўлса-да, унинг хатёлига келган бўлса ажаб эмас.

– Мен сиз айтган ҳимоячиларни қаердан излайман? – сиримни бой бермаслик мақсадида унга илмоқли савол ташладим. Сухбатдошимнинг чехрасига ёйилган хиёл табассум қон қочган оппоқ юзига қизиллик югурди.

– Улар шу ерда, ҳузурингизда, – жавоб қилди Адамас кўзларини яхтанинг биқинига урилаётган тўлқинлардан узмай.

– Наҳотки бу юртда қочок, қўли қон одамни ўз қанотига оладиган кимсалар топилса?

Адамаснинг кўзлари қисилди, пешонасида чиқиқлар ҳосил бўлди.

– Сиз дунёни фақат шафқатсизликлардан иборат деб ўйласангиз хато қиласиз, азизим.

Унинг мақсадини билишга бўлган қизиқиш тилимдаги кишанни ечиб ташлади.

– Ҳар қандай меҳрибонлик ва раҳмдиллик ортида қандайдир мақсад, манфаат ётади. Сиз назарда тутган одамлар қандай мақсадда мени қанотлари остига олишини билсам бўладими?

– Вақти келиб буни ўзингиз тушуниб етасиз.

Сухбат чоғида Адамас томонидан яратиб берилган бу имкониятдан қўп нарсаларни билиб олишим кераклигини тушуниб етдим ва бир оз қўпол бўлсада, кўнглимга келган саволни бердим:

– Мен кутишни ёқтирмайман. Сиз айтган ишончли дўстларни тезроқ кўришни хоҳлайман. Шундагина ўзимни бу юртда хавф-хатарсиз эканлигимга ишонч ҳосил қиламан!

Адамас мақсадимни тушунди.

– Очигини айтсам, кутганимдек чўрткесар йигит экансиз, – кулди у кўзларимга тикилиб. – Саросимага тушиб қолсангиз керак деб ўйлагандим.

– Менга қандай топшириқларингиз бор?

– Сизга топшириқ беришга ҳақим йўқ. Саломат бўлсангиз бас.

– Ҳар қалай бундай чиройли сўзларни айтиш ва мана бу даҳшатли хабарни олиб келиш учун келмаган бўлсангиз керак, – дедим газетага ишора қилиб.

– Майли, сиз айтганча бўла қолсин, – осонгина таслим бўлди Адамас, – лекин ҳозир айтадиган гапларимни топшириқ эмас, дўстона илтимос ўрнида қабул қилинг!

– Жоним билан, сэр. Сизнинг менга бўлган ишончингиз каминани хавотирлардан йироқлаштиради.

– Сиз билан эрта-индин Баққол исмли одам учрашади.

– Баққол дедингизми? Ким у?

– Шу ерлик ишбилармон, аниқроқ айтсам, мана шу яхтанинг хўжайини.

– Зодагонларга хизмат қилишни жиним суймайди! – афтимни буриштирдим.

– Сўзимни бўлмай қулоқ солинг! – резидент совқитабий ҳаракат билан атрофга кўз югуртирди. Овозидаги мазлум бир оҳангдан, узун ва озгин коматининг ҳаракатларидан Баққолни хаёлимда тасаввур қилишга уриниб кўрдим.

– Илтимосим шуки, сиз мен билан учрашганингизни унга айтмасангиз. Қолаверса, автобуснинг портлаши, сизни ҳимоя қилган йигитлар ҳақида ҳам ҳеч нарса демасангиз.

– Буни бизнинг ўртамиздаги мулоқотга қандай алоқаси бор? – ҳеч нарса тушунмагандек елкамни қисдим.

Адамас менинг жавобимдан мамнунлик ҳиссини туяётганини унинг кўзларидан англадим.

– Алоқаси йўқ, аммо у сизни иш билан таъминлайди. Топшириқларини бажарсангиз, кам бўлмайсиз. Қўлингиздаги паспорт билан шу мамлакатда худди ўз уйингиздагидек бемалол юраверасиз. Кўчаларда полиция тўсганда Баққолнинг хизматида эканлигингизни айтиб қўйсангиз кифоя. Улар сизни ортиқча сўроқ-савол қилиб ўтиришмайди.

Элиф қаҳва келтирди. Адамас яна нимадир демоқчи бўлди, аммо тепамизда пайдо бўлган хонимни кўриб тилини тишлади. Биз қаҳва ичиб ўтирдик. Адамас бу ерда ўзини эркин ва бетакаллуф тутарди. Ярим соатлар ўтиб ўрнидан турди. У

хайрлашиш олдидан яна бир бор бояги гапларини такрорлади. Мен унинг сўзларини жимгина тингладим ва Баққолга ҳеч гап айтмасликка сўз бердим.

– Биз ойнинг охирида холироқ жойда кўришамиз. Мабода мен керак бўлиб қолгудек бўлсам, мана бу рақамларга қўнғироқ қилишингиз мумкин! – Адамас ёнидан телефон рақамлари ёзилган бир энлик қоғозни қўлимга тутқазди. – Ёдлаб олганингиздан кейин ёқиб юборинг!

Адамас темир пиллапоялардан пастга тушди ва сув кечиб келган йўлидан орқага қайтиб кетди. Унинг ортидан қараб қолар эканман, катта ўргимчак тўрига тушиб қолганимни англадим. Салгина бепарво қолсам, бу тўр ичидаги ем бўламан.

Адамас Баққолнинг қўлига бериб қўйган ноғорасига мени ўйнатмоқчи бўлаётгани ойдек равшан эди.

\* \* \*

Хонамнинг эшиги тақиллади, Элифнинг чиройли чехраси кўринди.

– Ҳозиргина хабар қилишди, шаҳарга жўнайди-ган бўлдик.

– Қачон?

– Ташқарида бизни машина кутмоқда! Баққолбей иккимизни тушликка таклиф қилибдилар.

Элиф чиройли кўзларини сузиб, хонамдан чиқиб кетди. Кийиниб тепага кўтарилдим. Ҳаво тиниқ эди, ёқимли эпкин эсарди. Соҳилда оппоқ «Бентли» турарди. Пастга тушган захотимиз машинадан ўрта ёшлардаги хайдовчи тушди ва олдимизга келиб:

– Машинага чиқинглар, сизларни Баққолбей кутмоқдалар, – деди.

Элиф иккимиз «Бентли»га ўтирдик. Машина ғилдираклари нам қумда из қолдириб шаҳар томон елиб кетди. Ярим соатлар ўтиб ҳашаматли бино қаршисида тўхтади. Бу Истанбулнинг машҳур ресторанларидан бири эди.

Ҳайдовчи бизни ичкарига бошлади. Ресторан нимқоронғи эди. Енгил куй тараларди. Ўтирганларнинг кўпи хорижликлар эди. Ҳайдовчи бурчакдаги столга ишора қилиб:

– Баққолбей сизга мунтазирлар, – деди.

Тўрда олтмиш беш ёшлардаги киши ўтирарди. У бизни кўриб ўрнидан турди.

– Хуш келибсизлар, сафо келибсизлар!

Унинг таклифи билан қиз иккимиз юмшоқ курсиларга ўтирдик. Баққолбей деганлари шу экан-да, дедим унга зимдан назар ташлаб.

– Яхши етиб келдингизми, эфендим? – сўради Баққол.

– Ташаккур, – таъзим қилиб жавоб қайтардим.

– Сиз билан учрашишни анчадан буён мақсад қилиб юргандим. Келганингизни эшитиб бағоят мамнун бўлдим.

– Диққатим сизда, бейэфенди.

– Менинг исмим Баққол. Туркиянинг машҳур ишбилармонларидан бириман. Аллоҳга шукур, мана, дийдор кўришдик.

– Танишганимдан мамнунман. Не ажабки, исмингизни эшитмаган эканман.

Баққол бир зум жим қолди. У бармоқлари билан ияги остидаги бир тутам калта соқолини силаб турди-да, кейин Элифга юзланди.

– Қизим, бизни ярим соатга холи қолдирсангиз, – деди ширин такаллуф ила.

Элиф қарияга бошини эгиб, енгил табассум ҳада этди-да, ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетди. Баққол иккимиз танҳо қолдик.

– Бу табиий, – деди бир оздан кейин у. – Маълумингизким, Кенгаш аъзолари сирли равишда бирин-кетин ҳалок бўлди. Амирий жаноблари менинг қўлимда жон бердилар. Ўлимларидан аввал Кенгашнинг барча ҳужжатларини қўлимга топшириб, бундан буёғига ишларни ўзингиз юритасиз деб васият қилдилар. Энг яхши дўстлардан бири сифатида сизнинг номингизни тилга олиб эрдилар. Камина Афғонистонга ўтганимда Башир оғадан сизни сўроқладим. У киши Чеченистонга кетганингизни билдирган эдилар.

Баққолнинг сўзларидан мени бу ерга олиб ўтиш аввалдан режалаштирилганини, автобус атайин портлатилганини тушундим.

– Башир оғанинг вафоти ҳақидаги совуқ хабарни камина Чеченистонда эшитдим. Фоят ачиндим, – дедим унинг сўзларига жавобан.

– Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, Башир барча-мизнинг яқин дўстимиз эди, Бўронбей.

– Сиз у киши билан эски танишмидингиз?

Баққол ўйлашиб қолди. Финжондаги қахвадан ичиб, кейин менга юзланди. Унинг кўзларида саросима зоҳир эди.

– Шундай десак ҳам бўлади. Аммо кейинги олти йил давомида алоқамиз узилиб қолди. Мени кўп бор Кенгаш аъзолигига Башир оға таклиф қилганди. Бироқ Чегечи билан муносабатимиз яхши эмасди.

– Кенгашга янги аъзолар қабул қилдингизми? – сўрадим.

– Нима десам экан, бу масалани сиз билан учрашганимдан кейин биргаликда ҳал этмоқни ўйлаб юргандим.

– Номзодлар борми?

– Бор. Шулардан бири Кашмирий жаноблари.

– Кашмирий жаноблари сизнинг қўлингизда эканлигимни билсалар қандоқ бўларкин?

Баққол ўйланиб қолди. Қаршимда ўтирган бадавлат бу кимсанинг мушоҳада юритишидан, узоқни кўра олмаслигини тушуниб етдим. Ўз таъсириمنى ўтказишим мумкинлигини, агарда унинг ҳар бир сўзига соме бўлиб ўтирсам, кейинчалик тобе бўлиб қолишим равшан эди.

– Агар мен билан ҳаммаслақликда иш юритмоқчи бўлсангиз, Кашмирийни Кенгашга яқинлаштирмаслигингизни маслаҳат бераман, бейэфенди, – дедим ўртага чўккан жимликдан кейин.

– Унда мен ўйлаган режаларимни амалга оширолмаслигим мумкин.

Баққолнинг заиф нуқтасини топиб бўлгандим. Борган сари уни ўзимга ишонтира оладиган тарзда сўзлашда давом этдим.

– Бунинг йўли бор.

– Қулоғим сизда.

– Кашмирийни муллажиринг билан сийласангиз бас. Пулни тукқан онасидан ҳам афзал билади.

– Таклифингизда жон бор, – хаёлчан жавоблади Баққол, – яна бир масалада масалаҳатингиз керак. Афғонистонда бўлганимда мулла Умар ҳазратларига русларнинг «Град» деган қуролидан ўн дона етказиб беришга ваъда бериб келгандим. Ҳозир у мен жўнатадиган қуролга кўз тикиб турибди.

– Қуролни жўнатишингизга нима тўсқинлик қилмоқда? – сўрадим Баққолнинг хомуш тортиб қолганини кўриб. Мавзунинг ўта жиддийлигига қарамай, суҳбатдошим гўё узоқ вақтдан буён кўришмай юрган ёронлар сингари сўзида давом этди:

– Рус ҳарбий бошлиқларига чиқа оладиган одам топиш учун бир ой вақт йўқотдим.



- Жуда қийналибсиз-да.
- Сўраманг...
- Топдингизми?
- Бир танишим ёрдам берди.
- Қойил, у руслар билан учрашган бўлса керак?
- Шундай.
- Жасоратли инсон экан. Бундай одам албатта руснинг тилини топа олишига шубҳам йўқ!
- Жуда катта қийинчилик билан кўндирибди.
- Назаримда уларга анчагина маблағ ҳам сарфлаган бўлсангиз керак?

Сухбатдошим бошини чайқаб:

– Гапирманг, Бўронбей, – деди чуқур хўрсиниб. – Юз миллионга яқин маблағим кетди.

– Йўқотган маблағингизнинг ўрнини тез орада тўлдиришингизга ишонаман, бироқ манаман деган миллиардерлар ҳам мулла Умардек одамнинг ишончини қозона олмайди.

Баққолнинг юзи ёришди. Назаримда мен унинг кўнглига ёруғлик олиб кирадиган гапни топиб айта олгандим.

– Ақлли гап айтдингиз, Бўронбей!

– Агар мулла Умарнинг қўлига сизнинг совғангиз етиб борса, унинг энг ишончли ва содиқ одамига айландим деб ҳисоблайверинг!

– Мақсадим ҳам шу! «Град»ларни мулла Умар қабул қилиб олса, мени ўзининг яқин кишилари қаторида кўради. Бу биринчи масала. Иккинчи масала, мушук ҳам текинга офтобга чиқмайди деганларидек, ундан манфаатдор бўлиш умидим йўқ эмас. Биласиз, афғон далаларида наркотик моддалар керагидан ортиқ етиштирилади. Афғонлар уни кимга сотишни билишмайди. Мен улардан ўша «дори»ларни арзон-гаровга сотиб олмоқчиман. Бу билан сарф

қилган маблағларим икки ҳисса бўлиб ўзимга қайтади. Бу ишларнинг тепасида ўзингиз турасиз!

– Мен қуруқ ишларга аралашишни истамайман, Баққолбей.

Қаршимдаги одамнинг чехраси ёришиб кетди.

– Неки топсак ўртада, – деди суҳбатдошим. – Сиз бугундан эътиборан менинг иш юритувчимсиз. Кенгашнинг барча ҳужжатлари қўлингизда бўлади. Эслатиб қўяй, биринчи галдаги топшириқ чегарадан «Град»ларни олиб ўтиш. Бу ерга келадиган йигитлар билан ўзингиз шуғулланасиз.

– «Град»ларни бу томонга олиб ўтиш ўта хатарли.

– Биламан, шунинг учун ҳам биз яширин йўлларни топишимиз керак. Одамларимдан бирини ўтган ҳафта Кашмирийнинг ҳузурига жўнатгандим. У Эргашнинг лагеридаги тожик йигитлардан тўрттасини юборишга ваъда берибди. Уларнинг келишини кутмоқдаман.

– Мени кечиринг, Баққолбей, – дедим қаршимдаги одамнинг сўзини кесиб, – яна такрор айтаман. Афғонистондаги бошлиқларим мени Чеченистондаги отишма чоғида вафот этган деб ўйлашмоқда. Мен уларнинг кўзига кўринсам, сизнинг ҳаётингизни хатарга қўйишим мумкин.

– Қаричилик, Бўронбей. Сизнинг ақли етук инсон эканлигингизни сезиб турибман. Сизга яна бир сирни очаман. Кенгашнинг фаолиятини ўзим юрита олмайман. Кексайиб қолдим. Агарда қаршилик билдирмасангиз, ҳужжатларни сизнинг қўлингизга топшираман. Шаҳар марказидаги идорам ҳам, иккита янги «Жип» ҳам сизнинг хизматингизда бўлади.

– Ишончингиз учун ташаккур, бейим, – дедим қўлимни қўксимга қўйиб, – аммо арзимас эътирозларим бор.

– Қулоғим сизда, Бўронбей.

– Идорангизда ҳозирча иш бошлай олмайман. Сабаби менинг бу ерга келганимга бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ. Кўпчиликни танимайман. Одамларда шубҳа уйғотиб қўйишим мумкин.

– Ҳақсиз, Бўронбей. Бу ёғини ўйлаб кўриш ҳақидаги фикр менинг кекса бошимга келмабди.

– Кейин Афғонистондан ўтадиган йигитлар ишончлими, йўқми, билишим керак.

– Мен уларни сиз билан учраштираман.

– Кўришим шарт эмас, расмини берсангиз бас. Қолаверса, рус генерали билан учрашган одамингиз билан гаплашиб кўрсам ёмон бўлмасди. Қуроолларни олиб ўтиш мумкин бўлган йўлақларни биргаликда ҳал қилардик.

– Ҳозир у Тожикистонда, мен ҳам унинг келишига кўз тикиб ўтирибман. Келиши билан сизга рўпара қиламан!

Мен қахвадан ҳўпладим. Ўзимнинг дадил гапларим ва фикрларим билан қариянинг қатъиятини синдириб ташлагандим.

– Баққолбей, ҳозир Кенгашнинг ҳисоб рақамида қанча маблағ бор?

Мени анчадан буён қизиқтирган жавобни эшитиш учун қариянинг кўзларига тикилдим. У худди муаллимнинг саволига жавоб тополмаётган мактаб ўқувчисига ўхшаб:

– Балки гапларимга ишонмасиз, Бўронбей, Амирий жанобларидан Кенгаш ҳужжатларини қабул қилиб олаётганимда у киши менга ҳисобварағини ҳам топширдилар. Очиб қарасам атиги юз миллионга етмаган маблағ қолган экан.

– Ҳайрат! – дедим овозимни кўтариб, – олти ой муқаддам Кенгашнинг ҳисоб рақамида бир миллиард борлигини ҳамманинг олдида шахсан Амирийнинг

ўзи маълум қилганди. Шунча маблағнинг изсиз йўқолиши мумкин эмас.

Баққол довдираб қолди.

– Қасам ичиб айтаман, Бўронбей, гапимга ишонинг. Бу маблағлар сиз ўйлаганчалик изсиз йўқолиб кетмаган. Амирийнинг қўлидан чекни олаётганимда у мени махфий сирдан воқиф қилди. – Баққол энгашиб қулоғимга шивирлади, – унинг айтишича, тўққиз юз миллионни қимматбаҳо буюмга айлантриб Афғонистондаги форлардан бирига яшириб келган экан.

– Ким?

– Ишончли одамлари...

– Қандай буюм бўлиши мумкин?

– Буниси ҳозирча менга ҳам номаълум, аммо ҳазратим пулга «кимевий қирғин қуроли сотиб олдик», деб гап тарқатган.

– Тўққиз юз миллионлик буюмни Афғонистонга яширилганидан хабардор бўлган одамлар уни истаган пайтда гуллаб қўйишлари мумкин ёки ўзлари ўғирлаб қочишади.

– Ҳозир улардан бирортаси орамизда йўқ...

– Кашмирий-чи? У ҳам хабардор бўлиши мумкинми?

– Йўқ, буни фақат Башир биларди. Лекин у ҳеч кимга оғиз очмай бу сирни ўзи билан охиратга олиб кетди.

– Сиз яширилган жойни биласизми?

– Чизмаси бор.

– У қўлингиздами?

– Шундай, Бўронбей. Уни ишончли жойга берки-тиб қўйганман.

– Ўша чизмани кўрсам бўладими?

– Албатта кўрсатаман, Бўронбей.

– Чизма ягона нусхада эканлигига ишонасизми?

– Нега ишонмай, ҳазратим Баширға бойликни «Қора маржон»га яширдим деб айтган, аммо у «Туя довон»даги ғорда. Буни сиз-у мен биламиз, холос.

– Уни тезроқ бу ерга олиб ўтиш керак, акс ҳолда...

– Бирортаси топиб олади деб ўйлаяписизми?

– Асло ундай фикрда эмасман, аммо ўзингиз биласиз, Ҳиндикуш тоғларида вақти-вақти билан зилзилалар бўлиб туради. Тоғлардан қор кўчкилари тушади. Улар ғор оғзини беркитиб ташласа, очишга инсон ожизлик қилади.. Бойлигингиз ўша ерда абадий қолиб кетади.

Баққол ўйланиб қолди. Бу ҳақда аввалроқ ўйлаб кўрмаганидан афсусланди.

– Гапингиз ҳақ, Бўронбей. Уни тезда олиб ўтишимиз керак. Бироқ кимни жўнатамиз? Менинг ишончли одамларим йўқ. Балки бу ишни ўзингиз...

– Бейэфенди, ахир боя айтдим-ку!

– Ёдимдан кўтарилибди...

– Тожикистондан ўтадиган йигитлардан бирортасини танлаймиз.

– Негадир уларга ишонгим келмайди.

– Унда ўзингиз боришингизга тўғри келади...

Элиф кириб келди. Сухбатимиз шу ерда бўлинди.

Менинг хаёлимда қандай қилиб бўлмасин чизма-ни қўлга киритиш фикри айланарди.

## АФҒОНИСТОН

Қурол ўқталган одамнинг вазоҳати ҳақиқатан ҳам қўрқинчли ва айни дамда даҳшатли эди. Уни дабдурустдан кўрган ҳар қандай одамнинг юраги сесканиб кетиши ҳеч гап эмас. Пакана бўйли, кўзлари катта. Бу кўзлар унинг бераҳм, шафқатсизлигини билдирарди. Тупроқ ўтириб, асл рангини йўқотган

узун сочлари чигаллашиб бир-бирига ёпишиб кетган. Узун соқоли қисқа нафас олиб кўтарилиб тушаётган кенг кўкрагигача осилиб тушган. Йўғон бўйнини кир мато билан ўраб олган. Учи қизариб, яра босган бурни зўрға кўриниб туради. Кийимларини ҳам қасмоқ босган. Ёввойи одамларга ўхшаб кетарди у.

– Кимсан? – форс тилида сўради у Фафурдан. Овози жисмига ярашмаган тарзда йўғон эди.

– Дарвешман, худонинг бандаси! – жавоб қилди Фафур унинг бадбашара юзига тикилиб тураркан.

Фафурнинг қиёфаси ҳам айни пайтда нотаниш одамниқидан қолишмасди. Пахмоқ соқоли юзини қоплаганди. Кўзлари эса бир жуфт чўғдек ялтираб турарди. Шимининг бир томони тиззасигача йиртилиб қорайиб, шилиниб кетган болдири кўриниб қолганди. Қуролли киши дарвешнинг юзига тикилиб қолди.

– Нега юзимга бунақа бақраясан?

У қовоқ-тумшуғини осилтирди:

– Бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Чарчадим, дам олмоқчиман!

– Қаерликсан?

– Сўроғинг қизиқ бўлди-ку. Замин-у осмон Аллоҳники, мен унинг қули бўлсам, дилимга солган жойга бораман-да!

– Олдимга туш! – буюрди нотаниш кимса Фафурдан ўзини бир оз орқага олиб қочар экан.

– Қаёққа олиб бормоқчисан?

– Бу жойлар эгасининг ҳузурига!

– Қийнама мени, йўл юришга тоқатим йўк... – майсалар устига ёнбошлади Фафур.

Нотаниш бу кимса Жобир исмли қароқчининг шотирларидан эди. Ўтган йили йигитларининг са-

фига қўшиб олган, қўлига қурол тутқазиб қўйганди. Туғилган қишлоғида бу кимсанинг исмини биладиган одамни топиш анқонинг уруғини излаш билан тенг эди. Барча уни бирдек «Телба» деб атарди. Юриш-туриши, гап-сўзлари шундан дарак берарди. Фикрлаш, мулоҳаза қилишни хаёлига келтирмасди. Бироқ бошлиғига садоқати кучли эди. Унинг айтган гапини қонун деб биларди.

Илгарилари кўчаларда юрганда, одамлар орасига кирганда ёш болага ҳам қаттиқ гапирмасди. Ортидан биров қаттиқроқ аксириб юборса қўрқиб, бақириб юборарди. Айниқса, оқшом пайтлари кўчага чиқишга юраги дов бермасди. Жобир йигитлари сафига қўшиб олгач, Телба кутилмаганда барчани ҳайратда қолдирадиган даражада ўзгариб кетди. Бунга Жобир томонидан берилган дастаси йўқ автомат сабаб бўлди. У кеча-ю кундуз худди суюкли ёрини оғушида олиб ётган ошиқдай уни ўзи билан бирга олиб юради. Ётганда бағрига босади, овқатланаётганда ёки ҳожатга чиққанда бўйнига илади. Бўш қолди дегунча мой билан артиб ялтиратиб қўяди.

Жобир Телбага ўзи эгаллаб турган худудни қўриқлашни, бегона одамлар учраса олдига олиб боришни, гапига кирмаган, итоат этмаганларни жазолашни топшириб, бир пайтлар ёнғинда қолиб, дастасининг ярми қуйиб, қорайиб кетган автоматни унинг қўлига тутқазиб қўйганди.

Телба бошлиғи томонидан берилган вазифани садоқат билан, чин кўнгилдан адо этарди. Кеча-ю кундуз бўзчининг моксидек қишлоқни айланиб юришдан чарчамасди. Одамлар орасига кириб бораётганда унинг қадамлари ихтиёрсиз холатда ўзгарарди. Автоматни атайин бир қўлида кўтариб, ўқ жойлашган магазинни юзига босиб оларди. Бу қу-

роли борлигини халққа намойиш қилишга ва айни чоғда уларни ўзига яқин йўлатмасликка ишора эди. Телба ўкни аяб ўтирмасди оёқлари остига отарди. Бундан завқ-шавққа тўлиб шарақлаб куларди. Фалокат босиб, дайди ўқлардан бирортаси шўрликларнинг оёғигами, сонигами тегса, пинагини ҳам бузмай «жазосини олди, баттол» деб қўяди. Шунда ҳам ўша одам Телбанинг айтганини бажармаса, оёғига йиқилмаса, ўлпон тўлашдан бош тортса, тинчитиб қўйишдан тоймасди.

Телбанинг феъл-атворини ҳатто қўшни қишлоқ ва овулдагилар ҳам яхши билишади. У ўз ҳамқишлоқларига яхшиликдан кўра кўпроқ ёмонлик қиларди, ситам ўтказарди. Ўлпон тўламаганларнинг уйига ўт қўйишдан ҳам қайтмасди. Ундан жабрланганлар Телбани нима деб қарғашмади дейсиз. Лекин бу қарғишлардан бирортаси унга пашша чаққанчалик таъсир қилмасди. Аксинча, баттар қутуртирарди. Бойваччалар, пули уйига сифмай ётган судхўрлар, ҳеч кимга гап бермайдиган муттаҳамларнинг куни туғди. Улар Телбанинг тилини топишни жойига қўйишарди. Уни кўришлари биланоқ овқатга, чойга таклиф қилишар, қўлига беш-ўн танга бериб «Жо-бир ҳазратларига бизнинг саломимизни етказинг, у кишининг бахтига сиз омон бўлинг, посбонбоши бўлганингиздан буён бирорта ўғри қишлоғимизга ораламай қўйди» деб хушомад қилишарди.

Телбанинг қўлидаги автомат оддий халқ ичида кўпроқ «тилга» кирарди. Тупроқни эски чориги билан тап-тап босиб, бошини баланд кўтариб, атрофдагиларнинг орасидан ёт кимсани излагандек қўлидаги автоматни силкитиб-силкитиб борарди. Мана шу қурол бир пайтлар қуш пир этса, юраги шув этадиган Телбанинг юрагига шернинг қувватини солди.



Жобирнинг топшириги билан бугун ҳам қишлоқ худудини айланиб чиқди. Чошгоҳ чоғи кўпдан буён қишлоқ оқсоқоли ўрнини эгаллашга кўз тикиб юрган Собир судхўр Телбани меҳмонга таклиф қилиб қолди. Уйига бошлаб кирди. Тагига кўрпача тўшадди. Телба ўзига кўрсатилаётган илтифотдан мамнун бўлиб, автоматини тагига босиб ёнбошлаб олди. Дастурхонга қовурдоқ қўйилди. Таом янги сўйилган қўй гўштидан тайёрланганди. Телбанинг қорни тўйса ҳам кўзи тўймади. Овқат ҳиқилдоғига келгунча еди. Таомдан сўнг судхўр мақсадини айтди:

– Қишлоқ оқсоқоли сиз ҳақингизда яхши фикрда эмас... Ғийбат қилгани қилган.

Телба аввалига донг қотди. Кейин судхўрга қизарган юзини бурди:

– Нима деяпти?!

– Посбонбошидан қуролни тортиб олиш керак деяпти.

Телбанинг феъли айнаиди, қовоғи осилди. У бир пастда тўнини бутунлай тесқари кийиб олди:

– Менинг қуролимни-я?! Йўқ, уни бировга бермайман! Ҳеч ким тортиб ололмайди уни мендан! – деди кўзлари ола-кула бўлиб.

– Бутун қишлоқ аҳли билади, қурол сизники, аммо у ғаламис...

– Ҳозир бориб қорнидан отиб ташлайман ўша ярамасни!

Телба этаги куйгандек типиричилаб қолди. Судхўр унинг елкасидан босди.

– Қизишманг, посбонбоши. Оқсоқол ҳозир қишлоқда эмас. Икки кундан кейин келади.

– Бари бир топаман! – У шахд билан остидаги автоматни қўлига олди. Судхўрнинг юзидан қон қочиб оқариб кетди. Бундай пайтда Телбанинг кўзига ҳеч

нарса кўринмаслигини биларди. Ўйлаганидек бўлди. Посбонбоши автоматнинг учини хонанинг бурчагига тўғрилаб тепкини босиб юборди. Бир нечта ўк деворга санчилди. Токчадаги идишлар синиб тушди.

– Ўша ярамасни ҳамманинг олдида қорнидан отаман! У тил тортмай ўлади! Хо...хо...хо!

Судхўр ялиниб-ёлвориб Телбани зўрға жаҳлидан туширди. Айтган гапидан пушаймон бўлди. Қўйнинг ёғига пиширилган ошни олиб келиб олдига қўйди. Таомни кўриб Телба жаҳлидан тушди.

Судхўр ортган овқатни косага солиб, устига иккита нон босиб, белбоққа туғиб, Телбанинг қўлига тутқазди ва кўчагача кузатиб қўйди. Кўп таом еб қўйганидан посбонбошининг қорни ёрилаёзди.

– Ўша ярамасни ҳамманинг олдида отаман! – бояги сўзини такрорлади Телба кетиш олдида қўлидаги автоматни боши узра кўтариб.

– Фақат бу гап менинг оғзимдан чиққанини зинҳор унга айта кўрманг, посбонбоши! – ортидан кичкириб қолди судхўр.

Телба хансираб зўрға қадам босарди. Еган овқати хиқилдоғида турарди. Шу кетишда тўғри оқсоқолнинг уйига қараб йўл солди. «Ўзи бўлмаса хотини бор, болалари бор, мен уларнинг оёқларига отаман, ҳаммалари ўйинга тушади. Қурол меники, уни ҳеч ким тортиб ололмайди» дея валдираганча, автоматни маҳкам бағрига босиб борарди. Йўлда ҳеч ким учрамади. Унинг ғазаб чақнаган кўзлари анча нарида кетаётган одамга тушди.

«Ким бўлди у?»

Телба нотаниш одамнинг ортидан пойлаб борди. Тасодиф уни Фафур билан шу тарзда учраштирганди.

– Нега иштонини хўллаб қўйган одамдек жойингда тошдек қотиб турибсан? Қани, бўлақол, ол-

димга туш! – деди кекириб Телба. – Мен сени Жобир оғанинг ҳузурига олиб бораман. Нотайин одамлар учун менга янги автомат беришга ваъда берган.

– Менга тегма, худонинг бандаси! Нонинг бўлса ташлаб кет, очман, ҳақингга дуо қиламан!

Телба қўлидаги овқат солинган идишни худди нота-ниш кимса тортиб оладигандек маҳкам қучоқлаб олди.

– Шу пайтгача менинг гапимни ҳеч ким икки қилмаган! Бўл, олдимга туш. Йўқса, қорнингга мана бу ўқни жойлаб қўяман.

Фафурни биров қурол ўқталиб қўрқитолмаган. Ҳар қандай одамни қуролсизлантириш усулларини яхши ўзлаштирган. Ҳозир ҳам ўтирган жойида бир ҳамла билан телбанинг автоматини тортиб олиши мумкин. Бироқ яқин атрофда шериклари бор-йўқлигини аниқ билмайди.

Телбанинг тоқати тоқ бўлди. Қурол отишга шай эди. Тепкини босди. Бир нечта ўқ Фафурнинг оёғи остидаги майсаларни титиб, тупроқни тўзғитиб ташлади. Фафур ўрнидан туриб, чўғ устида тургандек сапчиб:

– Бас қил, худонинг бандаси! – деб қичқирди. Шу баҳона телбага яқинлашди.

Телба оғзини катта очиб кулди.

– Қалайсан? Қани, айтганимни қил, олдимга туш!

– Худонинг қаҳрига учрагур, мени отиб қўйишингга сал қолди-я!

Фафур оқсоқлашиб йўлга тушди. Иккиси анҳор ёқалаб майсалар устидан юриб, қишлоқ томон кетишди.

Фафур ишонч ҳосил қилди: Телба ёлғиз, шериклари йўқ.

У пайт пойлаб ўтирмади. Қулоқларига чалинаётган қадам товушларидан телбанинг изма-из келаётганининг ҳисобини олди. Одимини секинлатиш

лозим эмасди. Айланса бас, темирдек оёқлари телбанинг жағига тегади.

Олдиларидан кўприк чиқди. Шунда Фафурнинг чап оёғи ҳаракатга келди. Телба жағига тушган зарбадан тўнтарилиб тушди. Бир муддат ётган жойида кесакдай қотди. Фафур автоматни, кейин тугунни олди. Косадаги ошни еди. Беш дақиқача ўтиб, телба хушига келди, кўзларини очди. Ўтлар орасини пайпаслаб қуролни ахтарди. Эмаклаганча, атрофни айланди, тополмади. Кўзи нарида ўтирган Фафурга тушди. Автомат унинг қўлида турарди. Телба не қиларини билмай каловланди.

– Қуролимни бер! – деди ниҳоят йиғлагудек бўлиб.

Фафур индамади.

– Қуролимни бер дедим сенга! У меники!

– Саволимга жавоб берсанг, автоматингни оласан!  
– жавоб қайтарди Фафур зорланиб турган Телбага.

– Нимани сўрайсан?

– Жалолободга элтадиган йўлни кўрсат!

– Аввал автоматимни бер. Усиз мен ҳеч қаёққа кетолмайман!

Телбанинг қути ўзгарди. Дайди итдек қўллари билан майсаларни чангаллади. Катта ва ярим тишлари тўкилиб тушган оғзидан сўлаги оқди. Вужуди билинар-билинемас қалтиради.

– Қуролимни бер, анқов! – йиғлаб юборди побонбоши. – Уни олиб қўйсанг қишлоқдагилар мендан кўркишмайди, ҳамма телба деб устимдан кулади, овқат бермайди. Одамлар уриб ўлдиради!

– Жалолободга элтадиган йўлни кўрсат! – такроран сўради Фафур.

– Кўрсатаман, ўзим довонгача кузатиб бораман!

– Тушунтириб қўйсанг бўлди, ўзим кетавераман!

Телба майсалар устига ўтириб олди ва қўли билан қорайиб турган тепаликка ишора қилиб:

– Хув анови довондан ошиб ўтсанг, Жалолобод кўринади. Ораси якин... Энди автоматимни қайтариб бер. У меники... – деди.

Фафур унга қурол нега зарурлигини тушуниб етганди. Йўлга чиқиш мавриди келди. Ўрнидан турди. Телбанинг юраги пўкиллади.

– Хой, дарвеш, қуролимни ташлаб кет! Йўқса, шу ерда отиб ташла!

Фафур тўхтамади. Телба ҳиқиллаб унинг ортидан эргашди. Оғзидан «қуролимни ташлаб кет» деган сўз тушмасди.

Фафурнинг Телбага раҳми келди. Тўхтади, унга тикилди. Кейин қўлидаги автоматни сувга ташлаб юборди-да, йўлида давом этди.

Телба сувга тикилганча турган жойида гир айла-ниб, «қуролим» деб бўзлади. Унинг борлигини тамомила бошқача ҳаяжон қоплаган эди. У ҳамон анҳор ёқасида гир-гир югуриб сувга тушиб кетган автоматини олиб чиқишни ўйлар, жазаваси тутиб йиғлар, қалтирар эди. Бирдан кийимларини ҳам ечмасдан ўзини сувга отди. Анҳор чуқур эмас. Телбанинг бўйнидан келарди, лекин суви совуқ, пишқириб оқади. Телба оёқлари билан қуролни ахтарди. Бироқ оёқларига ҳеч нарса урилмади.

Сув ичида узоқ қолиб кетди. Совуқ баданини чаёндек чақди. Ҳамон хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди. Телбанинг болаликда орттирган тутқаноқ дарди бўлиб, гоҳи-гоҳида қўзиб қолади. Айнан бу дард совуқда ва сувда хуруж қилиб қоларди. Ҳозир ҳам вужуди қалтираб, пайлари тортиша бошлади. Шунда ҳам у сув ичидан чиқишни хаёлига келтирмади. «Қуролим қаерда? Усиз мен қишлоққа қайтиб бо-

ролмаймаман, одамлар телба деб мени масхара қилади. Ҳеч ким айтганимни қилмайди, биров овқат бермайди. Очимдан шишиб ўламан...» деб, автоматни ахтараверди. Бирдан оёқлари билан автоматни босиб олганини сезди. Телба қичқириб юборди.

– Топдим! Топдим!

У сув остига шўнғиди, адашмаганди. Автоматни олиб чиқди ва боши узра баланд кўтариб овозининг борича аста-секин қоронғилик қаърида кўзга кўринмай бораётган Фафурнинг ортидан «Топдим! Топдим!» дея қичқирди. Бироқ унинг овозини кетиб бораётган йигит эшитмади.

Икки қўли билан автоматни бошидан баланд кўтариб олган Телба тўши билан оқин сувни ёриб қирғоқ томон юрди. Кутилмаганда боши айланди, кўзи тинди. Оғзидан кўпик келди. Бадани қалтирай бошлади. У на юришни, на қўлидаги автоматни сохилга улоқтиришни билмай туриб қолди. Сувдан чиқиб олишга ҳали имкон бор эди. Қўл чўзса, қўллари тизза бўйи ўтларга етарди. Уларга тирмашиб тепага чиқиб олиши мумкин. Бунинг учун икки қўли билан маҳкам чангаллаб олган автоматни ташлаб юбориши керак. Телба буни истамади. Кимдир пойлаб тургандек, уни олиб қочиб кетадигандек эди. Тутқаноқ яна хуруж қилди. Телба карахт бўла бошлади. Шунда ҳам қуролни ташламади. Бирдан ер осмонга, осмон эса ерга тушиб кетгандек бўлди. «Қурол меники. Ҳеч кимга бермайман, усиз мен ҳеч ким эмасман, очимдан шишиб ўламан» деган сўзлар қотиб бораётган тишлари орасидан сирғалиб чиқди. Посбонбошининг сўнгги сўзи бўлди бу. Оқим уни домига тортиб оқизиб кетди...

Фафур тонг ёришмай Жалолободга етиб келди. Ярим тунда портлаган бомба бир нечта уйларни вайрон қилган. Шаҳар бу кеча ҳам оромини йўқотган. Ёниб қулга айланган уйлардан қўкка қора тутун ўрларди. Осмонни ачимсиқ хид тутганди. Қўли эгри кимсаларнинг куни туққанди. Улар кўчада изғиб юришарди. Бозорларни, дўконларни талашарди.

Фафур бундай шароитда шаҳарга кириб боролмасди. Овоқ жойларда, одамларнинг кўзига кўринмай, тонг отишини кутиш лозим. Топшириқ ҳали аниқ эмас эди. Маҳмудов «Жалолободга борганингиздан кейин сиз билан боғланамиз», деб айтган. Шаҳарга келгани ҳақида уни хабардор қилиш керак. Мўлжалдагидан икки-уч кун кечикди. Полковник унинг қўнғироғини кутаётган бўлиши керак. Бунинг учун қўл телефони сотиб олиш керак.

Фафур толиққанди. Тонг отишига камида икки соат бор. У чала қурилган вайрона бино ичига кирди. Шу ер тинчдек туюлди унга. «Бир оз мизғиб олсам руҳим тетиклашади» деб ўйлади. У бошини гиштга қўйиб, тупроқ устига ёнбошлади. Кун ёйилганда уйғонди. Олдида турган пакетга кўзи тушди.

«Нима бу?»

У пакетни ҳушёрлик билан очди. Ичидан бир дона қўл телефони чиқди. «Ким ташлаб кетган бўлиши мумкин? Унинг Жалолободга келишидан фақат Маҳмудов хабардор эди. Бу унинг одамларининг иши. Наҳотки изма-из кузатиб келаётган бўлишса? Бу ишончсизликнинг белгисими?»

Фафур Маҳмудовнинг телефон рақамларини терди. Узоқ чалинган гудокдан кейин полковникнинг овози эшитилди.

– Мен шаҳарга етиб келдим!

– Овозингизни эшитганимдан хурсандман!

– Топширифингизни кутяпман!

– Икки кун бурун Бурхониддиннинг одамлари Жавлонни номаълум томонга олиб кетишган. Биздаги маълумотларга қараганда, уни хорижга жўнатиб юборишган.

– Энди орқага қайтишим керакми? – аччиқланиб сўради Фафур.

– Аксинча, иккинчи топшириқни бажарасиз. Тоҳардан (Жалолобод вилоятининг маркази) жануб томон юрасиз. Кўҳихун қишлоғи бор. Ундан йигирма чақирим наридаги тепаликка кўтариласиз. У ерда асосан қароқчилар яшайди. Ўша ерда ўнлаб ғорлар мавжуд. Уларнинг ичида «Қора маржон» деб номланган ғорни топасиз. Биздаги маълумотларга қараганда, Амирий хориждан сотиб олган кимёвий қирғин қуролларини шу ерга беркитган. Бундан фақат Баққол хабардор бўлган деб ўйлардик. Кашмирий ҳам хабар топган. У бу ҳақда инглизларга гуллаб қўйган. Қуролнинг изига улар ҳам тушган. Ҳозир ғорга етиб борган бўлишлари ҳам мумкин. Топшириқ: қуролни топиш, зарарсизлантириш. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни Амирий ёки инглизларнинг қўлига тушиб қолишига йўл қўймаслик. Кўҳихундан алоқага чиқиб бўлмайди. Бораётган йўлингизда ҳар юз қадамда катта тошларга кичкинагина чизикча чизиб қўйинг. Саволлар борми?

– Тушунарли!

Фафур зиммасига оғир ҳамда масъулиятли топшириқ юкланганини яхши тушунади. Ярим ёввойи қабила яшайдиган қишлоққа бориб ғорни, кейин қуролни топиши керак. Бу осон иш эмаслигини Фафур яхши билади. Кўҳихун қишлоғида бўлмаган, аммо у ерда яшайдиган одамлар ҳақида,



уларнинг гўштини ейишари тўғрисидаги гап-сўзлар қулоғига чалинган.

Ғафур бир неча кун тоғ-у тошлар сахро-ю даштларни кезиб, очлик азобини бошидан кечириб зўрға манзилга етиб келди. Сел, тошлар кўчкиси, тўфон, илон ва бўрилар чангалидан омон қолди. «Қора маржон» ғорига бориш ўша қулфатлардан беш баттарлигини сезиб турибди. Тангрига қилган илтижолари ижобат бўлди. Яратганнинг синовидан ўтди. Қилган жамики гуноҳлари афв этилганини англади. Самолётнинг ичида зор-зор йиғлаб, «қолган умримни яхшилиққа, эзгуликка, тинчлик йўлига бахшида этаман» деб онт ичди. Ўша қасами ҳозир қулоқлари остида яна бир бор жаранглади.

Ҳар қандай нарсанинг яхши-ёмон томони бўлганидек, айти чоғда Ғафурнинг кўнглига туман миноси ёмон ўйлар ёпирилиб кира бошлади. Қулоғига кимнингдир иссиқ нафаси урилди. У паст овозда шивирлади: «Бас, у томонларга бора кўрма, у ерда сени ўлим кутмоқда. Шу ерда қол. Дунёга азоб-уқубат чеккани келмагансан. Роҳат ва фароғатли кунлар энди бошланади. Бошлигинга йўлдан адашдим, ғорни тополмадим десанг вассалом, сўзингга ишонади. Акс ҳолда йўлда итдек ўлиб кетасан. Жасадингни қарға-ю зовлар талаш қилади. Қайт... қайт»...

Насихат қилган зот ким бўлди? Нахотки шу ерларда унинг жон азобида қийналганини, ажал оғзидан қайтганини билган, кўрган, муҳими унинг жонига ачинадиган меҳрибон бўлса? Бу гаплар Ғафурнинг нафақат қулоғига, балки вужудига ором берди. Танаси яйрагандек бўлди. Бошини тошга қўйиб ухламоқчи бўлди. Бирдан хаёлига Телба келди. Кўзлари мошдек очилди. Чўчиб тушди. «Аллоҳ кўрсатмасин, бундай қирғин қуроллари мабодо ўшанга ўхшаганларнинг қўлига тушиб қолса борми, обрў бир бурда

нон деб оламга ўт қўйишдан, ер юзидаги инсониятни кириб ташлашдан қайтмайди».

– Йўқ! – деди Фафур овозини чиқариб, – энди мен йўлимдан қайтмайман!

Фафурнинг вужудида ғайритабиий куч уйғонди. У ўрнидан турди ва жаҳд ила Кўҳихун қишлоғи томон йўл олди.

\* \* \*

Адамас Лондондан махсус топшириқ олди.

– Биз яқинда Жонсни махсус топшириқ билан Кўҳихун тоғига ташладик. Бироқ ундан шу кунга қадар дарак йўқ. Сиз зудлик билан ўз ходимларингиздан бирини у ерга жўнатиш. Жонсга нима бўлганини аниқласин. Агар жангарилар қўлига асир тушган бўлса, уни қутқариш йўллари излаб топсин.

– Координатани маълум қилинг, сэр!

Лондондагилар Жонс юриши керак бўлган барча йўллارни тушунтиришди. Кейин унинг қандай мақсадда борганини ҳам айтишди:

– Қийинчиликка дуч келган тақдирда Жалолободга борсин ва Бурҳониддин билан учрашсин.

– Хотиржам бўлинг, сэр, – деди бунга жавобан Адамас, – мен эртагаёқ ходимларимдан бирини Тохарга юбораман. У топшириқни албатта, бажаради!

Адамас топшириқни олган заҳоти «Тохарга кимни жўнатиш мумкин?» деган савол устида узоқ бош қотирди. Резидентнинг қўл остида олти нафар ходим бўлиб, уларнинг барчаси форс ва пуштун тилларидан яхши хабардор бўлиб қолмай, балки қайсидир жиҳатлари билан маҳаллий халққа ўхшаб кетадиган йигитлар эди. Адамас улар орасидан Луни танлаб олди.

Лу Адамаснинг яқин ёрдамчиси ва ишончли ходими бўлса-да, Баққолнинг ҳамёнидан ўн милли-

он долларини усталик билан суғуриб олиб унинг қўлига топширганидан кейин «Қачондир оғзидан гуллаб қўяди» деб шубҳаланиб юрарди. Боз устига, Мустафони денгиз сафарига олиб чиқиш тўғрисида берган топшириғи ҳам шу кунга қадар бажарилмади. Лу эса ҳозиргача ўз бошлиғига қорасини кўрсатмай юрибди. Очиғи, Лу Мустафонинг қони билан қўлини бўяшни истамади. Иккиси биргаликда икки йилдан кўпроқ ишлашди. Муҳим маълумотларни айнан ундан олиб турди. Унвонининг муддатидан олдин ошишида ҳам айнан Мустафодан олган маълумотлар асқотди. Иккисининг ўртасида ишдан ташқари дўстлик муносабати ҳам кучли эди.

Бир гал денгиз сафарига чиқишганда Луни сувга фарқ бўлишдан асраб қолган. Жонига оро кирган бундай одамнинг кўзига боқиб, денгизга чўктириб бўладими? Ўлим олдидан Мустафо унинг кўзларига боқишга куч топа олади, аммо Лу бунга бардош бера олармикин? Лу халоскорини қочириб юборишга қарор қилди. Бу ҳақда учрашганларида таваккал қилиб унга очилди:

– Зудлик билан бу ердан кетишинг керак!

Мустафо сабабини сўраб ўтирмади. Кўнгли қандайдир ёмонлик рўй беришини сезди.

– Шунчалик тезми? – сўради кўзларида хавотир акс этган Мустафо.

– Яшашни истасанг шошил!

– Бир умргами?

– Камида икки йилга! Кейин сени ўзим топиб оламан!

Мустафо бошқа савол бермади. Ўша кеча ўз уйида илк бор хавотирга кўмилиб, ёстиғининг остига болта қўйиб ётди. Назарида кимдир уйқусини пойлаб эшик ортида тургандек, кўзи илинган заҳоти ич-

карига бостириб ўлдириб кетадигандек туюлаверди. Тонг ёришар чоғида болалиги кечган, деворларида ота-онасининг қўл излари қолган кулбасини тарк этиб, бошқа шаҳарга жўнаб кетди.

Лу қачондир бошлиғи чақириб «топширик нима бўлди» деб сўрайдиган бўлса, Мустафонинг бедарак йўқолганини айтаман деб ўйлаб юрган кунларнинг бирида Адамас телефон қилди.

– Тезда ҳузуримга етиб келинг! – буюрди Адамас гапни қисқа қилиб.

У йўлга чиқди. Ярим соат ичида бошлиғининг рўпарасида турарди.

– Кобулга жўнайсиз! – деди Адамас эътирозга ўрин қолдирмай.

Таклиф Луга худди бошидан совуқ сув қўйгандек таъсир қилди. У Афғонистонга жўнатишларини ҳеч қачон кутмаган ва буни истамасди ҳам.

– Сэр...

– Бу марказнинг топшириғи.

Лунинг тили айланмай қолди. Адамас ходимига керакли топшириқларни берди. Айтилган манзилга қандай етиб боришни тушунтирди.

– Мен кимёвий қуроллар билан ишламаганман, сэр.

– Сизнинг вазифангиз қуролни топиш. Қолган ишни сиздан кейин борадиган одамларимиз бажаришади.

– Сэр, мени кечиринг. Савол берсам бўладими?

– Албатта!

– Нега айнан Амирий пойтахтдан бир неча юз чақирим олисдаги Ҳиндикуш тоғларига тутшиб кетган қишлоқдаги ғорга кимёвий қуролларни яширган, деб ўйлайсиз?

– Саволингиз ўринли, азизим. Сизга мен энди очигини айта қолай. Сиз борадиган ғорга Амирий

кимёвий қурол яширганига раҳбарлар шубҳа билан қарашмоқда. Улар одамларимизни айнан шундай қуролларни ишлаб чиқарадиган мамлакатларнинг барчасига ташлашди. Айғоқчиларимиздан ишончли маълумотларни тўплдик. Улар биз шубҳаланган мамлакатлардан кимёвий қурол олиб чиқиб кетилмагани ҳақида ишончли маълумотларни жўнатишди. Демак, Амирий Баққолга кимёвий қуролларни яширдим деб сўз ўйини қилган. У Кенгашнинг қачондир бўладиган йиғилишида айнан шу ҳақда гапириши мумкин. Унда қатнашадиган одамлар орасида ғорга қурол эмас, катта миқдорда маблағ беркитилганлигини тушунадиган одам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Амирийни кимёвий қуроллар қизиқтирмаган. Шундай бўлгач, у Кенгашга тегишли бўлган тўққиз юз миллион маблағни мана шу ғорга яшириб қўйган.

– Нега Амирий Кенгашга тегишли бўлган маблағларни айнан Афғонистонга олиб ўтиб яширган, деб ўйлайсиз, сэр? – сўради Лу. – Ахир у бойликларни бошқа давлатларда, айтайлик, ўз юртида сақлаши ҳам мумкин эди-ку. Тўққиз юз миллионни беркитадиган тешик топиларди.

– Ҳақсиз, Лу, – деди Адамас бармоқлари билан иягини силаб. – Биринчидан, Амирий Дохада келгинди. Истаган пайтда бирор айб билан ёки унинг Афғонистондан наркотик моддаларни яширинча дунёнинг қора бозорларига олиб чиқиб сотаётган исботланса, мамлакатдан бадарға қилишлари тайин. Бу уларнинг қонунида зикр этилган. Модомики, шундай ҳол содир бўлса, Амирий қайси мамлакатдан паноҳ топади? Албатта, у Афғонистонга қочади. Буни ўзи ҳам яхши билган. Башир билан муносабатининг яхшилигига сабаб ҳам шу. Бундан ташқари, у наркотик моддалардан оқиб келаётган маблағнинг

маълум қисмини толибонлар бошлиғига пора тариқасида бериб турган. Умарнинг шу пайтгача қўллаб келиши сабаби шу. Айнан Кўҳихун қишлоғидаги одам кирмайдиган ва маҳаллий халқ томонидан илоҳийлаштирилган ғорнинг танланишига сабаб эса уруш бўлаётган жойлардан йироқдалиги. Қишлоқ одамлари ярим ёввойи. Уларни бойлик мутлақо қизиқтирмайди. Тирикчилиги ўтса бас.

– Амирийнинг ғор ичидаги бойлиги Кашмирийнинг қулоғига етиб борган бўлса, улар аллақачон ғорни тинтиб чиқишгандир!

– Гапингизга қўшилмайман, Лу. Бизнинг ютуғимиз шундаки, Кашмирийга қурол қайси ғорга яширилганлиги маълум эмас. Боя айтганимдек, бу қишлоқ Хиндикуш тоғларига тутшиб кетган. Ҳар қандамда катта-кичик ғорлар учрайди.

– Сэр, – деди Лу юрагига умид бахш этувчи саволлар хаёлига келганидан хурсанд бўлиб. – Саволим ўринсиз бўлса узр сўрайман...

– Сўрайверинг Лу, мен иш юзасидан бериладиган ҳар қандай саволга жавоб қайтаришга тайёрман.

– Мабодо мен ғорни топсам-у, у ерда ҳақиқатан ҳам кимёвий қурол чиқиб қолса-чи?

– Бу янада соз бўлади! Одамларимизни зудлик билан у ерга жўнатаман. Қуролни топган заҳотимиз мулла Умарни хабардор қиламиз. Бу унинг душманлари томонидан толибонларга қарши курашаётган кучларга етказиб бериш учун тайёрлаб қўйилган қурол эканлигини таъкидлаймиз. Кўриб турибсизки бу билан мулла Умар олдида ўзимизнинг мавқеимизни янада ошириб оламиз. Мулла Умарнинг ҳам халқаро майдондаги обрўи ошади. Агар ҳақиқатан ҳам биз ўйлаганимиздек маблағ бўлиб чиқса, кейинги ҳаётимиз қандай кечишини кўз олдингизга келтираверинг.

Лу бошлиғининг фикрини ўзгартира олмаслигини тушунди ва чуқур ўйга толди. Унинг кўз ўнгидан тоғ-у тошлар, йўлдаги азоб-уқубатлар ўтди...

– Қўлга тушиб қолишим мумкин, сэр, – унинг овозида титроқ бор эди.

– Ҳамиша ҳимоямиздасиз, биз сизни кузатиб турамыз.

Адамаснинг гапи Лунинг қалтираётган юрагига қувват бўлди.

– Қачон йўлга чиқишим керак? – паст овозда сўради умидлари саробга айланаётган Лу.

– Индинга Покистонга самолёт бўлади, сиз учун чипта буюртириб қўйганман. У ердан Пешоварга ўтасиз. Пешовардан эса Кўҳихунгача яёв юрасиз. У ерга машинада бориб бўлмайди. Қишлоқ тоғнинг тепасида жойлашган.

– Жўнаш олдидан ўзимнинг баъзи ишларимни бажариб олишимизга рухсат берарсиз, сэр?

– Лу, бизнинг ишимизда бўш пайтнинг ўзи бўлмайди. Сиз ҳозироқ Баққолнинг олдига бориб, у билан суҳбатлашишингиз керак.

– Қандай мавзуда?

– Унга юртингизга жўнаб кетаётганингизни маълум қилинг. Рус ҳарбийлари билан алоқага чиқадиغان ишончли одам топилганини айтасиз ва унинг телефон рақамларини берасиз.

– Сиз айтган ишончли одам топилгани йўқ-ку, сэр?

– Уни аллақачон топиб қўйганман, азизим. – Адамас ёнидан телефон рақамлари ёзилган қоғозни олиб Лунинг қўлига тутқазди. – Бу қоғозни Баққолга беринг. Ўзи унга телефон қилса, ўша пайтнинг ўзидаёқ туркнинг ҳузурида бўлади.

Лу қоғозни қўлига олди ва ўрnidан турди. Унинг кетадиган пайти бўлганди.

## ЮРТДА

Полковник ходим келтирган ахборотларни диққат билан эшитди. Қабрни бузганлар жасадни тобутга жойлаётганда қимматбаҳо буюмларними ёки наркотик моддаларними яшириб қўйишган ва қачондир келиб, уни олиб кетишни режалаштирганини тушунди. Демак, тобутнинг ичи қуруқ эмас, унинг ичида жасад бўлган. Ёнилғи олиб келиш мақсадида йўлга чиққан аскарларнинг шахси маълум. Ўлганлар ҳамда асир олинганларнинг шахси махсус комиссия томонидан ўрганилган. Уларнинг янглишиши мумкин эмас. Тобутлар муҳрланган ва рақамланган. Ҳар бири кузатувчилар ҳамроҳлигида манзилига жўнатилган. Мудофаа вазирлигидан берилган маълумотномада жангда ҳалок бўлган аскарлардан иккитасининг тобутини очишга рухсат берилмаган. Сабаби махфий ҳужжатларга ёзиб қўйилган. Шундай бўлгач, Қодирнинг жасадини темир тобутда олиб келган. Ҳарбийларнинг айтишига қараганда, у турган жойга снаряд тушган. Аскарнинг танаси бўлакларга ажралиб кетган. Тобутни очишга рухсат беришмаганига сабаб шу.

Қодирнинг ўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қилган полковник жангарилар томонидан жўнатилган расмларнинг сохта эмаслигини инкор этишга асос топа олмай боши қотди. Расм Баҳодирхонни қўрқитиш йўли билан бойлигини тортиб олиш мақсадида юборилган бўлиши табиий. Уни сўнгги бор кўрган Фафур ҳам суратдаги йигитнинг Қодир эканлигига шубҳа қилмоқда. «Юзида тиртиқ бўлмаган». Жангарилар пул ишлаш мақсадида ўхшаш қиёфалардан устомонлик билан фойдаланишган». Полковникнинг кўнглидаги шубҳа Қодирнинг ўрта мактабни битириш чоғида олинган сурати билан



армияга чақирилиш арафасида тушган суратини таққослаш асносида пайдо бўлди. Бу кўпроқ юз қисмидаги белгиларда эди. Экспертларнинг маълум қилишича, бурун остки қисмининг кенгайганлиги, кўзларининг хиёл қисилганлиги аввалги суратларга таққослаганда фарқ қилди. Шундай бўлса-да, мутахассислар Афғонистондан келган суратни қалбаки деб аниқ айтолмай, «Йилларнинг изи, организмдаги ўзгаришлар, у ернинг об-ҳавоси, иқлими, истеъмом қилган озиқ-овқатлар, тинимсиз эсиб турадиган гармсел натижасида бўлиши мумкин», дейишди холос. Бироқ Зулайҳо-чи? Нега жонига қасд қилди? Севгилиси ўлгандан кейин бошқа йигитга турмушга чиқиб кетиши мумкин эди-ку? Ҳаётда бундай воқеалар кўп. Оддий қишлоқ қизи қирқ икки кун қаерда ва ким билан қолган? Ҳомиланинг отаси ким? Қўлидаги қимматбаҳо узук ким томонидан тухфа қилинган? Севган йигитига хиёнат эвазига тақилдими бармоқларига? Яқин атрофда бўлганида кимдир кўрган ва билган бўларди. Капитан айтмоқчи, у олисга кетган бўлса-чи? Қишлоғидан четда яқинлари йўқ. Беқарор ошиқнинг қўлига тушиб, унга эргашиб кетганда, ўша томонларда қолиб, қайтиб келмаган бўларди. Бўлиб ўтган кўнгилхушлик эвазига ошиқнинг ўн миллион сўмлик узук совға қилиши ақлга сифмайди. Ёки узук сохтами? Бриллиантнинг тозалигига ким кафолат беради? Дарвоқе, экспертиза Қодирнинг сурати 1990 йилларда олинган деб хулоса берди. Зулайҳо эса айнан шу йилнинг эрта баҳорида уйдан чиқиб кетган. Улар учрашмадимикин? Учрашган бўлса қаерда?

Бу икки савол полковникни анча ҳушёр торттирди.

Чувалашиб бораётган ўйлардан бошининг икки чеккасида турган санчиқли оғриқдан безовта бўлган

Маҳмудов охири берк кўчага кириб қолганини англади. У жавоби топилмайдиган ўйларни хаёлидан қувишга уринди-ю, бироқ «Сурат 1990 йилда олинган, Зулайхо эса айнан шу йилнинг эрта баҳорида ўйдан чиқиб кетган» деган фикрдан қутула олмади.

Кутилмаганда полковникнинг хаёлига келган савол тили учуда кўп айланди. Ҳамиша фаразни ва шу фараз атрофида топиладиган ҳақиқатларни яхши кўрадиган Маҳмудов энди савол гирдобига фарқ бўлди. «Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса-чи? Унда ошиқлар қаерда учрашган? Кимдир уларнинг учрашувидан огоҳ бўлиши керак». Полковник дилидан ўтказаетган фикрлар ўзига бачкана бўлиб туюлди. Полковник хаёлан йигит билан қизни учраштириб қўйганидан хижолат ҳам бўлди. Одамнинг миясига нималар келмайди деб дилидан ўтказди.

Полковникнинг кўнглидан кечаётган ўйлардан беҳабар ходим:

– Қабрни очишимизга тўғри келади. Шунда бошимизни қотираётган саволларга жавоб топилади, – деган таклифни ўртага ташлади.

– Тобутда Қодирнинг жасади бўлса-чи?

– Унда биз текширишларга нуқта қўямиз.

Ҳужжатларни архивга ташлаймиз.

– Борди-ю, жасад бўлмаса-чи?

– Унда Қодир тирик!

– Ҳамма гап шунда. Агар тирик бўлса, унинг қаерда ва кимлар билан юрганини аниқлашимиз керак. Топмагунча тинчимаймиз.

– Бизда қабрнинг очилганини тасдиқловчи гувоҳлар бор.

– Гувоҳлардан бири жасадни эмас, тобутни кўрган. У қабр очилганига ва кўмганига гувоҳлик беради. Иккинчиси қабр бошига келган кимсаларни кўр-

ган. Зайтуллаев қабр ичидан нима олиб кетилганини билмайди.

– Прокурор эксгумация ўтказишга санкция беришга қаршилиқ кўрсатмас, – полковникнинг мақсадини тушунмай сўради ходим.

– Санкция олиш мумкиндир, бироқ раис розилиқ берармикин? Ҳозир унинг вилоятда, мамлакатда обрўси юқори. Депутат, қолаверса, хорижда танишлари кўп. Салгина хатога йўл қўйсақ, «Менинг Афғонистонда қахрамонлик кўрсатиб, ҳалок бўлган фарзандимнинг қабрини очишди. Унинг вафот этганига шубҳа қилишмоқда», деб дунёга жар солишдан қайтмайди.

– Ётиғи билан тушунтирамиз.

– Баҳодирхон тушунадиган одамлар хилидан эмас, салгина хатоликдан устомонлик билан фойдаланади. Лекин қабрни очмасликдан ўзга чорамиз ҳам йўқ. Қабр очилганда барча шубҳаларга нуқта қўйилади. Раис билан ўзим учрашаман, тушунтиришга ҳаракат қиламан. Рози бўлса санкция оламиз.

– Менга қандай топшириқ бор, ўртоқ полковник!

– Сиз Олтинтопар қишлоғига бориб, Зулайхонинг онаси билан учрашинг, унга тушунтиринг. Узукни беш-олти кунга бериб турсин. Экспертизадан ўтказиб қайтариб берамиз. Олдига ўзингиз ёлғиз кирманг. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маҳаллада эътиборли бўлган аёллардан уч-тўрттасини ёнингизга олинг. Биргаликда тушунтирсаларинг кампир рози бўлиши мумкин. Кейинги ишлар экспертизанинг хулосасига боғлиқ.

Топшириқни олган ходим қишлоққа жўнади.

Ходим эрталаб маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва иккита аёлни олиб кампирнинг уйига жўнашди. Саби хола бир ойча илгари том орқада ишлаётганда оёғи қайрилиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганди.

Шифокорлар кунора келиб, лат еган жойга малҳам қўйиб кетишарди. Ходим маҳалла фаоллари билан кампир ётган хонага кирди. Нима мақсадда келганини тушунтирди.

– Мен узукни сизга бериб юборолмайман, ўғлим, – деди кампир. Саксондан ўтиб қолган бўлсада, ҳамон бардам эди. – Раҳматли чолим уни ҳеч кимга бермасликни васият қилган...

– Тез орада қайтарамиз, она, шунчаки бошлиқларимиз кўрмоқчи, – деди ходим.

– Мени қийнаманг, беролмайман, болам.

Ходим ёнидагиларга «Нима қиламиз» дегандек қаради.

– Саби хола, – дея гапга аралашди аёллардан бири – Бу йигит давлат идорасидан келган. Биз гувоҳмиз, кафолат берамиз, узукни бир ҳафтада келтириб, ўзимнинг гувоҳлигимда қўлингизга қайтарамиз.

– Меҳмон узоқ йўл босиб келибди, хола! Илтимос, йўқ деманг. Иш жойининг тайини бўлмаганда, кўча йигитларидан бўлганда биз орага тушмасдик. Давлат ишонган одамларнинг илтимосини ҳисобга олишимиз керак.

Кўпчилик бўлиб Саби холани кўндиришди. Кампир белига боғлаб олган белбоғни ечиб, ичидан рўмолча орасидан кичкинагина узукни олиб ходимнинг қўлига топширди.

– Бир ҳафтага беролмайман. Икки кунда қайтариб келасиз. Чолим раҳматлининг руҳи безовта бўлиб тинчимни бузади.

– Яхши, она, узукни икки кунда келтириб бераман, – ваъда берди ходим.

– Мени йўлингизга термилтириб қўйманг, жон болам.

Полковник Баҳодирхонни идорага чақириб суҳбатлашишдан кўра унинг олдига боришни маъқул топди. Шундай қилганда «кўнгли юмба, таклифимни қабул қилиши мумкин» деб ўйлади. Эрталаб ходимларига керакли топшириқларни бериб, кейин раиснинг олдига жўнади. Бироқ уни идорасидан тополмади. Котиба вилоятга йиғилишга кетганини маълум қилди.

– Яқин орада қайтадими? – сўради Маҳмудов.

– Йиғилишга боришларини айтдилару, қачон қайтишларини айтмадилар.

– Балки телефон қилиб сўраб берарсиз?

– Сиз ким бўласиз?

– Танишлариман.

– Сизга ўхшаган танишлари кўп. Кунига йигирматаси келади. Телефон қилсам уришиб берадилар.

– Телефон рақамларини бера олмайсизми, ўзим кўнғироқ қилардим?

Котиба бўёқ суртилган туксиз қошларини чимириб, раиснинг телефон рақамларини айтди.

Маҳмудов ташқарига чиқиб кўнғироқ қилди. «Телефон хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида» деган жавоб бўлди.

Полковник кутишга қарор қилди. Режалаштирган ишини бажаришга одатланган Маҳмудов суҳбатни бошқа кунга қолдиришни истамади.

Баҳодирхон кечки пайт қаердандир етиб келди. Котиба уни шаҳардан келган меҳмон сўраганини айтди.

– Қандай иш билан келибди, сўрадингми? – деди раис. У пишиллаб нафас оларди.

– Кўришмоқчиман, деди холос. Назаримда биздан техника сотиб олмоқчига ўхшайди!

– Ундай бўлса айт, кирсин!

Махмудов гапни узоқдан бошламади. Гувоҳномасини кўрсатиб ўзини таништирди. Баҳодирхоннинг туси ўзгармади. Кўз олдига уйини талаб кетган йигит кўрсатган сурат келди. «Бу гап айланиб ўргилиб охири буларнинг қуловига етибди-да» деб, ўйлади.

Баҳодирхон осонлик билан таслим бўладиганлардан эмасди. Ўзига қўйилган айбни худди бошқа одам қилгандек тонади ва қайсидир жихатдан бу баҳсда ютиб чиқади.

– Сиз ўғлимни душман қўлида ўлганига шубҳа қилмоқдамисиз? Совет армияси раҳбарлари ўлмаган жангчини ўлдига чиқариб, бошқа аскарнинг жасадини жўнатибди-да. Унга берилган «Қизил юлдуз» орденига ҳам ишонмасдирсиз? Назаримда сизни кимлардир лақиллатган. Ёлғон кўрсатма берган.

– Биз фарзандингизнинг Қандаҳор яқинидаги жангда кўплаб хизматдошлари қаторида халок бўлганига ишонамиз. Бу ҳақда 1986 йили «Известия» газетасида мақола ҳам босилган. Ўша мақолада ўлингизнинг жасорати ҳақида ёзишган. Кейинчалик «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирлангани ҳақида ҳам кўплаб мақолалар чиққан.

– Унда ўғлимнинг руҳини безовта қилиш нечук керак бўлиб қолди сизга? Ёки тобут ичига қимматбаҳо бойлик яширилган эканми? Агар ниятингиз бойликни олиш бўлса, тўғриси айтинг. Пулини ҳозирок тўлайман. Мен тирик эканман, боламнинг қабрини очиб, руҳини безовта қилишларига йўл қўймайман! Агар унинг тириклигини исботлай олсангиз, марҳамат, олдимга олиб келинг, кўрсатинг! Ана ундан кейин қабрини менинг рухсатимсиз ҳам очаверасиз. Онасининг аҳволи оғир, боласининг қабрини очмоқчи бўлганингизни эшитиб қолса, қандай аҳволга тушишини кўз олдингизга келтиринг!

Маҳмудов Баҳодирхоннинг гапларига эътироз билдириши мушкул эди. Қодирнинг тириклигини кўрган ёки гувоҳлик берадиган далил қўлида йўқлиги сабаб у билан тортишиб ўтиришни ўринсиз деб тушунди.

– Бўлиб ўтган гаплар орамизда қолади деган умиддаман, – деди ўрнидан туриб.

Раис полковникнинг сўзларига эътироз билдирмай, қўл силтаб қўйди. Қизариб кетган кўзларидан аччиқ ёшлар сизиб чиқа бошлаганини Маҳмудов сездди ва хонадан чиқиб кетди.

\* \* \*

Техник экспертиза томонидан берилган маълумотномада узук ҳақиқий соф олтиндан ишлангани, унинг кўзига ўрнатилган бриллиант ҳам ноёб эканлиги баён қилинган эди. Мутахассислар бундай узук ўзимизда эмас, четда ишланганини айтишди-ю, бироқ қайси мамлакат заргарлари томонидан ясалгани ҳақида аниқ маълумот беришолмади. Заргарлар билиши мумкин деб бу муаммони ўзларидан соқит қилишди. Энди нима қилиш керак? Эгасига элиб бериш мавриди ҳам етиб келганди. Маҳмудов кўнгли тўладиган маълумотларга эга бўлмасдан туриб узукни қайтаришни истамади. Икки кун барча ишларини ташлаб ишлади. Эспертиза бўлимига ҳам ўзи олиб борди. Мутахассислар билан баҳслашди. Аммо улар ҳам полковникнинг кўнглини тўлдирадиган жавоб қилишмади. Кеч бўлишига қарамай шаҳардаги таниқли заргарнинг олдига бориб узукни кўрсатди. У тақинчоқни кўрган заҳоти кўзлари ёниб кетди. Эллик йилдан буён заргарлик қилиб бундай нафис ва қимматбаҳо узукни кўрмаган. Уни диққат билан

кўздан кечирди. Ҳар хил асбобларда текшириб кўрди. Унинг кўзлари буюмга эгалик қилиш иштиёқида ёниб турарди.

– Мен сизга айтсам бундай ноёб тақинчоқни шу пайтгача кўрмаганман, – очикчасига тан олди кекса заргар. – Одатда бунақалари махсус буюртма асо-сида машҳур усталар томонидан ишланади. Буни ясаган заргар мамлакатда санокли бўлиши мумкин. Буюртмачи эса ўта бадавлат одам бўлган. Узук кўзидаги бриллиантга берилган ишлов манаман деган заргарнинг ҳам қўлидан келмайди.

Қайси томондан қараманг, бир хилда товланиб, нур сочади. Эътибор берган бўлсангиз, бу шуъла нафақат бинафша тусда, балки пушти, қизил, сафсар, жигар рангларда ҳам товланмоқда. Мен сизга айтсам узук ўзидан кучли бионур таратади ҳамда одамнинг руҳиятига ижобий таъсир қилади. Қаердадир ўқиганман, узукдан таралаётган шуъла инсонни асабийлашишдан, зўриқишдан асрайди. Танани ёшартиради. Юракка қувват беради. Қоннинг айланишини яхшилайти. Вужудингиздаги чарчоқни чиқаради. Ичингиздаги захарли моддаларни зарарсизлантиради ва тери орқали чиқариб ташлайди. Мен сизга айтсам, узукни бир соат бармоғингизда тақиб юрсангиз ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

– Узук қайси асрда ясалган? – сўради полковник.

Заргар узукдан нигоҳини узолмай бармоқлари орасида айлантириб томоша қилар экан, ҳозиргина узукни ҳаддан ортиқ таърифлаб юборганидан афсуслангандек бўлди.

– Бунинг ясалганига аср эмас, балки ўттиз йилдан ўтган, аммо ундаги олтин ва қимматбаҳо тош нари-бериси билан минг йиллик тарихга эга. Бизнинг давримизда бундай тошларни топиш амримаҳол.



Назаримда олтин билан тош авлоддан-авлодга ўтиб келган.

– Бундай тошлар қайси давлатларда учрайди?

– Мен сизга айтсам, бриллиантни ҳар қандай давлатдан топиш мумкин, бироқ узук кўзига қўйилган бриллиант эса ўта ноёб. Ҳиндикуш ва Ҳимолай тоғларида учратиш мумкин. Топиш юз минг одамдан биттасига насиб қилади.

– Ўзимизнинг усталар ҳам бундай узукни ясай олишадими?

– Мен сизга очигини айтсам, бизнинг заргарларимиз бундай антиқа тақинчоқларни ишлашга у қадар моҳир эмаслар. Узук камида ярим йил давомида тайёрланган.

– Қайси давлатда ишланган?

– О, кечиринг, бу саволингизга жавоб бериш мушкул.

– Бугунги бозор баҳосидаги қиймати қанча?

– Сотиш ниятида бўлсангиз сизга етти миллион таклиф қиламан!

Полковникнинг лаблари икки четга тортилди ва оппоқ тишлари кўринди. Бу заргарнинг узук баҳосини ўта паст сўраганидан пайдо бўлган ғалати жилмайиш эди.

– Мен айтган нарх сизни қаноатлантирмаса, келишишимиз мумкин, – заргарнинг хижолат бўлгани мазкур сўзларидан аён бўлди.

– Ҳозирча сотиш ниятим йўқ, агар пул зарур бўлиб қолса, албатта учрашамиз. – Маҳмудов шу сўзларни айтиб заргарнинг қўлидан тақинчоқни олди-да, эшик томон юрди. Каттагина бойлигини ўғрига олдириб қўйган одамдек саросимага тушган заргар «албатта келасиз деган умиддаман, агар сизга айтган нархимни оз десангиз, устига қўшишим мумкин», деб эшик олдигача кузатиб чиқди. Машинага

ўтираётганда полковник заргарга яна бир савол билан муружаат қилди.

– Шаҳарда сиздек уста заргарлар борми?

– Биласизми, мен сизга айтсам, эски заргарларнинг кўпи боқий дунёга рихлат қилишган. Уларнинг шогирдларини топишингиз мумкин. Кўплари тажрибасиз. Асл буюмни ажрата олмайди. Маслаҳатим, ҳар қандай муаммоингиз бўлса, мен билан ҳал қилсангиз ёмон бўлмасди.

– Катта раҳмат сизга!

– Таклифимни эсдан чиқармайсиз деган умидданман!

– Албатта!

– Кутаман сизни!

Полковник заргар билан бўлиб ўтган мулоқотдан кўнгли тўлмади деб айтолмаймиз. Узук ҳақида анча-мунча маълумотга эга бўлди. Бироқ энди узук қайси мамлакатда ишлаб чиқарилган деган саволга жавоб топиш унинг олдида кўндаланг турарди. Жавобни кимдан олиш мумкин? Тўғри жавобгина унинг олдида турган муаммолар эшигини очади. Чувалашиб бораётган тугуннинг учи топилади.

«Энди нима қилиш керак» деган савол идорасига қайтиб келган Маҳмудовни курсига михлаб қўйди. Қандай қилиб бўлмасин саволга жавоб топиши шарт эди. Кўпчилик билан гаплашди, аммо узук қайси давлат заргарлари томонидан ясалгани сирлигича қолди. Тақинчоқни эса эртага эгасига қайтариб беришга мажбур. Кампир илҳақлик ила йўлга кўзларини тикиб ўтирибди.

Телефон жиринглаб полковникнинг ўйларини тўзитиб юборди.

– Эшитаман, Зоир!

Кўнғироқ қилаётган ходими эди.

- Кекса бир заргарни топдим, бошлиқ, – деди у.
- Иш чиқишига ақлинг етадими?
- Назаримда анча тажрибали одам.
- Шаҳарданми?
- Йўқ, илгари шаҳарда турган, икки йил бурун қишлоққа кўчиб кетган.
- Кексами?
- Саксон беш ёшларда. Айтишларига қараганда, заргарлик буюмларини яхши фарқлай оларкан. Уйда ўзининг коллекцияси ҳам бормиш. Балки ёрдами тегиб қолар.
- Кекса одамни овора қилиб қўймасмикинмиз?
- Ҳар қалай суҳбатини олсак ёмон бўлмасди.
- Исми нима экан?
- Асил заргар дейишаркан.
- Ҳм, мен учрашган заргарларнинг бирортаси унинг номини тилга олмади. Майли, кўришамиз!
- Узук эгаси кўз олдига келгач, у ўрнидан туришга ва Асил заргарнинг уйига боришга қарор қилди.
- Унда ҳозироқ йўлга чиқамиз. Манзилени аниқладингми?
- Ҳа, ҳамма йўналишларни аниқладим.
- Асил заргарни излаб, қишлоққа жўнашди. Кекса хунарманд меҳмонлар келтирган узукни ёруғликка солиб узук тикилди.
- Бундай гўзал буюмларни бизнинг усталаримиз ясай олмайди, – деди ниҳоят полковникка юзланиб.
- Қайси давлат усталари ясаган бўлиши мумкин? Қария саволни жавобсиз қолдирди.
- Мен сизларга ўзимнинг коллекциямни кўрсатаман, қани устахонамга юринглар, – деди ва ўрнидан туриб меҳмонларни эргаштириб қўшни хонага ўтишди. Чирокни ёқиши билан хона ичи қуёш нури тушгандек ёришди. Деворларга қимматбаҳо тошлар ёпиштирилганди. Бу тошлар антиқа хусусиятга эга

бўлиб, ёруғлик тушиши билан ўзидан нур таратар, натижада хона чароғон бўлиб кетарди. Хонанинг ўртасига узун хонтахта қўйилган бўлиб, унинг усти қалин сим тўр билан ёпилган, панжара остига эса ойнак қўйилганди. Ойнак остида эса заргарнинг турли йилларда ўз қўли билан ясаган буюмлари тартиб билан териб қўйилганди. Асил заргар панжаранинг икки жойига солинган қулфни очди. Полковник бундай буюмларга ҳаётида илк бор дуч келиши. Тақинчоқларнинг кўпи бир-бирига ўхшаш бўлса-да, уларда киши илғаши қийин бўлган бетакрорлик бор. Ҳар бирининг меҳр ва дид билан ясалгани кишини қойил қолдирмасдан қўймасди. Асил заргар ойна ичидаги узуклардан бирини олиб полковникка кўрсатди.

– Бу узукни мен болалигимда ишлаганман. Кўраяпсизми, у ҳозирги узуклардан чиройи билан эмас, балки нафислиги, тўрт томонига ўрнатилган қимматбаҳо лаъли тошлари билан ажралиб туради. Узукни дунёнинг хоҳлаган мамлакатига бориб заргарларга кўрсатсангиз, албатта, улар бу тақинчоқ ўзбекистонлик заргарларнинг иши, деб жавоб беришади. Қадимда ўзбек заргарларининг буюмлари дунёнинг барча ўлкаларида маълум ва машҳур бўлган. Не-не савдогарлар юртимизга келиб Бухоро, Самарқанд, Наманган ва Марғилон заргарларига буюртмалар бериб кетишган. Афсуски, бу анъаналаримиз кейинги пайтларда унутилиб кетди. Заргарлар орасида касбининг фидойилари оз қолди. Бу удумни қайта тикламоғимиз ва ўзбек ҳунармандларининг шухратини дунёга олиб чиқмоғимиз лозим.

Асил заргар полковник берган узукка ишора қилиб гапида давом этди:

– Сизнинг узугингиз билан мен ишлаган узук таҳминан бир даврда ясалган. Усталари эса бошқа-бош-

қа. Қани, менга айтингчи, сизнингча қай бир узук жозибалироқ?

Полковникнинг чолнинг саволидан хижолат бўлгандек юзи қизарди.

– Кўринишидан иккиси бир хил, – деди.

– Баракалла, кўнглимдаги жавобни бердингиз. Энди бу узукларнинг бозор баҳосини айтингчи?

Маҳмудов Асил заргарнинг узугини беш миллион атрофида баҳолади.

– Сизнинг узугингиз менинг узугимдан анча пастроқ. Бунинг тоши қиммат. Узукнинг қадрига етган одам узугимни йигирма миллион бериб олиб кетиши мумкин, аммо сизнинг узугингизни фақат тошигагина харид қилиши мумкин. Мен буюмингизнинг қийматини пастга уриш мақсадидан йироқман. Аммо заргарчиликда уста ўзи ясаган буюмларга ишлов бериш жараёнида маҳорат сирларини яширишга уринади. Харидор гўзалликни илғаб олишда адашмаслиги даркор. Энди бояги саволингизга қайтамыз. Уста ясаган маҳсулотини дунёнинг нариги четида бўлса ҳам танийди. Ҳеч ким унинг буюмини меники деб айтолмайди. Боя айтганимдек, заргарлар киши билмас сирли белгиларни, ўз исмларини, турар жойларини яширишади.

– Бу узукда ҳам шундай белгилардан бири топиладими? – бир оз ҳаяжонланган полковник қариянинг сўзини бўлди.

– Албатта. Мен сизга ўша белгини ёки устанинг исми шарифини аниқлаб беришим мумкин. Қани, меҳмонхонага чиқайлик.

Асил заргар меҳмонларнинг саволига жавоб беришга у қадар шошилмасди. У чой келтирди, пиёлаларга қўйиб меҳмонларга узатди. Кейин жавондан темир қутини олиб келди. Ичидаги ҳар хил буюмлар арала-

шиб кетганди. Асил заргар лупалардан бирини олиб, кўзига яқин келтирди ва узукни кўздан кечира бошлади. У узук кўзидаги бриллиантга эмас, орқа томонига, буралиб кетган бандига кўпроқ аҳамият берарди. Қариянинг тақинчоқдан ниманидир ўқиётгандек лаблари тинимсиз пичирларди. Баъзан қошлари чимирилди.

Ярим соатлар ўтиб у тақинчоқдан кўзини олди ва меҳмонларга юзланди.

- Узук уста Маъмур томонидан ишланган, – деди.
- Янглишмадингизми?
- Бунинг янглишадиган жойи йўқ.
- Уста Маъмур қаердан бўлади?
- Ёнимга келинг, – деди заргар.

Полковник чолнинг олдига сурилди. У қўлидаги лупани узукка яқин келтирди. Бироқ Маҳмудовнинг ўткир кўзлари бўртиб турган чизиқлар орасидаги ҳарфларни уқиб ололмади.

- Форс тилидан хабарингиз борми?
- Билмайман!
- Унда мен кўрсатган чизиқларга эътибор қаратинг.

Қария чумоли изидек чизиқлар орасидан киши пайқаши мушкул бўлган ҳарфларни биттама-битта кўрсатиб ўқиб берди ва ҳарфлар жамламасидан «Уста Маъмур» деган жумла ҳосил бўлди.

- Бояги саволим жавобсиз қолди.

Заргар узукни кўздан кечиришда давом этди. Энди у узук бандининг ташқи томонидан ниманидир изларди. Ўн дақиқалар ўтиб излаган нарсасини топди чоғи, полковникка юзланди.

- Уста Маъмур Покистоннинг Лоҳар шаҳридан.
- Лоҳардан?
- Худди шундай?

– Адашмасам, Покистонда дарий ва пуштун тилларида гаплашишади, – сўради Маҳмудов.

– Шундай, бироқ мамлакатнинг Афғонистон билан чегарадош худудларидаги қабилалар кўпроқ форсий тилда муомала қилишади. Заргарларнинг кўпи Афғонистондан ўтган. Улар узоқ йиллар мобайнида чегарага яқин қишлоқларда яшаб, хунармандчилик билан тирикчилик қилишмоқда. Болаларини эса она тилларидаги мактабларга беришади. Шунинг учун узукнинг Покистонда ясалгани ва унга форсий ёзувлар битилгани у қадар ажабланарли эмас. Яна ким билади дейсиз, балки буюртма берган одам афғон миллатига мансубдир.

Етарли маълумотлар билан қуролланган полковник узукни эгасига қайтариб беришни бир ой муддатга кечиктиришни илтимос қилиб, унинг олдига боришга қарор қилди. У Покистондаги резидентга узук билан бирга шошилинч топшириқнома жўнатишни ҳам ўйлади.

## ЖАЛОЛОБОД

Фафур орқага қайтди. Яна азобларга, қийноқларга қарши курашиш учун йўлга чиқди. Бир ҳафта деганда тоғларга яқин бориб қолди. Олислардан паст-текисликлар кўринди. Тошдан тикланган бинолар кўзга ташланди. Бу шу ерда яшайдиган чўпонларнинг уйлари эди. У қўлидаги харитага қараб олди. Яна эллик чақиримча масофани босиб ўтиши керак. Фафур овулларни четлаб, чўпонларга кўринмай ўтди. Баланд чўққилар сари тирмашди. Кутилмаганда йўлидан бир тўда отлиқ чиқиб қолди. Улар ўтгиздан ортиқ эди. Фафур ўзини панага олишга улгуролмади. Отлиқлар шу томон келишарди. Барчаси қуролланган, юзига ниқоб тортган. «Ким бўлди булар, наҳотки толибонларга дуч келиб қолган бўлсам?» ташвишли ўйга чўмди Фафур. Бу орада отлиқлар яқинлашиб қолди. Булар атрофдаги қиш-

лоқларни талаб кун кечирадиган босқинчилар эди. Тўдага Жобир исмли ўттиз беш ёшлардаги йигит бошчилик қиларди. У Фафурдан:

- Кимсан? – деб сўради.
- Дарвешман! – жавоб қайтарди шу заҳоти Фафур.
- Дарвешман?
- Шундай!
- Қаёққа кетмоқдасан?
- Форга.
- Форда нима бор сенга?
- Чиллага ўтирмоқчиман.

Жобир ўз йигитлари билан тоғлик чўпонларни талаб келаётган эди. Йигитлари анчагина ўлжани қўлга киритганди. Бўғизланган ўнлаб қўйларни отларига ортиб олишганди. Отларнинг ёлларидан қўйларнинг қони томарди. Жобирнинг кайфияти чоғ эди. Унга дарвешнинг чехраси нотаниш кўринди. Бу атроф-теварақдаги кишлоқларда бундай дарвешни шу пайтгача учратмаганди. Бегонамикин? Ёт одам бундай муомала қилолмайди. Унинг кўзига ҳам тик боқолмайди. Унинг кўзларида нур ялтираб турибди. Улар бир-бирларига тикилиб туришарди. Жобирнинг кўнглида дарвешни синаш фикри ўйғонди. Шу билан унинг кимлигини билмоқчи ҳам бўлди.

– Дарвеш бўлсанг айтчи, мени қандай хушхабарлар кутмоқда?

- Шуни билишни истайсанми?
- Албатта-да!
- Яқин кунлар ичида сен ота бўласан!

Жобирнинг юзида кулги ўйнади. Бойлик, пул, хамд-у сано каби илтифотлар унинг ҳаётини жуда-жуда безарди. Авлиёга дуч келиб қолгандек отдан ирғиб тушди.



– Тўғри топдинг, хотиним ҳомиладор. У ўғил туғадими ёки қиз?

– Аллоҳ сенга ўғил инъом этади!

Жобир бу хабардан янада қувониб дарвешга меҳри ортиб кетди.

– Агар айтганинг тўғри чиқса, сенинг ҳар қандай хоҳиш-истагингни ижобат айлайман!

– Менга ҳеч нарса керак эмас, – Ғафур бош чайқади.

– Менинг кимлигимни биласанми? – аччиқ қулимсираб сўради Жобир.

– Аллоҳнинг қулисан! – беписандлик ила жавоб қайтарди дарвеш.

– Гапинг ҳақ, Аллоҳнинг қулиман, мана шу ерлар, ҳув анови тоғ-у тошлар, яйловлар, сув тўла анхорлар, буларнинг барчаси менинг тасарруфимда. Одамлар менга итоат қилади. Энди сен мен билан бирга бўласан. Овқатингни бераман, қароргоҳимдан жой қилиб бераман. Ўша ерда яшаб, менинг ҳақимга дуо қилиб турасан.

– Мен горга кириб тоат-ибодат қилишим керак. Ўша ерда ҳам сенинг дуоингда бўламан!

– Таклифимни рад этма, дарвеш. Мен дуч келган одамга бундай илтифот кўрсатавермайман! Худо чехрангни менга иссиқ кўрсатди.

– Унда мени кут. Қирқ кун чиллада ўтириб чиққанимдан сўнг, албатта, сенинг олдинга қайтаман!

Шу пайт от туёқларининг овози эшитилди. Ҳамма йўлга қаради. Саман йўрға ортидан чанг тўзителиб шу томон келарди. Жобирнинг одамлари қўлларига қуролларини олишди. Бу орада от устидаги чавандоз яқин келиб қолганди. Жобир ва одамлари уни танишди. Қўлларидаги қуролларини туширишди. Чопар Жобирнинг олдига келганда от тизгинини

тортди. Йўрға тўхтади. Чопар эгардан пастга ирғиб тушди.

– Нимага гап? – чопарнинг етиб келишига улгурмай сабрсизлик билан сўради Жобир.

– Суюнчи беринг, оға! Ўғилли бўлдингиз.

Жобир қўлларини кўтарди.

– Эшитдиларингми, дарвешнинг гапи ҳақ бўлиб чиқди. Мен ўғилли бўлдим! – У баланд овозда кичкирди. Овози тошларга урилиб акс садо берди. Отлиқлар жўр овозда «Муборак бўлсин» деб бақиришди. Уларнинг овози ҳам ҳар томондан жанглади. Жобир ҳамёнини кавлаб қўлига илинган пулларни хабар келтирган йигитнинг устидан сочди. У оёқлари остига тушган пулларни териб ҳамёнига жойлади.

– Башоратинг ҳақ бўлиб чиқди, дарвеш. Сенда сирли хислат мавжуд. Ҳозир менинг қўноғимга борасан. Ўғлимнинг шарофатига базм уюштирамиз!

– Кўп яшанг! – қичқиришди йигитлар.

– Қани, олдимга туш!

Фафур иложсиз қўрбошига эргашиди. Ярим соат йўл юришди. Тошлар оралаб ғорга келишди. Унинг оғзи қия турган эшикни эслатарди. Қароқчилар от тизгинларини тошларга қоқилган темир қоziқларга илишди. Олиб келган ўлжаларини ичкарига олиб киришди. Зум ўтмай қозонлар қайнади. Бази жамшид авжига минди. Фафурнинг фикри-ёди ўзи излаб бораётган ғорда эди. Тезроқ у ерга етиб олиши ва яширилган қуролни топиб, бошлиғини хабардор қилиши керак.

Жобир қиморни хуш кўрарди. Бу ерга узоқ-яқиндан қиморбозлар келиб турарди. Талончилик, босқинчилик билан тўпланган пулларни, бойликларни тикишарди. Бироқ бирорта ўйинда омад Жобирга кулиб боқмасди. Одамлари азоб-уқубат

билан топган бойликларни бир кечада бой берарди. Мағлубиятга қўрбошининг чидагиси келмасди. Бироқ ўйин ўйинда. Қанчалик ғазабланмасин, ўзини қўлга олишга мажбур эди. «Қачондир ютқазган бойликларимни қайтариб оламан» деган умид қизиб бораётган юрагига таскин берарди. Форда ҳафтада бир қимор ўйинини ташкиллаштирарди. Шаҳарнинг турли жойларидан, ҳатто мамлакатдаги донгдор қиморбозлар қопчиқлари тўла пулларни орқалаб етиб келишарди.

Бугун ҳам ўйин ташкиллаштирганди. Жобирнинг юрагига чўғ тушди. Дарвешни ҳузурига чақиртирди. «Дарвешда бир хислат борки, ўғил кўришимни башорат қилди. Дуо қилса, дам солса омадим чошиб, ютқазган бойликларимни қайтариб оламан» деган фикр шуурига тинчлик бермади.

– Мени дуо қил, дарвеш! – деди ялинувчан овозда ичкари кириб келган Ғафурга қарата.

– Мендан дуо! – жавоб қилди у дарвешларга хос кибр ила бошини баланд кўтариб.

– Бу пулларга дам сол! Бегоналарнинг қўлига ўтмасин. Менга беҳисоб бойликларни келтирсин! – кўзлари билан олдида сочилиб ётган пулларга ва қимматбаҳо тақинчоқларга ишора қилди.

Дарвеш пулларга қиё ҳам боқмади. Лаблари пичирлаб ўзича нималардир деди. Қўлидаги таёқ билан Жобирнинг елкасига уриб қўйди.

– Катта бойлик кутяпти сени! – деди кўзларини юмиб.

Жобир «айтганинг келсин» деб юзига фотиҳа тортди.

– Ўйин пайтида ёнимда ўтирасан! – илтимос қилди тўдабоши.

– Менга ўйин бўладиган жойни кўрсат!

Жобир уни гор ичига бошлади. Анча юришди. Девордаги машғалалар ўзидан қизғиш шуъла сочарди. Йўлакни ёритиб турарди.

Улар ялангликка чиқишди. Жобир тўхтади.

– Ўйин мана шу супа устида бўлади, – деди қўли билан сўпоқ тошни кўрсатиб. Ўртасида ўн бештача пиёла сочилиб ётибди. Орқа томонда анчагина бўш жой турибди. Тошлар териб қўйилган. Афтидан навбат кутаётганлар мана шу тошлар устида ўтирса керак. Деворлар машғаланинг тутунидан қорайган. Тутун ва наша иси тошларга ўрнашиб қолган. Ачимсиқ хид анқийди. Фафур бу юртдаги қиморхоналарнинг кўпини кўрган, аммо гор ичидагисига илк бор дуч келиши эди. У супа ўртасига борди. Бир зум туриб қолди. Жобир унинг ҳаракатларини зимдан кузатди. Дарвешга бўлган ихлоси тобора ортарди. Фафур таёғи билан тош устига доира чизди.

– Отган ошиғинг шу чизикдан чиқиб кетмасин, уқдингми?! – деди қароқчилар бошлиғига.

– Уқдим! – итоаткорона жавоб қайтарди кўрбоши.

Дарвеш бошқа гапирмади. Пастга тушди. Жобир дарвеш томонидан чизилган доирага тикилиб турарди. Илгарилари отган ошиқлари сочилиб кетарди. «Мағлубиятимнинг сабабини топдим» дея ўзига ишончи ортди кўрбошининг.

Эртаси куни тонгдан бошлаб қопчиқлари пул ва қимматбаҳо буюмларга тўлган қиморбозлар форга кела бошлади. Улар учун қозонларда шўрва қайнарди. Тошлардан тандир ясалиб, ичига ўт ёқилиб, чўғига кабоб пишириларди. Бурчак-бурчакларда тўп-тўп бўлиб ўтирган қиморбозлар вақти хушлик билан банд эдилар. Ўйин бошланадиган вақт бўлди. Таклиф этилган қиморбозларнинг кўпчилиги келиб бўлди. Жобир дарвешни ёнидан силжитмади.

Нихоят, ҳаммалари ичкарига киришди. Жойларини эгаллашди. Қўлларига пиёлаларни олишди. Жой тегмаганлар орқадаги тош курсиларга ўтиришди. Одат шундай эди. Кимки борини бой берса, ўйиндан чиқади ва четдагилардан бирига жойини бўшатиб беради.

Жобирнинг орқа томонида дарвеш ўтирарди. Унинг икки кўзи ошиқларда эди. Тезроқ ўзига навбат келишини кутарди. Қўлига ошиқ текканда дарвешнинг айтган гапларини унутиб қўйди. У ўз ғалабасига ишонганди. Катта миқдорда пул тикканди. Биринчи қўлдаёқ омад ундан юз ўгирди. Ошиғи чув тушди. Ортида ўтирган дарвешга кўзларини чақчайтириб караб қўйди. Бироқ у бепарво эди. Қўрбошининг жаҳли чиқди. Тишларини гижирлатгани Фафурга ҳам эшитилди. Хатто қўлидаги пиёла билан дарвешнинг бошига солгиси келди. Яна навбат келди. Яна чув тушди. Пуллари тугади. Тилла тақинчоқларга гал келди. Уларни ҳам бой берди. Шунда ғазабини жиловлай олмади. «Палакат, қайдан ҳам сенинг гапингга кирдим» деб ғулдираб сўкинди. Дарвеш бунга аҳамият бермади. Унга яқин сурилиб пичирлади:

– Қўлинг қалтирамасин! Борингни тик! Ошиқни мен айтган жойга ташла! Омад сен томонда!

Жобирнинг кекирдаги ўйнаб кетди. Бисотидаги сўнгги бойлигини ўртага ташлади. Ўзига гал келганда ошиқларни тош устидан шилиниб кетган кафти билан сидириб олди-да, маҳкам чангаллаб боши узра кўтарди. «Ё, Жамшид» деб суякларни дарвеш айтган доира ичига ташлади. Ошиқлар бир пайтнинг ўзида супа устига тушди ва тўртталаси тик туриб қолди. Жобирнинг буришган қонсиз лабларига табассум югурди. Даврадаги пуллар ўзига қайтди. Шундан кейин ошиқ қўлидан тушмади. Боридан айрилган қиморбозлар бирин-кетин жойларини шерикларига бўшатиб беришди. Ўзлари тош курси-

ларга ўтириб аламларини нашадан олишди. Кайфи ошганлар бурчакларда чўзилиб ётишарди. Ўйин қизигандан қизиди. Омад чиндан ҳам фор эгасига кулиб боқди. Жобир катта бойликнинг эгаси бўлди.

Эрталаб Фафур Жобирнинг ёнига борди.

– Энди менга рухсат бер, кетай!

Фор эгаси дарвешга рухсат берса, бахтсизликка учраб қоладигандек қўрқиб кетди.

– Қаёққа кетасан? Энди шу ерда бирга яшаймиз. Йигитларим сенинг хизматингда бўлади. Нима хоҳласанг бажо келтиришади. Топган бойликларимнинг ярмини бўлиб бераман. Бугундан бошлаб пирим деб этагингни тутаман. Ёнимда қол!

– Илтифотингдан бошим осмонга етди. Бироқ мен тарки дунё қилган одамман, мени пул, бойлик қизиқтирмайди!

Шу пайт Жобирнинг олдига тепаликда кузатувчилик қиладиган йигитларидан бири кириб келди.

– Оға, нотаниш одамни қўлга олдик.

– Кимнинг одами экан?

– Билмадик, оға. Лекин бу ернинг одамига ўхшаймайди.

– Олдимга олиб келинглар!

Хабарчи ортга қаради. Ҳуштак чалган эди, тошлар орасидан қўли боғланган озғин кимсани олдига солиб келаётган икки қуролли кимса чиқиб келди...

\* \* \*

Туни билан ухламасдан йўл юриб келаётган Лу хаддан ташқари чарчаганди. Оёқлари оғриб вужудига озор берарди. Шундай бўлса-да, манзилга етиб олиш учун қадамини илдамлатиб, тошлар устидан сакраб борарди. Вақти-вақти билан қўлидаги кичкинагина харитага қараб қўярди. Қалам билан кич-

кинагина доира ичига олинган жойга етиб олишига санокли чақирим қолганидан мамнун эди. Бирдан кўкка кўтарилаётган тутунга кўзи тушиб қолди. Адамас бу жойларда ярим ёввойи одамлар яшашини айтганди. Унинг гапи Лунинг хаёлидан ўтди ва юраги сесканиб кетди. Йўлини ўзгартирмоқчи бўлди.

– Тўхта! – ортидан келган ҳайқириқ оёқларини тошга елимлаб қўйди. Лу нафақат юришга, балки ортига қарашга ҳам қўрқди. Оёқ-қўллари қалтиради. Овоз қилган одам Жобирнинг йигитларидан бири эди. Унинг совуқ башарасини, устидаги чопонини кўриб Лу ўзини ёввойиларга эмас, балки росмана одамларга дуч келганини пайқади. Патиллаб ураётган юраги жойига тушгандек бўлди.

– Кимсан? – сўради бояги одам.

Лу тили айланмай бақрайганча турарди. Қути ўчган чехрасида қўрқув билан бирга азоб-уқубат шарпаси аксланарди.

Лу тезда ўзини қўлга олди.

– Адашдим, – унинг тилига шу сўз келди.

– Кимнинг одамисан?

– Ҳеч кимнинг одами эмасман, – кичик хатога йўл қўйди Лу.

Дидбоннинг шубҳаси ортди.

– Қаёққа кетмоқдасан?

– Адашдим, – бояги сўзини такрорлади яна Лу.

Дидбон пастки лабига тишини босиб ҳуштак чалди. Тошлар орасидан қуролли йигитлар чиқиб Луни ўраб олишди. Кейин олдиларига солиб уни ғор томон ҳайдаб кетишди. Бу пайтда ичкаридан Жобир билан дарвеш чиқиб келишаётган эди.

Дидбонларбандини олдиларигасолиб Жобирнинг олдига олиб келишди. Қўрбоши унга бошдан-оёқ

тикилиб боқди. Бу ернинг одами эмаслиги унинг афт-ангоридан билиниб турарди. Жобир у билан гаплашиб ўтиришни истамади.

– Кимсан? Менинг худудимда нима қилиб юрибсан? – дея гердайиб сўради.

– Адашдим. Аёлим бетоб. Табиблар тоғ эчкисининг сутини ичсин деб эди. Бу томонларга эчки излаб келгандим. Ёрдам беринг, қанча пул сўрасангиз бераман!

– Ҳамёнингда қанча маблағинг бор?

– Юз эллик доллар!

– Чиқар!

Лу пулни олиб қўрбошининг қўлига тутқазди. Жобирнинг чехраси ёришди.

Фафур бу кимсанинг бу ерларда бежиз пайдо бўлиб қолмаганини тушуниб турарди. Кўзлари, юзлари, озғин гавдаси, таранг тортилган пайлари бегона юрт одами эканлигидан далолат эди.

– Энди хоҳлаган томонингга кетавер!

Лу қуллуқ қилиб орқасига қайтди. Жобир дидбонлар бошлиғини чақирди.

– Туя довондан ўтиши билан отиб ташла!

Дидбон Лунинг изидан кетди. Фафур Жобирга:

– Сенга бир маслаҳатим бор, – деди бандининг ортидан боқиб турар экан. Айни чоғда овози ғайритабий чикди. Жобир ўз пирига нигоҳ ташлади.

– Айт!

– Йигитларингга буюр, отишмасин уни!

– Мен унинг кимлигини билмайман, пирим.

Балки кечаги ўйиндан кўп пул ютганимни эшитган ўғрилардандир. Кўзлари унинг бу ернинг одами эмаслигини билдириб турибди.

– Уни ўлдирадиган бўлсанг бошингга катта мусибат тушади!



Жобир сесканди. Пирим деб билган бу одам икки бор тўғри башорат қилди. Айтганлари ҳақ бўлиб чиқди. Ўз бошига мусибатлар келишидан ёмон кўрқди.

– Қўйиб юборайми?

– Шу ерда олиб қол. Кўнглим сезиб турибди, вақти келиб бизга ёрдами тегиши мумкин. Балки мен уни ўзим билан бирга ёрга олиб кетарман. Дастёрлик қилади.

– Тутқун сизники, нима қилиш ихтиёрингизда, – жавоб қайтарди Жобир.

Бу сўзларни уларнинг ёнида турган зиндонбон ҳам эшитди. Фафур бошқа гапирмади, бош ирғиб нари кетди.

\* \* \*

«Нотаниш кимса бу ерда бежиз пайдо бўлиб қолмаган» деб ўйлади Фафур бўш пайтлари хаёлга толиб. Маҳмудов қуроли изига инглизлар тушганини айтганди. Бу ўшаларнинг одами эмасмикин? Юз-кўзлари маҳаллий халқ одамлариникига асло ўхшамайди. У шу атрофда пайдо бўлиб қолибдими, демак, шошилиш керак. Ўз жосусларини жўнатган кимсалар унинг бедарак кетганини билишса, бошқасини жўнатишади. Тезроқ топшириқни бажариб бу ердан кетиш керак. Вақт ўтмоқда.

Фафур ўрнидан турди. Жобир йигитларини эргаштириб қаёққадир кетди. Дидбонларгина қолганди. Улар атрофни эмас, балки зиндондаги одамни ҳам кузатиб туришарди.

Фафур зиндон тепасига келди. Унинг оғзи тор, пастки қисми кенг эди. Қуёш нури деворларнигина ёритиб ўтарди. Фафур пастга қаради. Зиндонбанд кўринмади.

– Шу ердамисан? – пастга қараб овоз қилди Фафур.

– Қорним оч, егулик берсангиз-чи? – қуйидан овоз келди.

– Кимсан?

– Ўзингиз кимсиз?

– Мен дарвешман!

– Ишонгим келмаяпти.

– Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

– Мени қутқаринг!

– Сени ўлимдан сақлаб қолдим, аммо зиндондан озод қилиш қўлимдан келмайди.

– Истаган пулингизни тўлайман!

– Дарвешлар пулга, бойликка мухтож эмас! Менга кимлигингни айтг!

– Дарвешга ўхшамаяпсиз. Дарвешларни инсоннинг шахси қизиқтирмайди, шундай эмасми?

– Ҳақсан, аммо кимлигингни билгим келганди...

– Бетоб аёлнинг бечораҳол эриман дедим-ку. Ёки гапларимга шубҳангиз борми?.. Сизга бир илтимосим бор...

– Нима истайсан?

– Икки кундан бери туз тотганим йўқ. Раҳмингиз келсин, бир тишлам нон беринг. Ўлгудек очман.

– Бир оз кут. Мен ҳозир нон олиб келаман!

Фафур моғора ичига кириб кетди. Беш дақиқа ўтиб қўйнига нон ва шапалоқдек пишган гўшт солиб чиқди. Уларни зиндон ичига ташлади. Зиндонбанд миннатдорчилик билдирди.

– Раҳмат сизга!

– Балки энди кимлигингни ва бу атрофда нима қилиб юрганингни айтарсан?

Жавоб бўлмади. Пастдан бандининг суюқни қарсиллатиб ғажиётгани эшитилди...

Ғафурнинг шубҳалари ҳақ бўлиб чиқди. Бу «Қора маржон»даги бойликнинг изига тушганлардан бири деб ўйлади.

Шоми ғарибонда Жобир қайтиб келди. Димоғи чоғ эди. Ғор оғзи олдида Ғафур уни кутиб олди.

– Сен келганингдан бери ишларим юришиб кетди, – деди у дарвешга яқин келиб. – Қара, йигитларим бугун қандай ўлжаларни қўлга киритишди. У отларга ортилган ўлжаларни тушираётган йигитларига мағрур қараб қўйди.

– Энди менга ижозат бер. Бу кеча тушларим булғанди. Ғорга кириб тоат-ибодатимни қилай.

– Ибодатни шу ерда қилсанг ҳам бўлади, – қайсарлик билан қўл силтаб жавоб қилди Жобир. – Ахир шу ерда ҳам чиллага ўтиришинг мумкин.

– Мен ота-боболарим ўтирган ғорга киришим керак. Уларнинг руҳи мени чақирмоқда. Бормасам, арвоҳлар дарғазаб бўлишади. Ҳатто сенга зиён етказишлари мумкин!

Ғафур бу гапларни шошмасдан айтди. Жобирнинг кўз ўнгида арвоҳлар намоён бўлди. У руҳларга қаттиқ ишонарди. Қолаверса, дарвеш борадиган жойни одамлар азалдан муқаддас жой деб атаб келишади. Дарвешнинг раъйига қарши туриш, кўнглини оғритиш ўзига бало-қазолар келтириши мумкинлигини ўйлади.

– Лекин бир шарт билан сенга изн бераман, – деди Жобир бир оз ўйланиб тургач.

– Қандай шарт экан? – сўради Ғафур.

– Бошимга кулфат тушса, олдинга бораман!

– Мени безовта қилма. Ғор ичига кириб кетганимдан кейин мен бегона одамлар кўзига кўринмайман. Чақирсанг ҳам эшитмайман. Жисмим тошларга айланади. Фақат танамдан чиққан руҳларнинг товушини тинглайман. Улар билан гаплашаман. Ях-

шиси, мени безовта қилма. Айтганимни қилмасанг, ортимдан одам юборсанг, сендан омад юз ўгиради. Бахтсизлик эшикларини очади. Унутма буни!

Фафурнинг бу сўзлари Жобирнинг қулоғига кўрғошиндек қуюлиб қолди. Дарвешни ёнида олиб қололмаслигини англаб етди.

– Майли, – деди ноилож рози бўлиб. – Сенга қирк кун муҳлат бераман. Безовта қилмайман. Изингдан одам ҳам жўнатмайман. Аммо чиллага ўтириб чикқанингдан кейин, албатта, менинг хузуримга қайтиб келишга ваъда бер! Биз яна бирга шу ерда яшаймиз.

Фафур қароқчилар етакчисига таъсирини ўтказганидан, айтган гапларига ишонтира олганидан мамнун бўлди. Бироқ унинг хузурига қайтиб келишга, хизматини қилишга ваъда бермади. У виқор билан Жобирнинг саволига шундай жавоб қайтарди:

– Аллоҳ насиб қилса кўришамиз!

Фафур қароқчилар даргоҳини тарк этаётганда ғалати мўъжиза рўй берди. Узоқ йўл босиб, ёнбошларини тошли тупроққа қўйиб, иккинчи ёнбошларини офтоб тафтига тоблаб ётган отлар худди қаршиларидан қашқир чиқиб қолгандек безовталаниб, оёқлари билан тупроқ тўзитиб кишнаб юборди. Барча қатори Жобир ҳам бундан ҳайрон бўлди. «Отларга нима бўлди? Яқин атрофга қашқирлар келдимиз?» деб ўйлар, безовта кўзлари билан атрофга боқар, аммо чор томон ҳар кунгидан-да сокин эди. Кейин ҳамма бирдан безовталиқ сабабини тушуниб, ҳайратдан ёқаларини ушлаб қолди. Жониворлар ўзларининг бу ҳаракатлари билан дарвешни кузатишаётганди.

Фафурнинг ортидан боқиб қолган Жобирнинг ёдига зиндонда ётган банди тушди. Дарвешнинг изидан қичқирди:

– Анови зиндонбандни нима қилай?

Ғафур ортига қайрилди:

– Нон-сувини бериб тур, оч қолдирма. Қайтиб келгунимча қўйиб юборма! Акс холда борингдан айриласан! – шундай деб бир оз жим қолди, кейин деди: – Балки ўзимга керак бўлиб қолар, келиб олиб кетарман!

У бу сўзларни атайин овозини кўтариб айтди, уни атрофдагилар шу жумладан зиндонбон ҳам эшитди.

\* \* \*

Маҳмудов кўнгилсиз ҳолат рўй бергудек бўлса охири белги қўйилган жойга қайтиб боришни, агар белги доира ичига олинган бўлса, ўша тошнинг остини қарашни Ғафурга тайинлаганди. У келган йўлини ва чизикча қўйган тошни ёдида сақлаб қолганди. Қароқчилар ғоридан узоқлашгач, охирги белги қўйган тошини излаб топишга қарор қилди. Хотираси ёмон эмасди. Адашмасдан топди. Чизикча ҳақиқатан ҳам ҳалқа ичига олинганди.

У тошни кўтариб остидаги пакетчани олди. Ичига фонар, қотган нонлар солинганди. Ғафур уларни қўйнига жойлаб дара ичидан йўл босиб, тепаликка кўтарилди. Қуёш сўнганди. Сурмаранг нурларини сочиб тоғлар узра тўлин ой чиққанди. Юлдузлар сим-сиёҳ осмон бағрида бодрашарди. Ғорга уч чақиримча масофа қолганди. Сўқмоқни қор босганди. Совуқ шамол туриб, чийиллаб, хуштак чалиб, тобора забтига оларди. Ғафур бораётган сўқмоқ тор ва нишаб эди. Одам тойиб кетиш хавфи бор. Олисдан бўлса-да, «Қора маржон» кўзга ташланиб турарди. Ой нурида тошлари ялтираб кўринарди. Тундаги кўриниши у ернинг бежиз илоҳийлаштирилмаганлигидан далолат берарди. Ўша томонлардан ахён-ахёнда сирли товушлар қулоққа чалиниб қоларди.

Фафур олисдан бўлса-да, «Қора маржон»га узок тикилиб қолди. Тошларнинг жилосидан кўзлари ялтирарди. Табиат гўзаллиги ошуфта айлаганди йигитни... Ҳозироқ у ерга жўнаш, тошларни қўли билан ушлаб кўриш иштиёқи юрагига тинчлик бермай қўйди. Бироқ хатарлар яқин келиб қолгани учун эрталабгача сабр қилишга қарор қилди. «Бирорта бошпана топиб дам оламан» деб хаёллади. Атрофга боқди. Тошлари кўчирилган, қорайиб турган ўрада кўзи тўхтади. Унинг оғзи яқинда очилгани билиниб турарди.

Фафур фонарни ёқиб ичкарига кирди. Бу шунчаки ўра ёки йиртқичлар ташлаб кетган эски ин эмасди. Адоқсиз бўшлиқ эди унинг ичи. Икки одам бемалол сифадиган кенглик пастга қараб тушиб кетарди. Фафур ичкарига киришни хоҳламади. Моғора оғзида тунаб, эрталаб йўлда давом этмоқчи бўлди. Ўтирган жойига кўкдаги ойнинг кумуш ёғдулари тушиб турарди. У бир бўлак нонни олиб тишлади. Қорни очганди. Туни билан туз тотмаганди. Кейин калин почап ўстинга ўралиб уйкуга кетди.

Кўзи илинар-илинмас қулоғига аллақандай товуш чалинди. Фафур бошини кўтарди, атрофга боқди, ҳеч ким кўринмади. Сокинлик. У қайтиб тошга бошини қўйди. Кўп ўтмай ўша сас такрор эшитилди. Кимдир йиғлаётгандек эди. «Қаёқдан келяпти?» У ўрнидан турди. Буюмларини йиғиштириб тошлар ортига яширинди.

Йиғлаётган одам ичкаридан чиқиб келаётганди. Ярим соатлар ўтиб унинг шарпаси кўринди. Калтакесакдек тошли деворга ёпишиб, бир оёқда ҳақкалаб келарди.

«Наҳотки кўзи кўр бўлса» ўйлади Фафур.

Бу кўз қорачиқларини нур куйдириб юборган Жонс эди. У тошларга урилиб, сурилиб, қийинчи-

лик билан келарди. Бурнига тоза ҳаво билан бирга бегона одамнинг иси урилганда тўхтади.

– Ким бор?!

Фафур жавоб қайтаришга шошилмади.

«Мени кўриб қолдими?»

Жонс илтижо қилди:

– Илтимос, ёрдам беринг! Кўзларим ҳеч нарсани кўрмаяпти!

Фафур ўйлади:

«Кўр одам ёрга қандай қилиб кириб қолдйкин? Шериклари ташлаб кетдимикин?»

У тошлар орасидан чиқди.

– Кимсан?

Кўр одам сергак тортди.

– Хайрият, бу ерда ҳам тирик жон бор экан.

– Кимсан? – такрор савол ташлади Фафур.

– Ёрдам беринг менга!

– Кимлигингни айт дедим сенга!

– Англияданман, альпинистман! Шерикларим ташлаб кетди. Кўзларим ҳеч нарсани кўрмаяпти! Ҳозир қаердаман?

– Фор оғзидасан.

– Оҳ, мен ўзимни тубсиз чуқурликка тушиб бораётирман деб ўйлабман!

– Кўзингга нима қилди?

– Қандайдир нур кўзимнинг гавҳарларини куйдириб юборди.

– Фор ичига нимага кирганинг?

– Иссиқ жой излаб кирувдим.

– Сен альпинистга ўхшамайсан!

– Ишонинг, ростдан ҳам альпинистман ...

– Ростини сўзламас экансан, суҳбатимизга яқун ясашга ва сени бу ерда қолдириб кетишга мажбурман!

– Йўқ, ундай қилманг, мени ташлаб кетсангиз очликдан ёки бирорта тошга қоқилиб ўлиб қоламан...

– Унда ҳақиқатни гапир! Ёлгон яхши инсонларни бирлаштирмайди! Хайр!

– Тўхтанг, мени ташлаб кетманг, ўтиниб сўрайман сиздан!

– Унда ҳақиқатни айт!

– Яхши одамга ўхшайсиз, менга егулик беролмайсизми? Икки кундан буён туз тотганим йўқ, очликдан силлам қуриди!

Фафур унинг қўлидан ушлаб тош устига ўтказди. Инглизлар ҳеч қачон дўстларини ёлғиз қолдириб кетмаслигини яхши тушунади. Фафур уни ҳам «бойликни излаб келганлардан бири» деб ўйлади.

Жонс қўлидаги қаттиқ нонни қарсиллатиб еди. Ошқозонига овқат тушиб, очлик хаёлидан кўтарилгач:

– Сиздан миннатдорман. Ўзингизни таништинг, кимсиз? – деб сўради.

– Мен дарвешман – жавоб қилди Фафур, – шу ерлик дарвеш. Хар йили фор ичига кириб, қирқ кун чиллада ўтираман!

– Дарвешман денг? – тушунарсиз жилмайди Жонс. – Дарвешлар худонинг ердаги ноибларидир.

– Энди менга исмингни айт! Бу ерга қаердан ва қандай мақсадда кирдинг?

– Исмин Жонс, – деди у ниҳоят ўзини таништиришга мажбур бўлиб. Мухбирман, жангарилар мени хонавайрон қилишди. Шу ерга олиб келиб ташлаб кетишди. Форнинг ичкарасига кирганимда қандайдир халқа шаклидаги кучли нурга дуч келиб қолдим. Уни қўлимга олиб кўрмоқчи бўлганим, у эса жойидан қўзғалиб кучли нур сочиб кўзларимнинг гавҳарини куйдириб юборди. Ҳозир ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Кечадан бери ташқарига чиқиш мақсадида тиним билмай ҳаракат қиламан. Кўп бор йиқилдим. Бир оёғим лат еб, босишга ярамай қолди.



– Гапларингдан яна ёлгоннинг хиди келмоқда. Лекин сени ҳақиқатни гапиришга мажбур қилолмайман!

Жонс индамади. Дарвешнинг ўрнидан туриб кетишини кутганди, бироқ у жойидан жилмади.

– Қаттиқ совқотган кўринасан. Сени почапўстинга ўраб қўяман. Эрталабгача дам ол!

– Таклифингизни қабул қиламан. Ҳақиқатан ҳам совқотганман. Жой қилиб беринг! Лекин сиздан бир илтимосим бор.

– Хўш?

– Мени ташлаб кетмасликка сўз беринг!

– Хавотиринг ўринсиз, дарвешлар ҳеч қачон ваъдаларига хиёнат қилмайди. Қани, ўрнингдан тур, ичкарироққа кирайлик.

– Оёғим қайрилган, юролмайман!

Фафур Жонснинг қўлтигидан олиб ичкарига бошлади. Улар тўхтаган жойни қиялаб ўтаётган ой нури ёритиб турарди. Текисроқ жой топиб Жонсни ётқизди. Почапўстинга ўраётганда унинг қўйнидан нимадир ерга тушди. Бу қоғоз эди. Фафур уни кассасига солди. Жосус қаттиқ чарчаганди. Тезда уйқуга кетди. Фафур нарироққа бориб, бояги қоғозни олди. Фонарнинг нуруни тушириб ёзувларга кўз югуртирди. У араб алифбосини яхши биларди. Қийналмасдан ўқиди:

«Мен, Абдумалик сардор ўғли Орзимат Туркистон жумхуриятида ўз ҳукмронлигини ўрнатган Шўро ҳукуматининг таъкибидан қочиб, 1924 йил, жавзо ойининг ўн олтинчи кунида киндик қоним тўкилган қишлоғимни тарк айлаб, завжам ҳамда уч ёшли ўғлим Фахризод ила олти ойлик қизим Гулсанамни олиб, ўзга ўлкадан бошпана топмоқни ихтиёр айладим. Кундуз кунлари тоғ-у тошлар орасида яширишиб, кечалари йўл босиб, бир ой деганда Амударё

бўйига етиб бордим. Сувнинг совуқлигига қарамай дарёни кечиб ўтишимиз жоиз эди. Гулжамол қизимиз совуққа чидамай, чинқириб йиғлай бошлади. Товушини Шўро аскарлари эшитиб қолса, бизни ўкка тутишларидан чўчиб, зурриёдимни сувга чўктириб Яратган эгамнинг олдида охиратда ҳам кечирилмайдургон гуноҳи азимга қўл урдим. Афғон заминига ўтганимиздан кейин биз одамлар яшайдургон кишлоқларни ахтариб, тоғлар сари юрдик. Бу юртнинг йўлларини яхши билмаганимиз ҳамда қалин туман босганлиги боис кўп адашдик, хўп қийналдик. Очлик ила совуқ барчамизни ҳолдан тойдирди. Завжам билан зурриёдимнинг тоби қочиб йўтал тутди. Ҳар иккисининг аҳволи оғир бўлганлиги сабаб йўл юришга ҳолимиз қолмади. Шунда бу ғорни топиб, аларни ичкарига олиб кирдим. Совуқ қаттиқ бўлғонидан ғор оғзини тошлар билан тўсдим. Хасталарга ёрдам бермоқ қўлимдан келмади. Ўша тунда ўғлимнинг жонини фаришталар арши аълога олиб чиқиб кетди. Завжам бу йўқотишга чидамай танасидаги жамики суюқликларни кўз ёши ила тўкди. Бир кун ўтиб фарзандимнинг совуб қолғон жасадини кучоқлаб ётганча у ҳам Аллоҳнинг омонатини азоб-уқубатлар ичида топширди. Мен қийин аҳволда қолдим. Фарзандларимнинг жонини сақлаб қоламан деб Ватанни тарк айлагандим. Алар энди ёнимда йўқ. Жасадларини ташлаб кетсам, яшаб не мурод топардим, деган ўйда ғор ичида қолишга азм айладим. Дарёдан ўтиш чоғинда совуқ менида чалғанди. Иситмам кўтарилиб, алахсирай бошладим. Кечалари безгак тутарди. Яқинларимни ўз қўлим билан кафанлаб тупроққа қўйишга ҳам мадорим қолмаганди.

Юртни тарк айлаш чоғида боболаримдан қолган ҳамда ўзим пешона тери ила топган бир пуд олтин-

ларимни оғир кунимда асқотиб қолар деган мақсадда шу томонга олиб ўтғондим. Афсуски, бойликлар мени ҳам, завжам ила зурриёдларимни ҳам ажал домидан асраб қололмади. Мен бойлигимни тош супа остига беркитдим. Бундан ташқари, ғор ичида беҳисоб бойликка дуч келдим. Анинг қийматини бир мамлакатнинг баҳосига тенг билдим. Буни ҳам ўз бойликларимга қўшиб супа остига беркитдим.

Кимда-ким ғор ичинга кириб, ушбу номани ўқиса, мени, фарзандимни ва завжамнинг жасадини кафанга ўраб, қабр қазиб дафн айласа, супа остидаги бойликларни фийсабиллох, Аллоҳнинг розилиги ила унга инъом этгум. Мабодо майитларни тепкилаб, бойликларни олиб кетса, рўзи махшарга қадар руҳим чирқираб безовта қилгумдир».

Мактубни ўқиб Фафурнинг юрагида санчиқ турди. «Бечора, у қайси жойда ётибдийкин, хозироқ бориб жасадларини кўмиб қўярдим», дея ўйлади.

У ичкарига кириб борди. Анча юргач кўзи сочилиб ётган суякларга тушди. Ханжар билан кичкинагина қабр қазишга киришди. Икки соатча шу иш билан машғул бўлди. Фафур суякларни йиғиштириб қабрга қўйди. Билганича тиловат қилди. Кейин тупроқ тортди. Қабр тепасига тош қўйди. Орқага қайтаётганида супа остидаги бойликлар ёдига тушиб қолди. Бироқ ҳозир вақт зик эди. Моғора оғзига қайтди. Бу пайтда Жонс уйғонганди.

- Қайдасиз, эй яхши одам?
- Шу ердан! – жавоб қилди Фафур.
- Ҳозир кунми, тунми?
- Тонг ёришди!
- Илтимосим бор сизга...
- Айт!
- Мени Жалолободгача элтиб қўя олмайсизми?
- Сен Жалолободга боришинг керакми?

- Шундай!
- Нима қиласан у ерда?
- Уйимга кетишим керак. Танишларим кутмоқда! Улар мени кузатиб қўйишади. Мени шаҳарга олиб бориб қўйсангиз каттагина мукофотга сазовор бўлардингиз!
- Мукофотга?
- Янглишмадингиз.
- Қандай мукофот билан сийламоқчисан мени?
- Истаган пулингизни тўлайман.
- Дарвешларни бойлик, мол-дунё қизиқтирмайди.
- Юрагингизда бирорта армонингиз бордир?
- Бор, лекин уни бажариш сенинг қўлингдан келишига ишонмайман.
- Айтинг, танишларимнинг қўли узун, истаган нарсангизни муҳайё қилишади.
- Сен уларга ишонасанми?
- Ўзимга ишонгандек!
- Ўша танишларинг кимлигини билсам бўладими?
- Сиз уларнинг кимлигини билишингиз шартми?
- Манзилингга соғ-саломат етиб олишни истансанг, менинг саволларимга тўғри ва аниқ жавоб қайтаришингни маслаҳат бераман!
- Бурҳониддин жаноблари! – бир оздан кейин жавоб қайтарди Жонс.

Кутилмаганда оғзидан чиққан сўз Жонсни тўрға туширибгина қолмай, балки ўзининг ҳам кимлигини фош қилди. Фафур тахминлари ҳақ бўлиб чиққанига амин бўлди. Тоғлар орасидаги ғорда бундай учрашувни мутлақо кутмаганди. Ошкора ўйинга киришга қарор қилди. Жонс бехосдан Бурҳониддиннинг номи тилидан чиқиб кетганидан афсусланди. Қўрқинч ҳамда шубҳалар уни тамоман комига тортган эди. Аянчли қисматини ўйлаб, фақат ўз жони кўзига кўринганди. Ва айни чоғда ўзининг бутунлай ожиз-у

нотавонлигидан, тақдирга тан беришдан бошқа иложи қолмаганидан юраги вайрон бўлди.

– Бурҳониддиннинг сенга ёрдам беришига мен ишонмайман, – ўз шубҳа ва гумонларини тасдиқлаштиш мақсадида сўради Фафур.

– Мен эса сизни ишонтираман ва бунга кафолат ҳам бераман.

– Сен Бурҳониддинни яхши биласанми?

– Биз кадрдон дўстмиз! Биродарликни кадрлайди у.

– Гапларингга ишонсам бўладими?

– Худони ўртага қўйиб қасам ичаман!

– Унда бир илтимосим бор.

– Айтинг! Фордан эсон-омон чиқиб, мени Жалолободга олиб бориб, Бурҳониддин жанобларининг қўлига топширсангиз, истагингиз ўша пайтнинг ўзида бажарилади. Бунга кафолат бераман. Айта қолинг, нима истайсиз?

– Бурҳониддиннинг одамлари бир танишимни асирга олган.

– Унинг асирларини қутқаролмайман.

– Ахир ҳозиргина ўзинг истаган илтимосингизни адо этаман деб ваъда бердинг-ку!

– Асирингиз унинг қўлидалигига ишончингиз комилми? – бошқа иложи қолмаганини тушуниб сўради Жонс.

– Албатта!

– У тирикми?

– Тирик, уни шу ерга олиб келиш керак. Мен уни кўрган заҳотим сен озодсан!

– Сиз мени Жалолободга олиб боролмайсизми?

– Менинг кимлигимни унутма, мен шаҳар кездиган одам эмасман. Шу ердаги форлар ичига кириб чиллага ўтиришим керак.

– Унда мени Жалолободга ким олиб боради?

- Икки энлик мактуб ёзиб берсанг бас.
- Бурхониддинни яхши билмас экансиз, у мактубларга ишонмайди. Бирорта одамингиз бўлса, айтинг уни жўнатамиз.
- Бурхониддин тоғликларга ўлса ҳам ишонмайди.
- Гафур энди ўз мақсадини очадиган пайт келганини тушунди.
- Ҳозир сенга бир янгилик айтаман, – деди Гафур Жонсга қарата. Қандай гаплигини билишга қизиққан жосуснинг қулоқлари динг бўлди.
- Қишлоқдаги қароқчилар яқинда нотаниш бир одамни қўлга олишди. Кўринишидан, гап-сўзларидан сени горга ташлаб кетган танишларингдан бўлиши мумкин.
- Исми нима экан?
- Бизга ўзини қўшни қишлоқданман деб таништирди. Бироқ унинг кўзлари ва юзлари бу ернинг одами эмаслигини билдириб турибди.
- Ҳозир қаерда у?
- Зиндонда! Қароқчилар уни узоқ ушлаб туришмайди. Ўлдириб юборишлари мумкин.
- Мен уни кўрсам бўладими?
- Истасанг у билан юзлаштираман!
- Жонс нималарнидир ўйлаб жим қолди.
- Таклифим маъқул келмадими? – сўради Гафур унинг хаёлини бўлиб.
- Розиман, олиб келинг!
- Фақат бир шарт билан!
- Бунча шартни кўп қўясиз?
- Чунки гап сенинг хаёт-мамотинг устида кетмоқда.
- Гапиринг!
- Ўша йигитни элчи сифатида Бурхониддиннинг хузурига жўнатамиз. У бориб сенинг номингдан ўша тутқун йигитни бу ерга олиб келади. Уни кўрганим-

дан сўнг сени озод этаман. Унгача менинг азиз меҳмоним сифатида ҳурматингни жойига қўйман!

– Ўта офир шарт қўймоқдасиз, дарвеш.

– Жонинг омон қолиши ва юртингга етиб бориши олдида бу шарт ҳеч нарса эмас.

– Яхши, мен розиман! Мабодо сизнинг одамингиз Бурҳониддиннинг қўлида бўлмаса ёки қочиб кетган бўлса, мени айбдор ҳисобламайсиз.

– Огоҳлантириб қўйай, салгина ножўя ҳаракат қилсанг, иккингиз ҳам мана шу тоғлар ичида абадий қолиб кетасиз.

– Хавотирланманг, барчаси ўйлаганингиздек бўлади. Бизни қачон учраштирайсиз?

– Эртага!

Шу пайт тепаликдан одамнинг қучоғи етмайдиган иккита тош кўчди, орқасидан бир неча майда тошлар ҳам тушди. Атрофда чанг тўзиди. Улкан тошлар бўлақларга ажраб улар турган томонга думалаб кела бошлади. Фафур ўрнидан сапчиб турди ва Жонсни даст кўтариб четга олди. Тош уларнинг ёнидан думалаб пастликка тушиб кетди.

– Нима бўлганини айтолмайсизми? – сўради Жонс, унинг юзларида хавотир зухур этган эди.

– Сездемингми?

– Кўзим кўр бўлса...

– Боя сен турган жой тепасидан тошлар қулаб тушди, – жавоб қайтарди Фафур. – Худо суйган банда экансан, омон қолдинг. Акс ҳолда иккимизни ҳам мажақлаб ташларди!

– Ё худойим-ей!

– Бу ерда сени ёлғиз қолдириб кетолмайман. Истаган пайтда тошлар кўчиб тушиши мумкин. Қолаверса, горнинг оғзи тепасида улкан чўққи турибди. Унинг устидаги қорлар кўчиб, моғора оғзини ёпиб қўйиши мумкин.

– Олижаноб одам экансиз. Яхшилигингизни бир умр ёдимда сақлайман. Мени бу ердан олиб кетмоқчимисиз?

– Бошқа иложим йўқ.

– Мен сизга қийинчилик туғдиришни истамайман.

– Сен яшашинг керак, балки шифокорлар кўзингни очиши мумкиндир. Менга эса сенинг ёрдамнинг зарур. Чиллага ўтиришдан аввал бечора бир йигитни золимлар зулмидан озод қилишни хоҳлайман.

– Бу гапларингиздан ҳақиқий инсонпарвар эканлигингизга тўла ишонч ҳосил қилдим. Яна бир бор такрорлайман, олижаноб одам экансиз! Мен сизнинг илтимосингизни албатта бажараман!

– Қани, олға!

Фафур Жонсни даст кўтариб елкасига олдида, моғора оғзи томон юрди.

Маълум соатларда тоғдаги вазият ўзгариши мумкин эди. Ташқарига чиқишганда қоронғилик чўка бошлаганди. Фафур келган йўлини йўқотиб қўйди. Атрофга боқди. Баланд қояларни мўлжал қилиб йўлни топди. Айрим жойларни чўққилардан тушган кўчкилар тўсиб қўйганди. Улар ўзлари билан бирга тошларни ҳам қулаб тушган ва йўлларда қорайиб кўринарди. Юриш, айниқса, елкасида ўзининг оғирлиги баробар юкни кўтариб бориш осон эмасди. Фафур тиззасидан қор кечиб, қулаб тушган тошларни айланиб ўтарди. Жонс қийинчиликларни юраги билан ҳис этарди ва дарвешнинг қийналаётганидан хижолат тортарди. Толиқиш ва оёқларида турган оғриқлар туфайли Фафур вақти-вақти билан уни тошлар устига ўтказиб дам олар, бир оз куч тўплаб яна йўлда давом этарди.

– Сиз менинг ҳаётимни сақлаб қолдингиз, бироқ сизнинг бу яхшилигингизга мен қайтарадиган яхшилик тенг келармикин, – деб қўярди гоҳида Жонс.



– Мен сандан ҳеч қандай яхшилиқни талаб қилмайман, фақат илтимос қиламан. Агар қўлингдан келса, айтган одамимни шу ерга келтириб беролсанг сен ҳам менга нисбатан умрбод ёдда қоладиган савоб иш қилган бўлур эдинг. Удда қилолмасанг сенга ҳеч қандай эътирозим йўқ.

Фафур бу сўзларни вақтинча бўлса-да, Жонсда ҳеч қандай шубҳа уйғотмаслик мақсадида айтди.

– Гапларингиз таъсирли.

Улар ўринларидан туриб йўлга отланишди. Ҳеч қанча юрмасдан қаршиларидан терак бўйи қор кўчкиси чиқди. Тепалиқни айланиб ўтиш даркор эди. Бироқ бир томони чўққига туташиб кетгани боис, унга тирмашиб чиқиш мушкул эди. Иккинчи томони эса туби кўринмас жар. Ҳар икки томондан ўтиш хавфли. Фафур учун кўчкининг устидан ошиб ўтишдан ўзга йўл қолмади. Бу ҳам хатарли эди. Қор ичига ботиб кетиш мумкин.

– Нега тўхтаб қолдингиз? – сўради Жонс.

– Қаршимиздан қалин қор кўчкиси чиқди. Баландлиги нақ ўн метр.

– Айланиб ўтсак бўлмайдими?

– Иложи йўқ.

– Сабаб?

– Бир томони тошли тепалиқ, хавфли. Иккинчи томони чуқурлик. Оёғимиз тойиб кетса, иккимизнинг ҳаётимизни ҳеч қандай мўъжиза қутқариб қололмайди.

– Нима қилиш керак?

– Биргина йўл кўчки устидан ошиб ўтиш.

– Мен ярамайман. Сизни қийнаб қўяман.

– Мен сени кўтариб ўтишдан эмас, қорга ботиб қолишдан чўчимокдаман. Агар ботиб қолсак, иккимиз ҳам қор ичида музлаб қоламиз.

– Унда мени шу ерда қолдириб, ўзингиз кетаверинг! Қайтиб келгунингизча кутаман.

– Бундай гапларинг жонимга тегди!

– Кечиринг. Ўзимдан кўра кўпроқ сизнинг тақдирингизни ўйламоқдаман.

– Гапимга қулоқ сол. Биз кўчки устидан ошиб ўтамиз. Менга худди чаёндек ёпишиб оласан. Қорга ботиб бораётганимизда ҳам мени қўйиб юбормайсан, тушундингми?

– Тушундим!

– Унда кетдик!

Фафур Жонсни кўтариб, елкасига миндириб олдида, қаршисидаги қор уюми томон юрди. У яссиликни топди. Шу ердан чиқиш ўнғайроқ эди. Аста тепаликка кўтарила бошлади. Бармоқлари билан совуқ қорни чангаллар, чангаллаган жойидан эса қор кўчиб тушарди. Ўйлаганчалик қор юмшоқ эмасди, тошдек қотиб қолган экан.

– Ёнимда ханжар бор, балки у асқотиб қолар, – деди Жонс шеригининг қийналаётганини сезиб.

– Бер! – деди Фафур уни ерга қўйиб.

Жонс чўнтагидан ханжарни олиб узатди. У узун ва ўткир икки тигли эди. Ханжар билан бир неча чуқурлар ясади. Булар оёқ қўйиш учун қулай эди. Улар яна тепаликка кўтарилишди. Бир оз бўлсада, ясалган чуқурчалар уларга қулайлик туғдирди. Қийналиб кўчки устига чиқиб олишди. Тун ярим бўлганди. Осмон тиниқ эди. Юлдузлар чақнаб турарди. Улар тепалик устида дам олишди. Пастга тушиш ҳам эҳтиёткорликни талаб қиларди. Сирпаниб тушгудек бўлишса, оёқлари қор остида қолиб кетган тошларга тегиб жароҳат олиши ҳеч гап эмас. Фафур шеригини тепаликда қолдириб, ўзи ханжар ёрдамида яна оёқ қўядиган чуқурчалар ясади. Кейин Жонс-ни елкасига опичлаб, пастга олиб тушди.

Катта хавфдан қутулганини ва ҳамроҳи унга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмаслигини тушунган Жонс чин кўнгилдан Фафурнинг илтимосини бажаришга қарор қилди.

Улар қароқчилар қароргоҳига яқин келиб қолишганда тонг ёришганди. Энди йўл хатарлардан холи эди. Тепаликлар ҳам, пастликлар ҳам бўлмаганидек, қоялардан қор кўчкилари, тошларнинг қулаб тушиш хафи ҳам йўқ эди. Фақат йўлда майда тошлар сочилиб ётарди. Қадам қўйганда тақиллаб ғашга тегарди. Биргина хатар Жобирнинг одамлари уни шериги билан кўриб қолишида эди. Фафур бунинг олдини олиш мақсадида Жонсни ҳайвонлар кавлаб кетган чуқурликлар ичида қолдириб, ўзи қароқчилар ҳузурига боришга қарор қилди. Унинг таклифини Жонс эътирозсиз қабул қилди. Тамадди қилиб олишгач, Фафур йўлга чиқди...

**Наманган – Олмаота,  
Сентябрь – декабрь, 2014 йил**

Ўнинчи китоб тугади.

Давоми бор.

## ЎҚУВЧИМГА

Мен оддий дехқон оиласида таваллуд топдим. Уйимиз Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Еримиз қадимги Ахсикент шаҳри ҳудудига туташ. Лолақизғалдоқлар босган томимизга варрак учиргани чиққанимда қадимий пойтахт харобалари кўриниб турарди. Узоқ вақт ўша томонларга тикилганча туриб қолардим. Онамнинг исми Обида эди. Раҳматли бу фоний дунёда эллик йил умргузаронлик қилди. Умри меҳнатда ўтди. Ўрта бўй, қорачадан келган, елкалари меҳнат азобларидан букчайган, қўллари худди қуриган саксовулнинг томиридек ингичка, саводсиз бўлса-да, ақл-фаросатли аёл эди. Ёмғир тик этса, томидан чакка ўтадиган, деворлари тутундан қорайган, сувоғида волидамнинг бармоқ излари мухрланиб қолган, ҳамиша тутуннинг қўланса иси анкиб турадиган бир хонали, дераза ўрнига одамнинг боши сифадиган туйнуғи бўлган, катта энам Ўғилбибининг вафотидан кейин мен учун кадрдон бўлиб қолган уйчада иккимиз қолгандик. Аҳволимиз оғир эди. Қорним очганда хамирпечдан нон тополмаган кунларим кўп бўлган. Ёдимда, ярим тунда ёмғир тўсатдан бошланиб, шиддат билан ёға бошлади. Эрталаб турсак томдан чакка ўтиб, онам бир ой далада кетмон чопиб топган иш ҳақиға берилган ўн килограмм ун хамирга айланиб қолибди. Онам ҳўнграб йиғлаган, бир ҳафта оч қолганмиз.

Онам тонгдан шомга қадар тирикчилик ташвишида куйманиб, гоҳ далада кетмон чопиб, гоҳ бозорда майда-чуйда буюмларни сотиб юргани ҳозир ҳам кўз ўнгимда. Буғдойзорга ўроқ тушиб, ҳосил йиғиштириб кетилгандан сўнг онамни дугоналари билан анғизда қолган бошоқларни тергани учун қамашган. Ўрис терговчи уларни озодликка чиқариб юборган. Отам ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. Уч ойлигимда бизни ташлаб кетган. Унинг тақдири билан ҳозиргача қизиқмаганман.

Ёлғиз фарзанд эдим. Тенгдошларимга қараганда мактабга барвақтроқ бордим. У пайтларда бошланғич синфларни битта хонага йиғиб сабоқ беришарди. Ўқишим билан мақтанолмайман. Китоб-дафтарга пул тополмасдик. Тирикчилик ташвишида куймаланиб юрган онагинам ўқишимга эътибор беришга вақт тополмасди. Устимдан жулдир кийимлар тушмасди. Гоҳида ботинкамнинг йўқлиги, гоҳида кийимимнинг йиртилиб кетгани ёки дафтар-китобим бўлмагани сабаб мактабга боролмасдим. Ўқитувчиларим мактабдан четлатишга уринишарди. Олтинчи ёки еттинчи синфга ўтганимда, бўйим чўзилиб, билагимга куч йиғилиб, одамларнинг уйида мардикор бўлиб ишлай бошладим. Гувала думалатдим, шоли ўтадим, пахсакашга лой кесиб бердим. Колхознинг молхонасида мол боқдим. Далада кетмон чопдим. Озми-кўп пул топдим. Ҳаётимиз изга туша бошладди. Бир маҳал бўлса ҳам қозонимиз қайнади. Ўша уч қадамга тўрт кадам ўлчамдаги уйимиз ичини ёғли таомнинг ҳиди тутди.

Ёдимда: онам пиширган овқатни доимо ҳузурланиб, роҳатланиб ичардим. Ўша таомларнинг таъми ҳозир ҳам тилимда, қўмсайман...

Ўқишим яхшиланмади. Ўзлаштиришим пастлигича қолди. Ёзган иншомдаги хатолардан дафтарим

қизил рангга бўялиб кетарди. Яхши ўқимаганимдан, умримнинг кўпини бекорчи ишларга сарф қилганимдан пушаймонман.

Олийгоҳга киролмадим. Биринчи имтиҳон тақдиримни ҳал қилди. Армияга жўнадим. Икки йиллик хизмат ҳаётимда кескин бурилиш ясади. А.Дюманнинг «Граф Монте Кристо» романини хизматдалигимда ўқиганман. Толстой, Шолохов, Гоголь, Қодирий, Айтматов, Н. Фозилов асарлари сирдошимга айланди.

Мактаб партасида ўқиб юганимда газеталарга мақола ёза бошладим. Уларнинг ўнтасидан биттаси ўзгартиришлар билан босиб чиқариларди. Кейинчалик кичик ҳикоялар машқ қилдим. Уларнинг кўпи газета юзини кўрмади... Йигирма икки ёшимда онамни йўқотиб қўйдим. Ўттиз саккиз йилдан бери у кетган йўлга соғинчдан ёшга тўлган кўзларимни тикаман. Назаримда волидам қаергадир чиқиб кетган, қайтиб келади ва бугун менинг қандай яшаётганимни кўриб, суюнганидан кўзлари ёшланади деб гоҳ севинч, гоҳида ўкинч билан орзиқиб ўйлайман. Бироқ у келмайди. Қабри тепасида юм-юм йиғлаб қайтаман. Эндигина ҳаёт йўлига қадам қўйган йигитнинг ягона меҳрибонидан айрилиши оғир экан. Ҳувиллаган уйда танҳо қолдим. Айрилиқ ҳозиргача юрагимни кемиради.

Ҳар хил одамларга қўшилдим. Адашдим, алдандим... Дўстлар орттирдим. Нодонлар оёғимдан чалди. Йиқилсам кулди, кулсам йиғлади. Тезда йўлимни топиб олдим. Ўғирлик қилмадим, бировнинг мулкига кўз олайтирмадим. Таъмагирлик қўчасидан ўтмадим. Ватанимга, элимга хиёнат қилганларга қарши аёвсиз курашдим. Шул сабаб она диёрим олдида юзим ёруғ.

Хаёт мени яхши инсонлар билан учраштирди. Улар менга туғишганларимдек қадрдон. Кўплари билан ҳозир ҳам борди-келдимиз бор. Юрагим қуш мисоли яхшилар дийдорига, суҳбатига, даврасига талпинади. Ёзганларимни амалдорлар, мансабдорлар ўқиб лабларини буришди. Юзсиз кимсалар ўзлари битган ифво хатларини менинг гарданимга ағдаришди. Ўғри деб қаматмоқчи бўлишди, ўғри топилганда эса юзлари қизармади, ҳақиқат тантана қилди, ёмонларнинг жирканч башаралари очилди. Тош отганларга ёмонлик тиламадим, гина-қудурат сақламадим. Рўпара келганларида қўлимни кўксимга қўйиб салом бердим. Юкларини қўлларидан олдим, хизматларини қилдим.

Хаётимда муҳбирлик муҳим ўрин тутганлигини мамнуният билан эслайман. Олийгоҳда сиртдан ўқиб юрган пайтларим турли газета ва журналларда босилган, радиоларда ўқилган мақолаларим, лавҳаларимдан келган қалам ҳақи ҳамиша шамол ўтиб юрадиган чўнтагимни тўлдириб турди. Йигирма уч ёшимда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига тавсия этилдим, бироқ жинсим тўғри келмади. Қулгили ҳол, шундай эмасми?

Менинг адабиётга кириб келишимда Ўзбекистон халқ ёзувчиси ва давлат мукофоти лауреати Ҳабиб Саъдулланинг меҳнатлари беқиёс. Халқимизнинг сеvimли шоири, зукко, очиқ қўнгил, самимий инсон, босмадан чиққан ҳар бир китобим учун фахрланиб, қувониб, ғурурланиб юрадиган, катта-кичик анжуманларда «Ўзбек адабиётида илк бор роман-эпопеяга асос солган Исоқжон Нишонов» деб таништириб юрадиган Зиёвуддин Мансурдан умримнинг сўнги-га қадар қарздорман.

Илк китобим «Марадонна» Тошкентдаги «Чўлпон» нашриётида, элимизнинг сеvimли ёзувчиси,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби устозим Носир Фозиловнинг тавсияси билан босилди. Шу инсон ўша пайтда чиқадиган «Ленин учқуни» газетасида оқ йўл тилади. Кейинчалик Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Худойберди Тўхтабоев, Саъдулла Сиёев, Тохир Малик каби устозларнинг сабоғини олдим.

1990 йилларга келиб маълум муддат ижодий ишлардан чекиндим. Болаларим катта бўла бошлаганди. Тадбиркорликка қўл урдим, паррандачилик хўжалигини ташкил этдим, тижорат дўконини очдим. Омадим чопмади деб айтолмайман, бироқ қаршимда кўзлари мўлтираб турган одамларнинг қўлидан пул олишни ўзимга эп кўрмадим. Кўнглим эса адабиётга талпинарди.

2000 йилларга келиб чанг босган столимга қайтиб ўтирдим. Қоғоз-қаламларимни қўлимга олдим. Бисмиллоҳ деб йирик асарларга қўл урдим. Кўплаб ҳикоялар, суд очерклари, қиссалар ва ниҳоят, романлар битдим. Улар республикамизнинг турли нашрларида чоп этилди. Каминага ифво тоши отаётганлар яна қўзиқориндек у ер-бу ерда кўриниб қолишди. «Бу асарлар уники эмас, исмдош одамларники» деган гапларни тарқатишди.

Танграмдан уларга инсоф, ўзимга сабр-бардош тиладим.

2009 йилда «Афғон шамоли» романининг биринчи китоби нашр этилди. Асарни китоб ҳолида чоп этишга маблағ тополмай қийналиб юргандим. Худо раҳматли, ажойиб инсон, Чуст босмаҳонасининг директори Шукурхон Тошҳажаев қийналиб юрганимни кўриб, олдига чақирди: «Китобларингни ўзим бостириб бераман, ҳақини сотганингдан кейин тўларсан», – деб қолдилар. Суюндим. «Афғон шамо-



ли» романининг биринчи китоби у кишининг ёрдами билан бир йўла 4000 нусхада чоп этилди. Китоб сотиш борасида ҳали тажрибам етарли эмасди. Китоб дўконларига олиб бордим. У пайтларда шаҳарларда битта-иккита китоб дўкони бўларди. Битта китоб учун беш юз сўм устама қўйдим. Бу менинг оппоқ қоғоз устида уйқусиз ўтказган тунларим учун эмас, балки кейинчалик ҳақимни олиш мақсадида шаҳарларга бўзчининг моксидек бориб келишим учун йўл ҳақим эди. Минг илтимос билан ташлаб келардим. Ҳақимни берганлардан бермаганлари кўпроқ бўлди. Мазкур китоб қўлма-қўл бўлиб кетди. Олти ойда тугади. Бироқ магазинчи дўстларимдан сотилган китобимнинг ҳақини ололмасдим. Одамлар асарнинг иккинчи китобини сўрай бошлашди. Уйимдаги иккита буқани ва болаларим учун бир пайтлар олиб қўйган томорқамни сотишга мажбур бўлдим. Китобнинг иккинчи бўлимини босмаҳонага топширдим. Шундай қилиб, мен катта ижод даргоҳига қадам босдим. Юртга, элга танилдим. Турли ташкилот ва муассасаларга учрашувларга таклиф этишди. Олий ўқув юрти талабалари билан йилига икки-уч бор учрашаман. Асарларим ҳақида ёқлаётган диплом ишларида бирга бўламан. Мамлакатимизнинг турли вилоят ва шаҳарларидаги мухлисларим учрашувларга таклиф этишади. Ҳарбий хизматчилар чақиришади, китобларимдан совға қиламан. Малака ошириш институтига келган ҳамкасбларим ижодимга қизиқишади. Уларнинг таклифларини, фикрларини эшитиб бошим қўкка етади.

Ажойиб инсон, қалами ўткир адиб ва таржимон, дўсти вафодор Рустамжон Умматов «Огоҳликка чорловчи роман» ва «Ватанпарвар адиб» деб ном-

ланган илмий мақолаларида «Афғон шамоли»да ёвларга нафратдан ва Ватан қайғусидан ўзга гап йўқ. Зеро, ўзбек адиби қалбида бундан бўлак қайғу бўлмоғи ҳам мумкинми?» деб баҳо берган бўлса, оташнафас шоир ва публицист Содиқ Сайхун «Тинчликни тинчликда асранг одамлар» номли йирик мақола-сида «Исоқжон Нишонов «Ватан ОМОН бўлса, сиз ҳам омонсиз, Ватан тинч бўлса, сиз ҳам тинчсиз, тақдиримиз эгиз. Ватанга хиёнат – ўзингизга хиёнат!» деган огоҳномани китоблар қатига чуқур сингдириб юбориш иштиёқидаги бедорликдан ижод завқини туяди» дея, янада илҳом билан қалам тебратишга чорлайди.

Асарларимга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш ортди. Германиядаги бир қатор ноширлар асарнинг таржимаси билан қизиқиб қолишди. «Шлоссер» нашриёти 2013 йилнинг декабрида мазкур романнинг биринчи китобини немис тилида босмадан чиқарди. Буни қарангки, Германиянинг энг йирик кутубхоналардан бири «Афғон шамоли» романини қабул қилганлиги тўғрисида махсус гувоҳномани юборди. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан нашриёт муҳарриридан шундай мактуб олдим.

*«Афғон шамоли» романи немис адабий танқидчилари ва китобхонлари томонидан ижобий баҳо-ланмоқда. Ўйлаймизки, бу ҳали бошланиши ва тез орада мазкур ўзбек детектив романи Германияда ҳам кўп-кўп ўқувчиларини топади.*

*Салом билан Михаил Шлоссер.*

*14 феврал, 2014 йил.*

Қувончим кўксимга сизга юрган кунларнинг бирида иккинчи мактуб келди:

*«Жаноб Нишонов!*

*Германиядаги китоб савдоси билан шуғулланадиган энг йирик компания Сизнинг асарингизга катта қизиқиш билдирмоқда. Яқин кунлар ичида улар билан шартнома тузишни режалаштирганмиз.*

*Салом билан Михаил Шлоссер.*

*28 декабр, 2014 йил».*

Германиянинг «Frankfurt verlag» нашриёти раҳбари йилига каминани Англия, Австралия ва Германиянинг икки шахрида бўлиб ўтадиган халқаро китоб кўргазмасида иштирок этишим учун таклифнома жўнатди. Асарларимга жаҳоннинг турли мамлакатлари ноширларида қизиқиш пайдо бўлганини билдирганида, камтарин ижодимнинг бундай эътирофи кўзимга ёш келтирди.

Ижодимга ғайри кўз билан қараганлар ҳам бўлди. Улардан бири китоб чиқаётган нашриёт раҳбарининг ҳузурига кириб, «Ёзганлари олди-қочди воқеаларнинг жамланмаси. Бундай китобларни чиқаришни тўхтатиш керак», деган таклиф билдирди. Бу дўстимга ҳурматим баланд эди. Айбим – ёзишда бир оз жадаллашиб кетганим. Янги йил кечасида вилоят ҳокими бир гуруҳ ижодкорларни қабул қилди. Эндигина қўлига қалам тутган, икки қатор шеър битган, капалакнинг қанотидек китобча чиқариб, ҳозирда «бош оғриқ иш»ни йиғиштириб қўйган, бояги дўстимизнинг остига пахта қўйиб юрадиган қўл-оёғи чаққон кимсалар рўйхатнинг юқорисидан жой олишди. Умумий китобларининг жамланмаси салкам беш юз минг нусхадан ошган каминага улар сафидан жой тегмади. Негалигини ҳозиргача билмайман. Олийгоҳларда, мактабларда ўтказиладиган учрашувлар, кечаларга боришимга ҳам ҳозир шу дўстимиз кўкси-

ни қалқон қилиб: «У ёзувчилар уюшмасининг аъзо-си эмас», – деб эътироз билдириб туради.

Ёшим ўтиб, ақлим тиниклашиб, яхши-ёмонни ажратиб, елкамга офтоб нури тушиб, хўрликлар, камситишлардан эзилган бағримни кўтариб, ўтаётган кунларимга шукрона айтиб, қувониб, яйраб юрган кезларимда тақдирнинг кутилмаган зарбасига рўбару келдим. Йигирма саккиз ёшли, алпқомат, суюкли фарзандим Баҳодирни йўқотиб қўйдим. У мени, онасини, опа-укаларини фироқ ўтига ташлаб, боқий дунёнинг олис йўлларига рихлат қилди... Сочларимга қиров қўнди, елкамга тоғ қулади, қаддим букилди, юзимга ажинлар из солди. Юрагим пора-пора бўлиб ёнди. Ўттиз йилдан буён онамни тушимда кўрмайман, соғинсам суратига термиламан, қабрини зиёрат қиламан. Боламнинг ташлаб кетганига ҳам икки йилдан ошди. Кунора қабрига чиқаман, кечалари худодан тушимга киришини ёлвориб сўрайман, аммо тушларимга кирмайди. Даста-даста суратлари бор, кўзимнинг гавҳаридек асрайман, бироқ кўрай, дийдорига тўяй дейман, юрагимнинг бардоши етмайди. У мисоли қоғозга ўхшаб қолган. Ундан қолган ёлғиз ёдгорининг кўзларига, юзларига боқаман, болагинамнинг аксини кўргандек бўламан...

2014 йилнинг ноябрь ойида Англиянинг нуфузли нашриётларидан бири «Hertfordshire press» Олмаота шаҳрида ташкил қилган Халқаро ёзувчилар Форумида қатнашишим учун таклифнома юборди. Бордим. Дунёнинг таниқли ёзувчиларидан польшалик (ҳозирда Германияда яшаётган) В.Вишневский, Буюк Британиялик адиб Дэвид Пэри, шотландиялик Р. Робинсон, қозоғистонлик таниқли шоир Мухтор Шаханов, Қирғизистон халқ ёзувчиси Казат Акматов, туркиялик профессор Абдулвахоб

Қора, шотландиялик Робин Томсон ва бошқа адиблар билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим... Вишневский асарнинг немисча нашри ҳақида фикр билдириб, «Ватанни шарафлаган асар» деб баҳо берди.

Деярли ҳар куни мамлакатимизнинг турли бурчакларидан қалб туйғулари битилган мактублар оламан. Интернетдаги хабарларни ўқийман. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдим.

«Исоқжон Нишонов ёзган «Афғон шамоли» детектив романини ўқиб Ватан нақадар буюк неъмат эканлигини янада чуқурроқ англадим».

Бошқа бир муҳлис «Дунёда бир баланд тоғ бор деб эшитганман. Ҳурматингиз шу тоғдек баланд бўлсин. Ўша тоғнинг бошида оқлик бор дейишади, кўнглингиз шу қордек оппоқ бўлсин. Ўша тоғдан пастга тушганда кўк арча бор дейишади. Савобингиз шу арчадек мўл бўлсин. Янада пастга тушсангиз тоза булоқ бор дейишади, юрагингиз шу булоқдек қайнаб турсин. Ўша булоқ ёқасида олис йўл бор, умрингиз шу йўлдай узун бўлсин», деб ёзади.

Яна бири «Ватанга бўлган садоқатингиз қиёматда бошингизга соябон бўлсин», дея тилак йўллайди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

Ширин сўзларини аямаган, қалбимга далда берган инсонлар қаршисида умрбод қарздор деб билман ўзимни.

Йигирмага яқин роман, ўнлаб қиссалар, ўнлаб ҳикоялар жамланмасининг муаллифиман. 50 га яқин китобим элнинг қўлида, юз минглаб нусхада чоп этилган... Асарларим орқали юртимга бўлган адоқсиз меҳримни, садоқатимни қуйлаб, унинг муқаддас тупроғини кўз қорачиғидек асрашга, ҳушёрликка, нияти бузуқ кимсаларнинг тўрига илиниб қолмасликка даъват этаман.

Оддий қишлоқда туғилиб, ҳозирда ҳам киндик қони томган жойда яшаётган адабиёт ихлосмандининг ёзган асарларини халқимиз, қолаверса, дунёнинг қатор мамлакатларидаги ўқувчилар томонидан мутолаа қилинаётгани камина қалбида чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади... Зеро, мен учун энг буюк бахт, энг юксак мукофот шунинг ўзи!

**Сизга чексиз ҳурмат билан,  
муаллиф**

## МУНДАРИЖА

Доши .....	3
Қундуз .....	6
Истанбул .....	17
Жалолобод .....	45
Юртда .....	64
Жалолобод .....	72
Саманган .....	80
Жалолобод .....	89
Истанбул .....	95
Афғонистон .....	116
Юртда .....	135
Жалолобод .....	150
Ўқувчимга .....	179

*Адабий-бадиий нашр*

**ИСОҚЖОН НИШОНОВ**

**АФҒОН ШАМОЛИ  
ТЎҒОН**

*Роман  
Ўнинчи китоб*

*Тўлдирилган қайта нашри*

Мухаррир  
Мухайё РИХСИБЕКОВА

Мусаххих  
Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ



Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.  
Босишга 2016 йил 30.08да рухсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Босма табағи 7,0. Шартли босма табағи 11,76.  
Гарнитура «Peterburg». Офсет қоғоз.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 178.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;  
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;  
факс – 273-00-14;  
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru